

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги**

Тошкент Молия институти

К. Н. Наврӯзова

**БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ ВА ОПЕРАЦИОН
ТЕХНИКА**

Ўкув қўлланма

Тошкент - 2003

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника
Т., ТМИ. 2003 йил. 176 бет

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича республикамизда чоп этилаётган дастлабки қўлланма бўлиб, унда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари, ҳисобвараклари режаси, унинг тузилиши, аналитик ва синтетик ҳисобларнинг юритилиши кўрсатиб ўтилган. Банкларнинг хужжатлари ва хужжатлар айланишига тавсиф берилган. Шунингдек, ўкув қулланма бир қатор банк операциялари, жумладан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса ва ссуда, эмиссия операциялари, банклараро ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилишига алоҳида ўрин берилган, республика банкларидағи бухгалтерия ҳисобидаги ҳозирги ўзгаришлар назарда тутилган.

Ўкув қўлланма «Банк иши» кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. «23» октябрь 2003 й. 6-сон мажлис баёни.

«Банк иши» кафедраси мудири: проф. Абдуллаева Ш.З.

Ўкув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўкув юртлараво илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.
«___» 200 й. -сон мажлис баёни.

**Ректорнинг ўқув ва методик
ишлар бўйича муовини:**

А.Воҳобов

Муаллиф: доц. Наврўзова К.Н.

Тақризчилар: Эрназаров Н.С. - «Банк иши» кафедраси
катта ўқитувчиси Ибодуллаева Д. - Ўз. Р.
М.Б. методология
департаменти бўлим
бошлиғи

Тошкент Молия институти, 2003

КИРИШ

Бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида республикамизда фаолият юритаётган банкларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам нафақат банкларнинг, балки бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда зарур бўлиб ҳисобланади.

Банк тизимида ислоҳотларнинг дастлабки қадами сифатида 1997 йил март ойидан бошлаб ҳалқаро андозаларга тўлиқ мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ва Марказий банк ҳисобварақларининг янги режасини ишлаб чиқилган ва амалётга тадбиқ этилганлигини келтириш мумкин. Янги ҳисобварақларини амалиётда жорий қилиниши банклар фаолиятини "ошқоралиги"ни, банк сармоядорлари, мижозлари ва бошқа манфатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш имконини беради.

Республикамиз банк тизими бухгалтерия ҳисоби ҳалқаро андозаларга мос келувчи янги ҳисобварақлар тизимига ўтиши муносабати билан банк иши ва унинг бухгалтерия ҳисобида кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтди.

Ушбу ўқув қўлланма "Банк иши" йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, у олий таълимнинг бакалавр босқичида ўқитилиши режалаштирилган. "Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника" фани ҳамда магистратура босқичида "Бухгалтерия ҳисоби" йўналишида ўқитиладиган "Банкларда бухгалтерия ҳисоби" фанидан ўқув ва намунавий дастурлари асосида ёзилган.

Мазкур ўқув қўлланмадан "Банк иши" йўналишида ўқиётган барча олий ўқув юртлари, коллежлар, бизнес мактаблари талабалари, шунингдек банк мутахассислари ва банкларнинг бухгалтерия иши билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин. "Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника" ўқув қўлланмасида банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этишнинг барча кирралари мужассамлашган. Бунда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари, банкларда хужжатлаштиришни ва банк назоратини ташкил этиш, батафсил ёритилган. Ушбу қўлланмада банк томонидан бажариладиган ҳисоб-китоб, касса, ссуда, эмиссия, банклараро операциялар, бу операцияларни ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши батафсил ёритилган. Қўлланмада санаб ўтилган операцияларни ёритиш давомида барча охирги ўзгариш ва янгиликлар инобатга олинган, лекин ўқув қўлланмада айrim камчиликлар мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу камчиликлар бўйича ўз фикр мулоҳазалари ва таклифларингизни билдиришинингизни сўраймиз ва бу учун минатдорчилик билдирамиз. Мазкур қўлланмани ёритиш давомида ўз ёрдамларини аямаган кафедра мудири, ҳамкасларимиз ҳамда тақризчиларга ҳам ўз минатдорчилигимизни изҳор этамиз.

1-БОБ. БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ. БАНКЛАРНИНГ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ

1-§. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари

Банк - бу пул муомаласини бошқарувчи ташкилот бўлиб, у тўловлар ва ҳисобкитобларни ташкил этиш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварагларини юритиш, уларнинг пул маблағларини сақлаш, кредитлаш билан боғлиқ бўлган хизматларни амалга оширади. Банк фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати ва уларнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни йиғишида бухгалтерия ҳисоби катта роль ўйнайди. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда банкнинг актив ва пассив операциялари режалаштирилади. Молиявий ҳисботларнинг натижаси банкнинг молиявий ҳолатини кўрсатади ва банк раҳбарларига банк ишини ривожлантиришда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишига шароит яратади. Шу қабул қилинган сиёsat асосида тадбирларни амалга ошириш механизми яратилади, бу фаолият банк ходимларининг кунлик иш жараёнларида ҳамда операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда ўз ифодасини топади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари халқ ҳўжалиги тури тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби асослари билан деярли ўхшаш. Улар 1996 йил августидаги Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунда ўз ифодасини топган. Ушбу қонундан келиб чиқсан ҳолда, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг метод ологик асослари қўйидагилар ҳисобланади:

- а) ҳўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни дастлабки ҳужжатларда акс эттириш;
- б) ҳўжалик операцияларини, банк мулкини пулдаги ифодасини белгилаш;
- в) барча операцияларни икки ёқлама ёзув асосида гурухлаштириш, бунда ёзувларни ҳисобвараклар режасидаги ҳисобрақамлар асосида олиб бориш;
- г) ҳисоб-китоб ва бошқа операциялар якунида маълум санага банк ҳўжалик фаолиятига тавсиф бериш, яъни банк балансини тузиш.

Банкларда бухгалтерия ишини ташкил этиш асослари корхоналар бухгалтерия ҳисобига ўхшаш бўлса-да, баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу сабабли банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилидаги ҳужжатлар асос қилиб олинади:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конуни;
- 2.Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни;
- 3.«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни;
- 4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисида»ги 61-сонли йўриқнома;
- 5.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа меъёрий ҳужжатлари.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қоидалари «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисида»ги 61-сонли йўриқномада батафсил ёритилган, жумладан, йўриқномада бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари, бухгалтерия аппаратининг структураси берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари кўрсатилган, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланишини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисботини тузиш ҳамда халқаро андозаларга асосланган бошқа банк операцияларини бажариш ҳажмлари ва тартиби белгилаб қўйилган. Шунингдек, йўриқномада бухгалтерия ҳисоби вазифалари кўрсатиб берилган бўлиб, бу вазифалар ку йи дагил ардир:

1. Ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, мижозларга тез ва пухта хизмат кўрсатиш;

2. Ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;

3. Бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисо-ботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;

4. Банкдан чиқадиган ҳужжатларни тегишлича расмийлаш-тириш ва бунинг натижасида бу ҳужжат борган жойда улардан фойдаланишни енгиллаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ана шу ҳужжатлар билан операциялар бажарилаётганда ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозлар ҳисобваракларининг ҳисоби юритилаётганда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

5. Банкда турган пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисоби юритиладиган бланкаларнинг кам чиқиши ёки ортиқча сарфлаб юборилишининг олдини олиш;

6. Операциялар бажарилаётганда банк мансабдор шахслари қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган, бойликлар ва ҳужжатлар йўқотиб қўйилган ҳолларда улар жавобгарлигини ҳужжатлар билан асослаш;

7. Операциялар бажарилиши, расмийлаштирилишининг қо-нунийлиги ва тўғрилиги тўғрисида кейинчалик текшириш ва маълумотлар олиш имкониятини яратиш;

8. Банкда иш куни тартибига қатъий риоя қилиш;

9. Замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг фой-даланиш асосида банк операцияларини бажариш учун меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш, улар ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш ва ҳакозо.

Умуман, йўриқномада баён этилган бухгалтерия иши ва бухгалтерия ҳисоби юритишини ташкил этишининг тартиби янги компьютер техникаси қўйилнилаётган шароит асосида белгиланган. Йўриқномада ва унинг иловаларида берилган операцияларни бажариш, расмийлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасидаги барча банклар учун мажбурийдир.

Юқорида биз, банкларда бухгалтерия ҳисобининг роли, бухгалтерия ҳисоби олдида турган вазифалари, бухгалтерия ҳисобини олиб боришининг асосларини кўриб чиқдик. Энди бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг аҳамияти ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Тижорат банклари, мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқли бўлишдан қатъий назар, улар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказий банк ва Молия Вазирлиги томонидан чиқарилган йўриқнома ва кўрсатмалар талаби даражасида бўлиш керак.

Айни пайтда, бу йўриқномалар ўз вақтида банк филиалларига етказилмоғи, шу билан бирга, маҳаллий органлар, солиқ назорати органлари билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Чунки банк бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш доираси жуда кенгdir. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари (Марказий банк, Молия Вазирлиги, Давлат Солщ К^митаси) учун тижорат банкларининг молиявий ахволи, пул муомаласининг ҳолати, иқтисодиётдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳимдир.

Банк эгалари учун, шу билан бирга, унинг ҳиссадорлари учун бу маълумотлар банк маблағларининг қандай жалб қилинаётганлиги, улардан қай усулда фойдаланилаётганлиги, банк актив операцияларидан қандай молиявий натижалар кутилаётганлигини билиш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк раҳбарлари, унинг ходимлари, айни чоғда банк мижозлари учун ҳам қизиқарлидир. Чунки банк раҳбарлари ва барча ходимлари банкнинг кунлик активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, даромадлари ва харажатларининг структураси билан қизиқсалар, банк мижозлари эса банк ликвидлиги ва

унинг барқарорлик даражасини билишни истайдилар. Банк молиявий аҳволи ёмонлашувини сезган мижозлар бошқа барқарор банкка ўз маблағларини ўтказиб унинг хизматидан фойдаланишни афзал кўрадилар.

Демак, банк бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш нуқтаи назаридан Марказий банк, Солиқ назорати қўмитаси, барча тижорат банклари ва мижозлар учун жуда зарурдир. Бу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлиги, йўл кўяётган хатари, резервлари, кредит портфели ҳолатини белгилаш имконияти яратилади.

2-§. Банк ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши

а) Банк ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши.

Банкларда бажариладиган барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш банкнинг ҳисоб-операцион бўлимига юқлатилган. ҳисоб-операцион бўлими банк фаолиятининг кўлами ва йўналиши, мижозлар сони ҳамда бошқа кўрсаткичларга қараб бир канча гурухлардан иборат бўлади. Бу гурухларда иш юритувчиларни масъул ижрочи деб аталади. ҳар бир масъул ижрочига бир нечта мижозлар бўлиб берилиб, улар ўзларига бўлиб берилган корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, касса, валюта ва кредит операциялари бўйича ҳисоб ишларини олиб борадилар, уларга хизмат кўрсатадилар. Бу гурухлар ҳисоб гурухи дейилади. Бундан ташқари, ҳисоб-операцион бўлимда банклараро ҳисоб-китоблар бўлими, давлат бюджетини кассавий ижроси бўлими, банк ички операцияларини ташкил этиш бўлими ҳам мавжуд бўлади. Бу бўлимларда ишловчи бухгалтерлар сони ҳам мазкур бўлимда бажариладиган операциялар кўлами билан белгиланади.

Банклараро ҳисоб-китоблар бўлимининг вазифаси масъул ижрочилардан бошқа банкларга тегишли бўлиб, ўтказилиши керак бўлган ҳужжатларни қабул қилиш, уларни банклар бўйича саралаш, ҳужжатлардаги ёзувларнинг тўғрилигини филиаллараро оборотлар бўйича назорат қилиш ва бошқа банкка ҳужжатларни электрон почта орқали жўнатишдан иборат.

Давлат бюджетининг кассавий ижроси бўйича бўлим бухгалтерлари давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича операцияларни ташкил этадилар, бу операциялар ҳисобини олиб борадилар, давлат бюджети харажатларининг тўғри ва қонуний сарфланиши устидан назорат қиласидилар.

Ички банк операциялари бўйича бўлимининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- банк асосий воситаларини, арzon ва тез эскирадиган буюмларни сотиб олиш, уларнинг эскириши, қайта баҳоланиш ҳамда ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш;
- банк номоддий активларини, материалларни сотиб олиш, уларнинг эскириши, қайта баҳолаш, ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш;
- банк бошқарув аппарати ва ходимларининг харажатларини ҳисоблаш ва ҳисобга олиб бориш;
- банкнинг барча даромадлари бўйича ҳисобни олиб бориш;
- банкнинг барча харажатларини ҳисобга олиб бориш ва ҳакозо.

Юқорида санаб ўтилган бўлиmlар мажмуаси банкнинг ҳисоб-операцион бўлимини ташкил этади. ҳисоб-операцион бўлимини банк бош бухгалтери бошқаради. Банкдаги мижозлар сони, бажариладиган операциялар кўлами ва ҳисоб-операцион бўлиmdаги гурухлар сонига қараб бош бухгалтернинг бир ёки икки муовини тайинланади. Кўшимча ва Бош дафтарларда операцияларни қайд этиш, дастурли компьютер тизимида ҳисботлар тузиш ишларига умумий раҳбарлик қилиш банк бош бухгалтерига юкланади. Агар бош бухгалтер бўлмаса, яъни меҳнат таътилида, хизмат сафарида ёки касал бўлса, банк раҳбарининг буйруғига кўра масъулият унинг муовинига топширилади. Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш билан бош бухгалтер шуғулланади.

б) Банк бош бухгалтерининг вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари.

Банк бош бухгалтери банкда ҳисоб-операцион ишларни ташкил этади, банкнинг моддий ва молиявий ресурсларининг тўла сақланишини таъминлайди. У банк раҳбари томонидан тайинланади ва вазифасидан бўшатилади. Агар банкнинг юқори банк ташкилоти бўлса, юқори банк ташкилоти раҳбари, бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи билан келишилади ва Марказий банк бошқаруви қошидаги комиссия тақдимотидан ўтказилади.

ҳар бир банкда ходимларнинг лавозим вазифалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши лозим. Банкнинг бош бухгалтери «Банк тизимининг бош бухгалтерлари тўғрисидаги» Низом асосида иш олиб боради. Бу Низом Марказий банкнинг 1997 йил 9

сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича йўриқнома»нинг иловасида тўлиқ берилган. Унда бош бухгалтернинг вазифалари, хуқуқлари ва мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

Бош бухгалтернинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- банк операцияларини ўз вақтида бухгалтерия ёзувларида акс эттириш ва банк бухгалтерия ишини тўғри ташкил этиш;
- банкнинг барча операциялари бўйича хужжатлар айланишини ўз вақтида ташкил этишни таъминлаш, операцияларнинг натижаси бўйича баланс тузиб, раҳбарга топшириш;
- қундалик балансни операцион қун тугаши арафасида якунлаш;
- мижозлардан келадиган хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши ва қонунийлиги устидан назорат қилиш;
- қимматбаҳо ҳисобот бланкаларининг тўлиқ сақланиши ва улар бўйича тўғри ҳисоб олиб борилишини таъминлаш;
- соат 10.00 гача аввалги кун хужжатларини папкаларга тикиб, жорий архивга топширишни таъминлаш;
- ўз ходимларини янги йўриқнома ва хатлар билан таништириб бориш;
- дастлабки ҳужжатлар асосида ҳисоботларини ўз вақтида тайёрлаб белгиланган муддатларда Марказий банк ва тегишли органларга тақдим этиш;

«Банк тизимининг бош бухгалтерлари тўғрисида»ги Низомда банк бош бухгалтерларининг хуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Банкнинг барча ҳисоб-операцион аппарат ходимлари бош бухгалтерга бўйсинадилар. Бош бухгалтер ҳисоб-операцион аппарат ходимлари учун мажбуриятлар белгилаб, ўз вазифаларини бажариш учун шарт-шароит яратади. Операцияларни бажариш ёки расмийлаштириш бўйича бухгалтернинг кўрсатмаларини бажариш барча банк ходимлари учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Бош бухгалтернинг кўрсатмаларини бажармаганлиги ёки нотўғри бажарганлиги учун ходим мукофотдан бутунлай, қисман маҳрум бўлиши, алоҳида ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундан ташқари, бош бухгалтер банк раҳбаридан бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш бўйича чоралар кўришни талаб қилиш, кассаларда пул қабул қилиш, сақлаш, ишлатиш бўйича ўрнатилган қоидаларни тўғри бажариш устидан назорат қилиш, мукофотлар миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш бўйича таклифлар киритиш хуқуқига эга.

Моддий жавобгар шахсларни, яъни кассир, омбор мудирларини лавозимга тайинлаш, ишдан бўшатиш ва бошига ишга ўтказиш масаласи ҳам бош бухгалтер билан келишиб ҳал қилинади. Ходимларга мансаб маошлари, иш хақига устамалар белгилаш ҳамда уларни мукофотлаш тўғрисидаги буйруқлар ва фармойишларни дастлаб бош бухгалтер кўриб чиқади ва уларга имзо чекади.

Шу билан биргаликда банк бош бухгалтери қўйидаги ҳолларда жавобгардир:

- бухгалтерия ҳисобининг нотўғри олиб борилиш натижасида ҳисоботларда нотўғри маълумотлар берилишида;
- депозит ва бошқа ҳисобвараклар, шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар бўйича нотўғри маълумотлар берилса ва улар бўйича ҳисоб ишлари ўз вақтида олиб борилмаса;
- бухгалтерия ходимларининг айби билан нотўғри ҳисобот берилса;
- Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари бўйича хатоликларга йўл қўйилса;
- банк раҳбари билан тенг равишда банкнинг молиявий, хўжалик фаолиятини ташкил қилишда қўпол хатоликка йўл қўйилса жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Умуман, бош бухгалтерларнинг интизомий, моддий ва жиноий жавобгарлиги амалдаги қонунларга мувофиқ белгиланади.

Юқорида биз банклар бош бухгалтерининг вазифалари, хуқуқ ва мажбуриятлари билан танишиб чиқдик.

в) Банк масъул ижрочиларининг вазифалари.

ҳисоб-операцион аппаратининг асосий ходимлари - бу масъул ижрочилардир. Банк мижозларининг асосий ҳисоб-китоб операцияларини юритиши, мижозлар билан мулоқатда бўлиши, айнан, масъул ижрочиларга юклатилган. Масъул ижрочиларниң асосий вазифалари рўйхати ҳам «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича» йўриқномада келтирилган. Бухгалтерия ходимлари, яъни масъул ижрочилар куйидаги вазифаларни бажаради:

- биритириб қўйилган банк мижозлари ва ходимлардан қабул қилинган ҳисоб-китоб ва пул хужжатларига тегишли ишлов бериш;
- тақдим этилган ҳужжатлар бўйича пул ўтказиш ёки пул тўлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳисобвараклардаги пул маблағларининг етарлиги асосида аниқлаш;
- келиб тушган барча ҳисоб-китоб ҳужжатларини операциялар қонунийлиги ҳамда уларнинг кредитлаш ва ҳисоб-китоб қилиш қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, мазкур мижознинг уставида кўзда тутилган фаолият турига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириш;
- аккредитивлар бўйича ҳисоб-китобларда барча ҳужжатларнинг аккредитив шартларига мос келишини текшириш;
- чек, тўлов топшириғи, тўлов талабномаси, инкассо топшириғи ва бошқа ҳужжатларнинг ҳамда уларга илова қилинган товар транспорт ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганини текшириш, барча реквизитларнинг мавжудлигини аниқлаш;
- пулини тўлаш учун тақдим этилган пул чекларининг номерлари, имзолар ва муҳр намунаси туширилган карточкада қайд этилган чек дафтарчасининг номерларига тўғри келишни текшириш;
- чек бўйича иш ҳақи учун маблағларни белгиланган ҳажм доирасида беришини назорат қилиш, бу маблағлар ҳисобини юритиш;
- мижозларга иш ҳақи учун маблағ берилаётганда иш ҳақини график бўйича тўлаш муддатларига риоя қилинаётганлиги, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ушлаб колинадиган соликлар, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар суммаларини ўз вақтида ўтказишни назорат қилиш;
- кутилмаган вазиятлар ҳисобваракларида ҳисобга олинадиган ҳисоб-китоб, пул ҳужжатлари карточкаларини юритиш;
- ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича инкассо картотекасини, ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар картотекасини юритиш;
- мижозлар ва банк операциялари бўйича шахсий ҳисобвараклардаги ёзувларнинг тўғрилигини текшириш ва улардан кўчирмаларни мижозларга бериш учун қутиларга жойлаштириш;
- операцион кун давомида мижозларга хизмат кўрсатиш графигига амал қилиш ва ҳоказо.

3-§. Банкнинг ҳисобвараклар режаси ва унинг тузилиши

ҳар бир банк ўз бухгалтерия ҳисобини барча банклар учун бир хил бўлган ҳисобвараклар режаси асосида олиб боради. 1997 йил апрелига қадар республикадаги барча банклар сабиқ иттифоқ даврида тузилган ягона ҳисобвараклар режаси асосида иш юритар эдилар. Лекин иқтисодиётимизни янги бозор муносабатлари асосида ташкил этар эканмиз, иқтисодиётни изга солиб, уни назорат қилиш учун бухгалтерия ҳисобини ҳалқаро миқёсда кабул қилинган яхлит тизимга мослаштириб олиб бориш талаб этилди. Шу сабабли, республика банклари бухгалтерия ҳисобини янги ҳисобвараклар тизими асосида ташкил этишга киришдилар. Шу мақсадда 1995 йил Артур Андерсен аудиторлик фирмаси билан шартнома тузилди ва фирма республика Марказий банки билан биргаликда банкнинг янги ҳисобвараклар режасини ишлаб чиқди. 1996 йил 13 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг 289-сонли қарори билан «Республика Марказий банкнинг ҳисобвараклар режаси», 290-сонли қарори билан эса «Тижорат банкларининг ҳисобвараклар режаси» тасдиқланди. 1997 йил 1 апрелдан барча банклар бухгалтерия ҳисоби янги ҳисобвараклар режаси асосида олиб борила бошланди. Вақт ўтиши билан режага ўзгаришлар киритилиб, 1999 йил 22 майда янги таҳрирдаги ҳисобвараклар режаси тасдиқланди.

Банкларнинг янги ҳисобвараклар режасига ўтиши нималар билан белгиланади? Умуман, Ўзбекистоннинг ҳалқаро меҳнат тақсимотига, жаҳон бозор муносабатлари тизимиға ўтганлиги банклар учун янги ҳисобвараклар режасига ўтиш зарурятини келтириб чиқарди. Қолган барча сабаблар шулардан келиб чиқади:

- биринчидан, республикада икки поғонали банк тизимининг барпо этилиши;
- иккинчидан, давлат мулки ягона бўлмаган ҳолда турли мулкчлик шаклларининг пайдо бўлиши;
- учинчидан, чет эл инвестицияларнинг жалб қилиниши;
- тўртинчидан, чет эл корхона ва ташкилотлари билан шерикчилик муносабатларининг ўрнатилиши;
- бешинчидан, ҳисботларни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада тузилишини таъминлаш зарурлиги ва ҳоказо.

Янги ҳисобвараклар режаси аввалгисидан фарқ қиласи. Эски ҳисобвараклар режаси 2 қисмдан иборат бўлиб, бири баланс ичидаги ҳисобваракларни, иккинчи қисми балансдан ташқари ҳисобваракларни ўз ичига олар эди. Баланс ичидаги ҳисобвараклар мазмунан гуруҳлаш принципи асосида тузилган бўлиб 24 бўлимдан иборат. ҳар бир бўлимда актив, пассив ва аралаш характердаги актив-пассив ҳисобвараклар жойлашган ҳамда улар бўйича операциялар икки ёқлама ёзув асосида олиб борилар эди. Балансдан ташқари ҳисобвараклар эса 8 бўлимга гуруҳланиб, бу ҳисобвараклар бўйича ёзувлар бир томонлама, яъни кирим ёки чиқим кўринишида юритилар эди.

Янги ҳисобвараклар режаси ҳам мазмунан, ҳам тузилиш жиҳатидан эскисидан фарқланади.

Илгари Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам бухгалтерия ҳисобини ягона ҳисобвараклар режаси асосида юритар эдилар. ҳар бир ҳисобварак номери ва номи ёнига қайси банкда ишлатилиши ҳақида белги қўйилган эди. Янги ҳисобвараклар режаси юқорида эслатиб ўтганимиздек, Марказий банк учун алоҳида, тижорат банклари учун алоҳида ишлаб чиқилди. Бунда ҳар икки банк фаолиятининг хусусиятлари ҳисобга олинди. Масалан, Марказий банк эмиссия маркази бўлиб ҳисоблангани учун кассадаги пуллар банкнота ва тангаларга бўлинган ҳолда кўрсатилади. Тижорат банклари кассаларидаги пулларни бундай бўлиш учун алоҳида ҳисобвараклар очилмайди. Бундан ташқари, Марказий банк барча тижорат банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ташкил этади. Шу сабабли, бундай ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш учун олинадиган банклараро ҳисоб-китоблар бўйича транзит ҳисобвараклар ва тўланадиган банклараро ҳисоб-китоблар бўйича транзит ҳисобвараклар очилган. Бундай ҳисобвараклар тижорат банкларнинг режасида йўқ.

Тижорат банклар халқ хўжалиги тармоқларининг турли мулкчлик шаклларига тегишли хўжаликларга хизмат кўрсатади, шунга асосан тижорат банкларда алоҳида хисобвараклар очилади. Марказий банк эса халқ хўжалиигига эмас, балки ҳукумат ва назорат органларида хизмат кўрсатади. Шундай хусусиятлар ҳар икки банк режаларида ҳисобга олинган.

Режа умуман 6 бўлимдан иборат бўлиб, улардан 5 таси баланс ичидан хисобваракларни ўз ичига олади, охирги олтинчи бўлим эса балансдан ташқари хисобвараклардан иборат. Янги режанинг яна бир характерли хусусиятлари шундан иборатки, бундаги балансдан ташқарида жойлашган ҳисобвараклар ҳам баланс ичидағи хисобвараклар каби икки ёқлама ёзув асосида олиб борилади. Ҳар бир бўлим асосий ва ёрдамчи ҳисобваракларни (субсчет) ўз ичига мужассамланган. Умуман айтганда, банк активлари, пассивлари, капитали, даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобвараклар алоҳида бўлимларга киритилган . Яъни

I бўлим	10000 - Активлар
II бўлим	20000 - Мажбуриятлар
III бўлим	30000 - Капитал
IV бўлим	40000 - Даромадлар
V бўлим	50000 - Харажатлар

VI бўлим 90000 - Кўзда тутилмаган ҳолат бўйича (яъни балансдан ташқари) ҳисобвараклар

Янги ҳисобвараклар режаси бош бухгалтерия китобидаги ҳисобвараклар тизимини акс эттириб, улар молиявий операцияларни гуруҳлаштириш, икки ёқлама ёзувни амалга ошириш, ҳисботларни тузиш ва таҳлил қилиш учун ишлатилади. Барча ҳисобвараклар шундай тартибда ишлаб чиқилганки, бунда

- биринчидан, барча ҳисобваракларнинг асосий ва ёрдамчи китобларда жойлашувини осонлаштириш;
- иккинчидан, ҳисобваракларни гурухлаш ва таснифлаш;
- учинчидан, ҳисоб ишларини компьютерлаштириш;
- тўртинчидан, операциялар бўйича ёзувларни бажаришни тезлаштиришни таъминлаш мумкинлиги ҳисобга олинган.

Режадаги ҳисобвараклар Бош дафтар учун бешта рақамдан иборат қилиб кодлаштирилган. Ҳисоб варакларнинг номерланиш қўйидагича.

C	ММ	SS
---	----	----

C - ҳисобварак категориясини билдиради

- яъни 1 - активлар
 2 - мажбуриятлар
 3 - капитал
 4 - даромадлар
 5 - харажатлар
 6 - кўзда тутилмаган ҳолатлар.

ММ - юкорида санаб ўтилган категориялардан бирига қарашли асосий ҳисобварак 01 - асосий ҳисобвараги нақд пулларни билдиради яъни, банк активларидан бири бўлган нақд пуллар. SS - асосий счетга қарашли бўлган субсчет Масалан 10000 - активларни билдиради

10100 - активга қарашли нақд пулларни билдирувчи асосий счет

10101 - кассадаги нақд пулларни билдирувчи счет

- Демак,
 1 - активлар
 01 - нақд пуллар
 01 - кассадаги нақд пуллар

Барча категорияяга қарашли асосий ва субсчетлар худди шундай тартиб номерланади.

Барча активлар 39 асосий счетга бўлинади, ҳар бир асосий счет ҳам бир неча субсчетдан иборат. Масалан: 10100 - асосий счет "нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари" деб номланади ва қуидаги субсчетларни ўз ичига олади: 10101 - кассадаги нақд пуллар 10105 - чеклар ва бошқа касса ҳужжатлари 10109 - йўлдаги пуллар Худди шундай мисолни «Мажбуриятлар» категорияси бўйича кўриб чиқамиз. Банк пассивлари талаб қилиб олинадиган (муддатсиз) депозитлардан бошланади: яъни, 20200 - талаб қилиб олинадиган депозитлар бунда 2 - мажбуриятлар категориясини, 02 эса шу пассивларга тегишли асосий

хисобварақни билдиради. Ушбу асосий хисобварақ бир қанча ёрдамчи хисобварақларни (субсчетларни) ўз ичига олади:

20202 - хукумат ва маҳаллий ҳокимиятининг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20204 - жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинадиган депозитлар

20206 - хусусий шахсларнинг талаб қилиб олинадиган депозитлар

20208 - хусусий корхоналар ва нодавлат корпорациялари талаб қилиб олинадиган депозитлари

20210 - давлат корхоналарининг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20212 - жамоат ташкилотларининг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20214 - қўшма корхоналарнинг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20216 - нобанк молия институтларининг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20218 - юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларнинг талаб қилиб олинадиган депозитлари

20296 - бошқа талаб қилиб олинадиган депозитлар

Демак, 20200 - талаб қилиб олинадиган бўйича асосий хисобварақ бта ёрдамчи хисобварақни ўз ичига олар экан. Юқорида санаб ўтган депозит хисобварақларининг ҳаммаси корхона ва ташкилотларининг ҳисоб-китоб счетларига тенглаштирилган бўлиб, улар орқали мижозларининг ҳисоб-китоб, касса, ссуда ва бошқа операциялари ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар ўзларининг ортиқча пул маблағларини жамғармали (20400) ёки муддатли (20600) депозитларда сақлашлари мумкин. Бу асосий хисобварақлар ҳам талаб қилиб олинадиган депозитлар ҳисобварақлари каби номерланиб, ўз ичига юқорида кўрсатилгани каби бир қанча қўшимча хисобварақларни олади. ҳисоб вараклар режасининг қолган бўлимлари ҳам худди шундай тартибда номерланади..

Таянч иборалар

- Бухгалтерия ҳисоби
- Баланс
- ҳисобварақ
- ҳисобрақам
- ҳисобрақамлар режаси
- Қолдиқ (салъдо)
- Асосий ҳисобрақам
- Субҳисобрақам
- Актив
- Пассив
- Баланс ичидаги ҳисобрақамлар
- Баланс ташқаридаги ҳисобрақамлар
- Дебет
- Кредит

Такрорлаш учун саволлар

1. Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Банк бухгалтерия ҳисобининг олдига қандай вазифалар қўйилган?
3. Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш қайси меъёрий хужжатларга асосланади?
4. ҳисобварақлар режаси ва унинг тузилишини тушунтириб беринг.
5. Бухгалтерия проводкалари бажаришнинг асоси нималардан иборат?
6. Банк бош бухгалтериянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг.
7. Банк масъул ижрочиларининг ҳуқуқ ва бурчларини санаб беринг.
8. Марказий банк ва тижорат банклари счет режалари фарқлари нималардан иборат.

2-БОБ. БАНКЛАРДА ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ВА БАНК НАЗОРАТИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

1-§. Ҳужжатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турлари

Ҳужжатлаштириш бу - ҳисобга олиниши керак бўлган ҳар бир операция ҳақидаги маълумотни ўз ичига жамлаган ва операциянинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мажмуасидир. Банклар ўзининг фаолияти жараёнида ҳужжатлар билан иш олиб боради. Бухгалтерия ҳисобида ўтказилиши керак бўлган ҳеч бир операция ҳужжатсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Чунки ҳужжатлар мулкнинг талон-тарож қилинмасдан тўлиқ сақланишини таъминлайди. Мисол учун, пул маблағларини банкка топшириш ёки банкдан олиш тўлиқ тўлдирилган ва олдиндан текширилган маҳсус ҳужжатлар асосида амалга оширилиши мумкин, ўтказиб бўлинган операцияларнинг нақадар тўғрилиги ёки қонунийлиги кейинчалик шу ҳужжатлар асосида текширилади. Текшириш натижалари таҳлил қилиниб керакли чора кўрилади. Шунинг учун ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади.

Ҳужжатлардаги операциянинг мазмuni, уни ҳисобга олиш учун керак бўлган барча белгилар ҳужжатларнинг реквизитлари ёки кўрсаткичлари дейилади. «Ҳужжатлар ва корхоналарда бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ҳақида»ги Низомга мувофиқ барча ҳужжатлар учун мажбурий бўлган реквизитлар ўрнатилган. Ҳужжатларнинг асосий реквизитлари қуидагилар:

1. Ҳужжатнинг тўлиқ номи (масалан: тўлов талабномаси, тўлов топшириғи)
2. Ҳужжатни тўлдириш санаи ва унинг номери.
3. Маҳсулот сотувчи ва маҳсулот олувчи корхоналарнинг тўлиқ номи.
4. Шу корхона ва ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб номерлари.
5. Уларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг номи, уларнинг коди.
6. Операциянинг мазмuni.
7. Тўланадиган сумма (рақамлар ва ҳарфлар билан).
8. Раҳбар шахсларнинг имзолари ва корхонанинг мухри.

ҳар бир ҳужжат хатосиз, ёзув машинкаларида бир йўла бир неча нусхада тўлдирилиши ёки компьютерда терилиши керак. Касса операциялари бўйича ишлатиладиган ҳужжатлар бундан мустасно, бундай ҳужжатлар кўлда, ручкалар ёрдамида тўлдирилади.

Банкда ишлатиладиган барча ҳужжатларни биз шартли равища 2 қисмга бўламиз.

1. Корхоналар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар.
2. Банклар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотлар томонидан расмийлаштирилиб, банкларга топширилади. Корхона ва ташкилотлар томонидан тўлдириладиган ҳужжатларга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоб билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар: тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномасининг рўйхати, чеклар рўйхати, касса операциялари бўйича эса пул топшириш ҳақидаги ҳужжат (эълон), пул чеки кабилар киради. ҳар бир ҳужжатларга корхона раҳбари ва бухгалтерининг имзолари кўйилиб, улар мухр билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Бу ҳужжатлар банкларга корхонанинг маълум хизматчиси томонидан маҳсус ажратиб кўйилган қутиларга солиб кўйиш йўли билан, ёки айнан шу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига бериш йўли билан топширилади. Ҳужжатлар масъул ижрочи томонидан шакл ва мазмун жиҳатидан пухта текширилади, шундан сўнг, шу ҳужжатлар асосида маълум бир операция ўтказилади.

Корхоналар томонидан топширилган ҳужжатлар билан иш кўриш билан бир қаторда банкларнинг ўзида ҳам маълум бир ҳужжатлар расмийлаштирилади. Масалан банклар ўртасидаги ўзаро алоқаларда ишлатиладиган авизо, банк операциялари бўйича ишлатиладиган мемореал ва бошқа ордерлар, кирим ва чиқим журналлари, балансдан ташқари (ҳисобларидан ордерлар банк ходимлари бўйича) кирим - чиқим ордерлари банк

томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларга киради. Лекин ҳозирги кунда, 2 поғонали банк тизими фаолият кўрсатаётган бир пайтда, "авизо" деб номланувчи ҳужжат асосан Марказий банк муассасалари ўртасида банклари оборотлар бўйича операциялар ўтказилганда расмийлаштирилади. Тижорат банклари эса мижозларнинг ҳужжатлари асосида электрон тўлов ҳужжатлари расмийлаштириб ҳисоб-китоб марказига ўтказадилар.

Ҳужжатлар содир этиладиган операцияларнинг ҳажмига кўра оддий ва йиғма бўлиши мумкин. Оддий ҳужжатларда факат битта хўжалик операцияси акс этади, йиғма ҳужжатларда эса бир неча операциялар жамланган бўлади. Оддий ҳужжатларга тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, кирим ордери ва пул чекини мисол қилиш мумкин. Йиғма ҳужжатларга эса йиғма тўлов топшириқномаси, тўлов талабномасининг рўйхати, чеклар рўйхати, касса кирим журнали, кассанинг чиқим журналини киритиш мумкин.

Бундан ташқари бажариладиган операцияларнинг мазмунига кўра банк операциялари бўйича барча ҳужжатларни З гурухга бўлиш мумкин:

1. Нақд пулсиз ҳисоб - китобларда ишлатиладиган ҳужжатлар;
2. Нақд пул билан боғлиқ бўлган касса ҳужжатлари;
3. Балансдан ташқаридаги ҳисобвараклар бўйича ҳужжатлар.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз пул маблағларини бирор банкда очган ҳисобваракда сақлайди ва унинг барча нақд пулли ҳамда нақд пулсиз операциялари (пул тўлаш ва пул келиб тушиши бўйича) мана шу ҳисобвараклар орқали ўтказади. Пул ўтказиш мижознинг топшириғи ёки мол жўнатувчи корхонанинг тўлов талабномаси орқали банк ходимлари томонидан бажарилади. Бу ҳолда нақд пул ишлатилмайди. Операциялар ҳисобвараклардан ёзувлар бажариш орқали ўтказилади. Шунинг учун бундай операцияларда ишлатиладиган ҳужжатларни нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ишлатиладиган ҳужжатлар гурухига киритамиз.

Банк орқали ўтадиган операцияларининг бир қисми нақд пул иштирокида амалга оширилади. Бу - банкнинг кирим касса операциялари ва чиқим касса операцияларидир. Банк мижозлари томонидан, яъни нақд пул билан муомала қилувчи савдо, майший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, маданий тадбирлар ўтказиш билан шуғулланувчи (кино театр, концерт заллари, музей) муассаса ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини топшириши билан боғлиқ операциялар кирим касса операциялари ҳисобланади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи хизматчиларга иш хақи, нафака, мукофот, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пул оладилар. Бу операциялар чиқим касса операциялари бўлиб ҳисобланади. Ушбу операцияларда ишлатиладиган ҳужжатларни нақд пул билан боғлиқ касса ҳужжатлари гурухига киритамиз.

Банкда баланс ичидаги ҳисобвараклар билан бир қаторда балансдан ташқари ҳисобвараклар ҳам юритилади. Бундай ҳисобваракларда асосан қимматбаҳо ҳужжатлар ҳамда баъзи бир банк операциялари бўйича ҳужжатлар ҳисобга олинади. Масалан, тўланадиган аккредитивлар, тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари, ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар, баланс ташқаридаги ҳисобвараклар бўйича юритиладиган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бу ҳисобвараклардаги қолдик банк балансига таъсир этмайди. Шунинг учун бундай ҳужжатлар балансдан ташқари ҳисобвараклар бўйича ҳужжатларга киритилади. Бу гурухларнинг ҳар бирига корхона ва ташкилотлар томонидан тўлдирилган ҳужжатлар ҳамда банк томонидан тўлдирилган ҳужжатлар киради. Бу ҳужжатларнинг ҳар бири ҳақида бундан кейинги мавзуларда тўхталиб ўтамиз.

2-§. Банк муассасаларида иш қуни ва хужжатлар айланишининг ташкил қилиниши

хужжатлар расмийлаштирилган вақтдан бошлаб, улар бўйича операциялар бажарилгунга қадар бўлган вақт ичидағи тартибли ҳаракатига банк операциялари бўйича хужжатлар айланиши дейилади.

хужжатлар айланиши операцияларининг қонунийлиги, хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини ҳамда уларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш билан боғлик бўлган ишларни ўз ичига олади. Хужжатлар айланиши банк операцияларининг ўз вақтида тўғри ва қонуний тарзда амалга оширилишида катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳар бир банкда хужжатларнинг айланиши ва мижозларга хизмат кўрсатиш вақти графикларда акс эттирилади.

Банкнинг ҳар бир иш кунининг 3,5-4 соати бевосита мижозларга хизмат кўрсатишга ажратилади. Лекин мижозлар учун рақобат шароитида кўплаб мижозларни ўзига жалб қилиш мақсадида банк иш куни бир неча соатга узайтирилиши мумкин. Куннинг қолган қисмида эса аввалги кун ҳисоб материаллари текширилади, шу куннинг операцияларига якун ясалади ва эртанги кун операцияларига тайёргарлик қўрилади (шу кун келиб тушган хужжатлар шу куннинг ўзида, кечки пайт келиб тушган хужжатлари эса эртаси кун ўтказилади, чунки хужжатлар кечки почта орқали келиши мумкин). Хужжатлар айланиши акс этган графикларда банк операцияларини бажарувчи банк ходимларининг бир-бирига хужжатларни узатиш, банклараро оборотлар группаси, кассага ёки ҳисоблаш марказларига (компьютер бўлимига) узатиш вақтлари белгиланади.

ҳар бир банк муассасаларида хужжатларнинг ўз вақтида бир маромда тушиши, уларнинг олдида катта навбатлар ҳосил қилишнинг олдини олиш мақсадида банкнинг масъул ижрочилари учун мижозларга хизмат кўрсатиш графиги тузилади. Графикда кунда банк билан мулоқотда бўладиган, ҳар бир масъул ижрочига бириктирилган корхона ва ташкилотлар номи ва уларга хизмат кўрсатиш вақти улар билан келишган ҳолда белгиланади.

Умуман, бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши керакки, бунда келаётган ҳисоб-китоб ва пул хужжатлари ўз вақтида ижро этилиши ҳамда улар ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, кундалик баланс тузилиши керак.

Банкларда иш куни ва хужжатлар айланишини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан асосий талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, улар "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича" 61 - сонли йўриқномада ўз ифодасини топган. Йўриқномада кўрсатилган талабномалар қўйи дагил ардир:

- Операция куни давомида, яъни иш кунининг биринчи ярмида банкка келиб тушган барча ҳисоб-китоб, пул хужжатлари шу куннинг ўзида қабул қилиниши, расмийлаштирилиши ва бухгалтерия ҳисоби варақларида қайд этилиши керак. Операция куни тугагандан кейин банкка келиб тушган барча хужжатлар, қоида тариқасида келаси иш кунида мижозларнинг ҳисобварақларига киритилади.
- Шахсий компьютерлар ёрдамида файлларга ишлов бериш тартиби ва уларни Ҳисоб марказига жўнатиш вақти 1998 йил 25 апрелдаги 6 - баённома билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида"ги Низом ҳамда унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар асосида амалга оширилиши лозим.
- Операцияларни сифатли ўтказилишини тартибга солиб туриш учун ҳар бир банк бўлимида доимий равища банкка катта миқдорда ҳисоб-китоб ва пул хужжатларини тақдим этувчи асосий мижозлардан хужжатлар қабул қилиш қатъий графикларини тузиш лозим.

- Операция куни давомида мижозлардан барча хужжатларни бевосита бухгалтерия ходимларининг ўзлари қабул қилиб оладилар. Операция куни тугагандан сўнг, яъни куннинг иккинчи ярмида хужжатлар банкка маҳсус қутилар орқали топширилади. Улардаги хужжатлар ҳар соатда олиб турилиши керак.
- Барча ҳисоб-китоб ва пул ҳужжатларидан ўтказилиши лозим бўлган суммалар, жумладан, бюджетга ажратмалар, иш хақи ва шунга тенглаштирилган нақд пул тўловлари мижознинг "Талаб қилиб олинадиган" депозит бўйича ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлган тақдирда, яъни шу ҳисобварақдаги маблағлар чегарасида тўланади.

Юқорида санаб ўтилган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир банкда мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда хужжатлар айланиш графиги белгилаб қўйилади. Унда хўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатишнинг аниқ вақти ҳамда уларга ишлов берувчи участкалардан ўтадиган вақти кўрсатилади. Мижозларга хизмат кўрсатиш ва хужжатлар айланиши графикини банк раҳбари тасдиклайди.

Кўйида банкларда бухгалтерия ходимларининг иш куни режими тўғрисидаги намунавий кўрсатмаларни келтирамиз:

Масъул ижрочиларнинг иш куни эрталаб 8.00 дан 17.00 гача давом этади.

- Соат 8.00 дан 9.00 гача мижозларнинг шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни текшириш, аналитик ва синтетик ҳисоб материалларини бир-бири билан солишириш, керакли хужжатлар билан шахсий ҳисобварақларни мижозлар бўйича ҳисобварақлар картотекасига жойлаштириш билан шуғуланади.
- Пул санаш кассасидан тушумни йиғишига доир хужжатлар операцион бўлим - бухгалтерия ходими қўлига иш куни бошланиш вақтида келиб тушиши лозим. Операция куни давомида инкассация қилинган тушум хужжатлари ту шум санаб бўлингандан кейин, лекин 13.00 дан кечикмай кассадан олинади. Касса дафтарларини касса маълумотлари билан солишириш 15.00 гача тугалланиши лозим.
- Иш кунининг иккинчи ярмида мижозлардан қабул қилинган ҳисоб-китоб, пул хужжатлари тўлов муддатлари арафасида қайдлов учун расмийлаштирилади.
- Мижозлардан хужжатлар бутун иш куни давомида қабул қилинади.
- Операцион кун охиригача банкка келиб тушган хужжатлар жорий кун баланси бўйича ўтказилади.
- Операцион кун тугагандан сўнг ёки кун охирида топширилган хужжатлар банкнинг кейинги иш куни баланси бўйича ўтказилади.
- Иш куни якунланишига камида икки соат қолганда инкассага қабул қилинган бошқа шаҳарлар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўлов талабномалари тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларга ўша куннинг ўзидаёқ жўнатилади.
- Мазкур банк мижозларининг ҳисобварақлари бўйича суммаларини киритиш ва олиши учун хужжатлар бир операция ходимларидан бошқаларга берилиши кечикирилмаслиги, улар келиб тушгани ва хужжатларга ишлов берилгани сайн топшириб турилиши лозим.
- Жорий кун операциялари бўйича хужжатлар ҳисоб-китоб марказига улар билан келишилган маҳсус график бўйича берилиши керак.
- Экспедиция бўлимига хужжатлар қабул қилиш иш куни охирига камида 1 - 1 , 5 соат қолганда тўхтатилади.


ҳозирги кунда республикадаги барча тижорат банклари янги компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси билан таъминланган бўлиб, ўз ички ҳисоблаш марказига эга. Шу сабабли корхона ва ташкилотларнинг шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларини текшириш ҳамда ҳисобварақлар бўйича якунларини баланс ҳисобварақлари ва кутилмаган вазиятлар ҳисобварақлари билан солишириш шу кун охирида амалга ошириш тавсия этилади. Бу эса янги эртанги кун операцияларини ўз вақтида бошлашга имкон беради.

ҳар бир банк юқорида намунавий кўрсатмаларга асосан ўз фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ходимларининг иш куни тартибини ишлаб чиқади. Ушбу режим банк раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг, ҳар бир бухгалтерия ходими унга амал қилиши мажбурий ҳисобланади.

Энди банк операциялари бўйича ҳужжатлар айланишига тўхталиб ўтамиз. Банкнинг ҳар бир операцияси бўйича ҳужжатлар айланишининг ўз хусусиятлари бор. (нақд пулсиз, касса, кредитлаш...). Касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланишига, айниқса катта аҳамият берилади. Шунинг учун касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланишини кўриб чиқамиз.

1-схема

Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши.



1. Мижоз назоратчига пул топширганлик ҳақидаги эълонни топширади.
 2. Назоратчи ҳужжатни текширувдан ўтказиб, касса кирим журналида ундаги ёзувларини акс эттиргандан сўнг эълонни кирим журнали билан бирга кассага узатади.
 3. Мижоз кассага нақд пул топширади.
 4. Кассир пулни санаб, эълон ва кирим журналидаги сумма билан солиширади, ҳужжатларни расмийлаштириб квитанцияни мижозга қайтаради.
 5. Ордер ва кирим журнали назоратчига қайтарилади.
 6. Назоратчи кун охирида касса кирим журнали маълумотларини касса китоблари билан солиширади.
 7. Солиширишдан сўнг бу маълумотлар банк ҳисоб марказига (компьютер бўлимига) юборилади.
 8. Ордердаги маълумот шахсий ҳисобваракларда акс эттирилади ва масъул ижрочига берилади.
 9. Масъул ижрочи шахсий ҳисобваракдан кўчирма билан ордерни биргаликда мижозга беради.
- қолган операциялар бўйича ҳужжатлар айланиши ҳам алоҳида хусусиятларга эга.

3-§. Ички банк назорати ва унинг турлари

Банкда ўтказиладиган ҳар бир операция текширилиб, уларнинг қонуний расмийлаштирилиши ҳамда маблағлар ва бойликлар бут сақланиши тегишлича назорат қилиниши таъминланмоғи лозим. Бу ички банк назоратидир. Ички банк назорати 3 хил йўл билан амалга оширилади:

1. Дастребки назорат.
2. Жорий назорат.
3. Сўнги назорат.

Операция бажарилишидан аввал ўтказиладиган назорат - дастребки назорат дейилади. Талон-тарожга йўл қўйилиши мумкин бўлган баъзи операциялар ёки раҳбар ходимларининг рухсати билан бажарилиши керак бўлган операциялар ўтказишдан олдин дастребки назорат олиб борилади. Дастребки назорат банк бошқарувчиси, бош бухгалтери, кредит бўлими ходими томонидан амалга оширилади. Масалан, ҳисобварақ очиш учун банк бошқарувчиси ва бош бухгалтерининг рухсати керак, касса операциялари бўйича албатта ҳужжатлар назоратчи текширувидан ўтказилиши лозим, ссуда операциялари эса кредит ходими назоратидан сўнг амалга оширилади.

Қўшимча назорат қилиниши керак бўлган ҳужжатлар назоратчига ёки бош бухгалтерга топширилади, бундай ҳужжатлар назорат устхати олингандан сўнг ижрога қабул қилинади.

Кўйида кўрсатилган ҳисобварақлар ва операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоб, пул ҳужжатлари назоратчи ходим томонидан текширилиши ва имзоланиши лозим:

а) ҳисоб-китоб, пул ҳужжатлари:

- мижозларнинг топшириқларисиз бажариладиган операцияларга доир ҳужжатлар, хусусан асосий тўлов билан ундириладиган пеня суммасини олишга доир ордерлар;
- талаб қилиб олингунча сақланадиган иккиласи ҳисобварақларидағи қолдикларни ўтказиш бўйича ордерлар;
- суммалар юбориладиган манзилни ўзгартириш ва қайтариб юбориш, банк вакиллик ҳисобварағи билан боғлиқ ордерлар;

б) тавсилий ҳисоб ёзувлари бўйича:

- фуқаролар ва харбий ҳизматчиларнинг жамғарма депозит ҳисобварақлари;
- ҳисоб-китоб операциялари бажариш қоидаларини бузганлик учун мижозлардан жарима ундириш бўйича ҳисобварақлар;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижросига доир йўриқномада қў³д^a тутилган ҳолларда давлат бюджети ҳисобварақлари;
- ваколатли шахсларнинг депозит ҳисобварақлари;
- хусусий қарз олувчиларнинг ссуда ҳисобварақлари;
- қимматбаҳо металлар, банкнинг асосий воситалари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобга олиб бориш ҳисобварақлари;
- дебитор ва кредиторлар, аниқлик киритгунга қадар сақланадиган суммалар бўйича ҳисобварақлар;
- банк бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари, келгуси давр харажатлари, операцияларга оид ҳамда бошқа даромад ва харажатлари бўйича ҳисобварақлари ва бошқалар;

Банк сармоялари, хорижий операциялар, қимматбаҳо металлар, кассаларга юборилган қўшимча пуллар, оборот кассаси лимитидан ортиқча олингандаги йўлдаги пуллар, фойда ва зарарлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақлар бўйича ордерлар, депозит ва ссуда ҳисобварақларини ёпиш учун тузилган ордерлар, йўл қўйилган хатоларни тузатиш ордерларига банк бош бухгалтери ёки унинг муовини назорат имзосини қўяд^b.

Пул ва пул омборларида сақланаётган бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда жўнатиш ордерлари, резерв фонdlари билан бажариладиган операциялар бўйича ордерларга бош бухгалтердан ташқари банк бошқарувчиси ва касса мудири томонидан имзо

Бирор бир операция ўтказиш жараёнида олиб бориладиган назорат асосан банк масъул ижрочиларни томонидан амалга оширилади. Мижозлардан келиб тушган ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ҳужжатларнинг ҳар бири масъул ижрочи томонидан шакл ва мазмун жиҳатидан текширилади. ҳисобварақни юритувчи масъул ижрочи ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини, шу жумладан, ҳужжатни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келишини ҳамда ҳисобварақдан пул тўланиши учун маблағларининг етарлилигини текширгандан сўнг қабул қиласи, шундай текширув бўлганини тасдиқлаш учун ҳужжатнинг барча нусхаларини имзолайди. Лекин имзолашдан аввал ҳужжат нусхаларини солишириб, уларнинг бир хиллигига ишонч ҳосил қилиш керак. Шундан сўнг, ҳужжатнинг охирги нусхаси мижозга қайтарилади. Шу нусхага босилган масъул ижрочининг шахсий штампи ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилҳат вазифасини бажаради. Масалан: нақд пулсиз ҳисоб-китобларда ишлатиладиган тўлов топшириғини олсак. Масъул ижрочи тўлов топшириғини мижоздан қабул қилиб олар экан, унинг нусхалар сони етарлилиги, тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлиги, шу корхона ҳўжалик фаолиятига мос келиши, мижоз ҳисобварағида маблағларнинг етарли эканлиги, корхона муҳри ҳамда раҳбари ва бош бухгалтерининг ўзида сақланаётган карточкадаги ваколатли шахслар имзолари ва корхона муҳри билан тўғри келишини текшириши лозим. Шундан сўнг пул ўтказиш бўйича операциялар бажарилиши мумкин.

Операциялар бажарилгандан сўнг, ўтказиладиган назорат сўнги назорат дейилади. Сўнги назорат банк бош бухгалтери, унинг муовини, тафтиш - назорат ходимлари, банк раҳбари томонидан ўтказилиши мумкин. Бу назорат ҳужжатлар айланиши, операциялар ҳисоби тўғри йўлга қўйилганлигини, банк хизматчилари томонидан уларга белгилаб берилган мажбуриятларнинг бажарилиши, улар томонидан расмийлаштирилган операцияларининг тўғрилигини текширишдан иборат.

Банк раҳбари бухгалтерия иши холатини умуман кузатиб туриш билан бир қаторда баланс ва ҳисоботларнинг ўз вақтида тузилишини текшириб бориши, маблағлар мижозларнинг ҳисобварақларига ўз вақтида ва тўлиқ киритилиши ҳамда чиқарилишини мунтазам равишда назорат қилиб туриши шарт.

Банк бош бухгалтери банк раҳбари тасдиқлаган режага мувофиқ, бухгалтерия ишининг алоҳида участкаларини мунтазам равишда кейинги назоратдан ўтказиб туриши зарур. Банк раҳбари ва бош бухгалтерининг хоҳишига кўра бошқа мутахассислар ҳам текширувларга жалб этилиши мумкин. Текширувлар режаларга мувофиқ ўтказилади. Бу режаларда навбатдаги текширувдан ўказиладиган участкалар ҳамда уларни ўтказиш ҳажми ва вақти кўзда тутилади. Режалар тузилаётганда кейинги вақтларда қайси участкалар тафтиш килингани ёки ўрганилгани, шунингдек, қайси участкаларда тафтиш ва текширувлар ўтказилганда жiddий камчиликлар топилгани ҳамда тақорорий текширув зарурлиги ҳисобга олинади.

Шу билан бир қаторда, банк бухгалтерия ходимлари ўзларининг бир турдаги муайян вазифаларини қандай бажараётганликлари тематик текширувдан ўтказиб турилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олинган, айниқса, янги келган алоҳида кўрсатмалар бўйича текширув тавсия қилинади.

Кейинги текширувлар натижалари қисқа маълумотномалар билан расмийлаштирилиши керак. Банк раҳбари кейинги текширув вақтида аниқланган камчиликлар тўғрисида маълумотномалар олингандан кейин 3 кун муҳлат ичидаги бу маълумотномани бухгалтерия аппарати ходимлари иштирокида шахсан кўриб чиқишлиари ҳамда бу камчиликлар сабабларини бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар қабул қилиши зарур. Камомадлар, талон-тарож қилиш, шунингдек, мансаб мавқенини субистемол қилиш билан боғлиқ ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар аниқланганда банк раҳбари икки кун ичидаги назорат якунлари бўйича материалларни тергов органларига топширишлари талаб қилинади.

Бош бухгалтер ва сўнги назорат ходими кейинги мунтазам текширувлар чоғида аниқланган камчиликлар бартараф этилишини кузатиб боришлари ва зарур ҳолларда тақорорий текширувлар ташкил этишлари лозим.

Банк бошқарувчиси банкдаги ҳисоб ишларининг олиб борилиши, хужжатлар айланиши ва банк ички назоратининг олиб борилиши бўйича асосий жавобгар шахсdir.

4-§. Банкларда бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш тартиби

Банклар орқали ўтказиладиган ҳар бир операция маълум бир ҳужжатлар орқали расмийлаштирилар экан, ушбу бухгалтерия ҳужжатлари банкларда йўқотилмай сақланиши таъминланиши керак. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши ҳамда бу ишлар тўғри ташкил этилиши учун жавобгарлик банк раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Улар ўз ходимларига ҳужжатларни сақлаш бўйича йўл-йўриқ берадилар, зарур бўлган ҳолларда уларни бехатар жойларга олиб чиқиш тартиби ва навбатини белгилайдилар.

Банкларда операция тугагандан сўнг барча ҳужжатлар «Тижорат банки бўлимларида, худудий бошқармалар ва бош тижорат банкларида ахборотни химоялаш ва мансабдор шахсларнинг ахборот бут сақланиши учун жавобгарлиги тўғрисида»ги қоидаларга асосан архивланади. ҳужжатларни сақлашга тайёрлаш билан уларни папкаларга тикишни бажарувчи ходим шуғулланади. Бухгалтерияда ўтказилган кирим ва чиқим ҳужжатлар, ҳар бир иш куни учун, дебетланган баланс ҳисобваракларининг номерлари ортиб бориши тартибida папкаларга тикилади. Бош бухгалтернинг хоҳишига кўра кирим-чиқим ҳужжатлари кредитланган ҳисобвараклар номерлари ортиб бориши тартибida, шунингдек, ахборотни шахсий компьютерга киритиш учун тайёрланган дасталар бўйича шакллантирилиши мумкин. Барча ҳужжатлар папкаларга (ийғмажиллар) уларнинг ҳисоблаш тасмалари (ҳисоблаш машинада суммалари ёзилган лента) билан биргаликда жойланади. Дебет ёки кредит бўйича биттадан ортиқ ҳисобваракقا тааллуқли ҳужжатлар папканинг охирида, кутилмаган вазиятлар ҳисобвараклари бўйича ҳужжатлардан олдин тикилади. Баъзи операциялар бўйича ҳужжатлар, жумладан, якка тартибда ссуда олувчилар бўйича юритиладиган ҳужжатлар, касса ҳужжатлари, аҳолининг омонатлари бўйича ҳужжатлар, қимматбаҳо металлар, чет эл валютаси билан операциялар ва банкнинг хўжалик операцияларга доир ҳужжатлари алоҳида папкаларга жойланади, чунки бу ҳужжатларни сақлаш муддатлари турлича белгиланган. Жузланган ҳужжатлар клавишили ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг суммаси жамлама маълумотларидағи оборотларнинг якуний суммалари билан таққосланади.

Омбор дафтарларида ҳисобга олинмайдиган кутилмаган вазиятлар ҳисобвараклари бўйича ордерлар саралаб олиниб, кирим-чиқим ҳужжатлари билан бирга жузланади ва дастлаб ҳар бир ҳисобваракнинг кирими, сўнгра чиқими бўйича қутилмаган вазиятлар бўйича ҳисобваракларнинг ортиб бориши тартибida кирим-чиқим ҳужжатларидан кейин тикилади. Биттадан ортиқ ҳисобваракда дахлдор бўлган кутилмаган вазиятлар ҳисобвараклари бўйича кирим-чиқим ордерлари барча ордерлардан кейин тикилади.

Кутилмаган вазиятлар ҳисобваракларига тегишли ҳужжатлар ҳам ҳисоблаб чиқилиб, уларни бухгалтерия журналларидағи маълумотлар билан ёки оборотлар жамлама маълумотлари билан таққосланади.

Брошюра ҳолига келтирилган ҳужжатлар тикилган папка муқовасининг устига (олд томонига) ҳужжатлар, бухгалтерия ёзувларидан ўтказилган сана, сақлаш муддати, банк бўлимининг номи, кирим-чиқим ҳужжатларининг умумий суммаси кўрсатилади.

ҳужжатларни тайёрлаш топширилган ходим иловаси бор кирим-чиқим ордерларида бу иловалар қанча деб ёзилгани ва уларнинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини синчиклаб текшириб чиқиши зарур. Операциялар тугаган кун ҳужжатлари эртанги кундан кечиктирмай брошюра ҳолига келтирилиши лозим. Бирор сабаб билан тикилмаган ҳужжатлар, албатта, сейфларда сақланиши шарт.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, баъзи узоқ вақт сақланадиган ҳужжатлар, шунингдек, банк ичидаги операцияларга тааллуқли ҳужжатлар алоҳида брошюранади. Бундай ҳужжатларга қўйидаги операциялар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар киради:

- аҳоли ва ҳарбий хизматчилар омонатлари бўйича;
- қимматбаҳо металлар ва хорижий валюта билан бажариладиган ҳамда хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар юзасидан операциялар бўйича;
- якка тартибда уй-жой курилиш учун ссуда ва жисмоний шахсларга бошқа мақсадлар учун бериладиган ссудалар бўйича;
- банк асосий воситалари, кам баҳоли тез эскирувчи буюмлар, даромадлари ва харажатларига оид ва банкнинг бошқа ички хўжалик операциялари бўйича;

Касса ҳужжатларига дастлабки икки гуруҳ ҳужжатлари сақланадиган папкаларга кирим-чиқим ҳужжатлари билан бирга кирим ва чиқим ордерлари ҳамда уларнинг барча иловалари, шунингдек, бошқа банклардан келган авизоларнинг асл нусхалари жойланади. Биринчи ва тўртинчи гуруҳ ҳужжатлар папкасига эса касса ҳужжатларининг асл нусхалари тикилади.

Бу ҳужжатлар қоида тариқасида ҳар кунлиги ҳар куни алоҳида тайёрланиб борилади. ҳужжатларнинг сони ва умумий суммаси муқовада уларни тайёрлаган ходим, бош бухгалтер ёки унинг муовини имзолари билан, касса ҳужжатлари бўйича папкалар эса юқоридаги шахслар билан бирга кассирларнинг имзоси билан тасдиқланади.

Операциялари кам бўлган банкларда тугаган йилга тегишли узоқ муддат сақланадиган ҳужжатлар раҳбар ҳоҳишига қўра, йил тугаганидан кейин брошюралашига руҳсат этилади. Бундай ҳолларда йил тугагунича бу ҳужжатлар папкаларда тўплаб борилиши ва омборда ёки темир шкафларда бош бухгалтер жавобгарлигига сақланиши лозим.

ҳужжатларни сақлаш вазифаси топширилган ходимлар улар тўла ва бут сақланишини таъминлашлари шарт. Бош бухгалтер, унинг муовини ёки бўлим бошлиғи руҳсатисиз бошқа ходимларнинг ҳужжатларининг қўриб чиқишиларига йўл қўйилмайди.

ҳужжатлар омборларда, темир жавон (сейф)ларда, қўриқланадиган хонадаги темир жавонларда сандиқ ёки қутиларда сақланади. Омбор ёки темир жавонларда қўйидаги ҳужжатлар сақланади;

- тугаган йил учун йиллик ҳисботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда сўнги тугаган ой учун ойлик баланс ва унинг барча иловалари;
- жорий ойнинг биринчи куни учун текширув қайдномалари;
- охиригина 1 йил (12 ой) учун касса ҳужжатлари;
- аҳоли омонатлари бўйича амалдаги шахсий ҳисобвараклар;
- жорий ой учун кирим-чиқим ҳужжатлари, бино-иншоотлари, хўжалик инвентарлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар бўйича дафтарлар.

қўриқланадиган хонадаги темир жавон ва қутиларда омонатлар бўйича шахсий ҳисобвараклардан ташқари амалдаги шахсий ҳисобвараклар картотекалари, операциялар дафтарлари, имзолар намуналари қўйилган карточкалар, иш ҳақи тўлаш учун берилган маблағлар ҳисоби юритиладиган карточкалар, фоизларни қўйиш қайдномалари, амал қилиб турган ҳамда архивдаги пенсия ва рақларининг ҳамда бир мартали пенсия ёки бошқа нафақа тўлаш тўғрисидаги топшириқномаларнинг картотекалари сақланади.

Бухгалтерия ҳисобига тегишли барча материаллар банкнинг архивига топширилгунга қадар операцион бўлимнинг токчалар ва темир жавонлар билан жихозланган жорий архивида сақланиши шарт. Мазкур жорий архив ҳужжатларнинг бут сақланиши учун жавоб берадиган шахс қўл остида бўлади. Омбордан бухгалтерия ва жорий архивда сақланаётган ҳужжатларга доир маълумотлар касса ҳужжатлари бўйича жавобгар ходим ёки жорий архивни бошқарувчи ходим ҳузурида, бош бухгалтер ёки унинг муовини имзоланган талабномалар асосида олинади. Маълумот олиш учун руҳсат этилган банк ходими кассир ёки жорий архивни бошқарувчи ходим қузатувида ишлаши лозим.

ҳужжатлар учун жавобгар шахслар маълумот олишга руҳсат берилган ходимлар ҳужжатларга бирон - бир ўзгартириш ва тузатишлар киритилмаслигини қузатиб туришлари шарт. Омбор ва жорий архивдан кирим-чиқим ҳужжатлари бош бухгалтернинг ёзма руҳсати бўйича берилади. Кун охирида ҳужжатлар қайтарилиши лозим.

хужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб, унга банк раҳбари, унинг муовини, бош бухгалтер ва хужжатларни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатномада қандай хужжат олинганилиги, унинг кимнинг талаби ва кимнинг рухсати билан олинаётгани аниқ кўрсатилади. Далолатноманинг иккинчи нусхаси хужжатни сўраган ташкилот вакилига топширилади.

хужжатнинг олинганинг асл нусхаси ўрнига банк бош бухгалтери тасдиқлаган нусха, далолатноманинг биринчи нусхаси ва хужжатни олиш ҳақидаги талабнома қўйилади. Бу талабномада асл хужжатни олган шахс имзоси хам бўлиши лозим. Шу билан бирга хужжат олингани тўғрисида бош бухгалтер шу хужжат брошюранган мукова устига ёзиб қўйиб, ўз имзосини қўяди. Шундай қилиб, ушбу параграфда хужжатлар ва уларнинг турлари, хужжатларнинг айланиши, мижозларга хизмат кўрсатиш графиклари, хужжатларни сақлашга тайёрлаш, уларни сақлаш, банк томонидан бажариладиган операциялар бўйича банк ички назорати хамда турлари ҳақида фикр юритдик.

Таянч иборалар

- хужжатлар айланиши
- хужжат реквизити
- ҳисобварақ номери
- Тўлов талабномаси
- Тўлов топшириқномаси
- Аккредитив очиш учун ариза
- Касса хужжатлари
- Пул чеки
- Масъул ижрочи
- Балансдан ташқари ҳисобварақлар
- Банкнинг операцион иш куни
- Шахсий компьютер
- ҳисоб-китоб маркази
- хужжатнинг қонунийлиги
- Банк операциялари
- Банк назорати
- хужжатлар йиғмажилди
- Асл нусха
- Далолатнома
- Мижозларга хизмат кўрсатиш графиги

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун барча операциялар хужжатлар асосида амалга оширилади?
2. Банкнинг операцион иш куни қандай ташкил этилади?
3. Банкда ишлатиладиган хужжатлар қандай гурухлаштирилади?
4. Масъул ижрочи хужжатларни қабул қилишда нималарга эътибор бериши лозим?
5. Алоҳида операциялар бўйича хужжатлар айланиш схемаларини кўрсатинг?
6. Жорий назорат қандай олиб борилади?
7. Сўнгги банк назорати қандай ташкил этилади?
8. Текшириш натижалари қандай расмийлаштирилади?
9. Операцион кун тугагандан сўнг хужжатларни сақлашга тайёргарлик қандай амалга оширилади?
10. Бухгалтерия хужжатларини сақлаш тартибини тушунтириб беринг?

З-БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР, УЛАРНИНГ ҲИСОБИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

1-§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг ташкил қилиниши

Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири - пул айланишини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан чамбарчас боғлиқdir. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаoliятлари жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлиш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлишнинг ўзи эса пул айланишининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади, унинг асосида бошқа пулли муносабатлар вужудга келади. (солик органлари, пенсия фонди, банк муассасалари ва бошқалар). Пулли муносабатларда пул шаклларидан фойдаланиш хусусиятлари ва тўлов усусларига кўра пул айланиши нақд пулсиз пул айланишига бўлинади.

Чакана савдо ва аҳолига пуллик ҳизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пулли айланишга коммунал ҳизматлар учун тўловлар, майший ҳизматлар учун тўловлар, ишчи ва ҳизматчиларга иш хақи ва ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларига бадаллар тўлаш, уй-жой курилиши ва бошқа мақсадлар учун олинган кредитларни қайтариш ва бошқа тўловлар киради. Нақд пул айланиши умумий пул оборотининг тахминан 10 фоизини ташкил этади.

Халқ хўжалигида бўладиган пул айланишининг 80-90 фоизини нақд пул ишлатмасдан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлиш, ҳизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобваракдан иккинчи ҳисобваракقا ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Нақд пулсиз пул айланиши ялпи ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган муносабатларини ўзида акс эттиришига кўра икки кисмга бўлинади:

1. Товар операциялари бўйича пул айланиши.
2. Молиявий мажбуриятлар бўйича пул айланиши.

Биринчи гурухга товарларни сотиш, ҳизматлар кўрсатиш ва капитал қурилиш жараёнидаги ҳисоб-китобларни акс эттирувчи пул айланиши киради. Иккинчи, молиявий мажбуриятлар, гурухига эса бюджетга тўловлар, яъни фойдадан тўланадиган солик, қўшилган қиймат солиги ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда бюджетдан ташқари фонdlар, банк ссудаларини қайtарилиши, кредит учун фоизларнинг тўланиши, суғурта компаниялари билан ҳисоб-китоблар киради.

Нақд пулсиз айланиш пулли муносабатлар иштирокчиларининг жойлашувига қараб бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги пул айланиши бир ҳисоб марказига қарашли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар мажмууни билдиради. Шаҳарлараро пул айланиши эса турли ҳисоб марказларига қарашли банклар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар йиғиндисидир. Лекин республикамизда банк тизимининг ривожланиши, «электрон тўловлар» тизимиға ўтиш асосида ҳисоб-китобларнинг тезлиги ва сифатининг ошиши натижасида ҳисоб-китобларда иштироқ этувчи субъектларнинг жойлашувига караб иккига бўлиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолди. Чунки ҳисоб-китобларда катнашувчи субъектлар қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, тўловлар бир неча соатда, хаттоқи бир неча дақиқада ўтказилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишда бир қатор тамойилларга асосланилади.

Бу тамойиллар куйидагилардир:

1. ҳар бир хўжалик субъекти ўз пул маблағларини банкларда очилган депозит ҳисобварагларда сақлашлари лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзаро ҳисоб-китобларини бевосита банкдаги ҳисобвараглар орқали амалга оширишлари шарт. Қайси банкда ҳисобвараг очишни мижозларнинг ўзлари танлайдилар.
2. ҳисоб-китоблар тўловчининг розилиги билан ёки унинг топшириғига асосан депозит ҳисобварагдаги маблағи эвазига амалга оширилади. Корхона банк кредитидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлса, тўловлар банк кредити ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.
3. Тўловлар белгиланган тўловлар кетма-кетлиги асосида бажарилади.
4. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоб шаклларини мустақил танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин.
5. Товар етказиб берувчи корхона ҳисобварагига пул маблағлари мазкур маблағларининг мол сотиб олувчи корхона ҳисобварагидан ўчирилгандан сўнг ўтказиб берилади.
6. Тўловни кафолатлаш мақсадида, етказиб берилиши лозим бўлган товар ёки кўрсатилиши лозим бўлган хизмат қийматининг 15 фоизи олдиндан тўлангандан сўнггина товарлар жўнатилади ёки хизматлар кўрсатилади.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда юқорида санаб ўтилган тамойилларга амал қилинmas экан, бу ҳисоб-китоб муносабатларида қатнашувчи томонларнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қўрсатади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» 2002 йил 12 январь Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган Низом асосида олиб борилади. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом Фуқаролик кодекси, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Конунлари ва Марказий банкнинг Ўзбекистон ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мулкчлик шаклларининг хилма-хиллиги шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиш шароитларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидалари хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шаклларини эркин танлаш принципларидан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди.

Низомга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қонунда қўзда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган қуйидаги шакллар орқали амалга оширилади:

- Тўлов топшириқномалари;
- Тўлов талабномалари;
- Аккредитивлар;
- Инкассо топшириқномалари;
- Тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари;
- Пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар.

Тўловчи ва маблағ олувчи орасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома асосида белгиланади. ҳисоб-китоб шакллари дейилганда, хуқуқий меъёрларда қўзда тутилган, ҳисоб-китоб ҳужжатининг тури, ҳужжатлар айланиш тартиби, маблағларни мол сотувчи корхона ҳисобварагига ўтказиш ва ёзиш усули билан бир-биридан фарқ қилувчи ҳисоб-китоб турлари тушунилади. ҳисоб-китобларнинг алоҳида шаклларининг мазмуни, улар бўйича ҳужжатлар айланишини ва операциялар ҳисоби ҳамда расмийлаштирилишини алоҳида параграфларда кўриб чиқамиз.

2-§. Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Тўлов топшириқномаси бу тўловчи корхонанинг унинг банкдаги депозит ҳисобварафидан пул маблағларининг маълум бир суммасини бошқа мижознинг ҳисобварафига ўтказиш хақида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка берган топшириғидир. Тўлов топшириқномаси 0505411002 шаклдаги стандарт бланкада тўловчи томонидан расмийлаштирилиб банкка топширилади. Тўлов топшириқномалари орқали куйидаги тўлов лар амалга оширилади:

- товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар;
- нотовар операциялар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бўлса, банк ссудалари ва унга кўшилган фоизларни қоплаш учун маблағ ўтказиш;
- ҳукumat қарорлари ва банк қоидаларида белгиланган ҳоллардаги банк тўловлари.

Илгари тўлов топшириқномалари расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 кун ичida банкка топширилиши мумкин бўлиб, шу давр ичida у ҳақиқий бўлиб ҳисобланар эди. «Накд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги янги Низомга асосан тўлов топшириқномаси расмийлаштирилган кун банкка тақдим этилиши лозим, яъни топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган кун билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди. Лекин бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар бундан мустасно.

Тўлов топшириқномаларининг банкка топширадиган нусхалар сони тўловчи ва маблағ олувчиларнинг қайси банкда жойлашганлигига боғлиқ. Тўловчи ва маблағ олувчи корхоналар бир банк бўлими хизматидан фойдалансалар, топшириқномалар банкка уч нусхада тақдим этилади. Топшириқнома нусхаларининг ҳар бири куйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси кўрсатилган, банкнинг тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- иккинчи нусхаси тўлов олувчининг ҳисобварафига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳолда тўловни олувчи корхона вакилига берилади;
- учинчи нусхаси операция бажарилгандан сўнг, банк бўлимининг тўртбурчак штампи изи туширилган, масъул ижрочи томонидан имзо, тўловни амалга ошириш ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, тўловчи корхона вакилига уларнинг депозит ҳисобварафидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Лекин ҳар доим ҳам бир-бири билан муносабатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар бир банк хизматидан фойдаланмайдилар, чунки ҳисоб-китоблар бир худуд ташқарисига чиқиши мумкин. Агар тўловчи ва маблағ олувчи корхоналарга бир худуд ичидаги ёки бошқа худудда жойлашган турли банк бўлимлари томонидан хизмат кўрсатилса, тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим этилади:

- биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- иккинчи нусхаси банк бўлимининг муҳр изи туширилган, банк масъул ижрочисининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана ва топшириқномани қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчи корхона вакилига берилади.

Тўлов топшириғида куйидаги реквизитлар кўрсатилиши лозим:

- а) тўлов топшириғининг номи ва номери.
- б) тўлов топшириғи тўлдирилган сана, яъни кун, ой ва йил.
- в) тўловчининг номи, тўловчи банкининг номи ва коди.
- г) тўловчининг ҳисобварақ номери ва идентификация коди.
- д) маблағларни олувчи корхона номи, унга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди

ж) маблағ олувчининг ҳисобварақ номери.

3) тўловларнинг суммаси ракам ва ёзувларда кўрсатилади.

и) тўловнинг мақсади.

Тўлов топшириғининг барча реквизитлари тўлдирилгандан сўнг, топшириқноманинг алоҳида ажратилган пастки қисмига тўловчи корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр изи қўйилади. Ушбу муҳр ва имзолар тўлов топшириғининг фақат биринчи асл нусхасига қўйилади.

Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилиш, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, бутун кун давомида банкнинг мижоз билан ишлаш вақтидан келиб чиқсан холда амалга оширилади. Бунда операцион кун давомида банк томонидан корхоналардан қабул қилинган ҳужжатлар шу куннинг ўзидаёқ ижро қилинади. Масъул ижрочи мижозлардан тўлов топшириғини олгандан сўнг, тўлов топшириғидан барча реквизитларнинг тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилганлигини текширади. Бундан ташқари, тўловчи корхонанинг депозит бўйича очилган ҳисобварағида ҳужжатда кўрсатилаган суммани тўлашга етарли пул маблағлари борлигини аниқлайди. Агар тўлов топшириғи тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиб, уни тўлашга етарли пул маблағлари бўлса, масъул ижрочи топшириқномадаги барча маълумотларни дастурий йўл билан компьютер орқали банкнинг электрон тўловларини амалга оширувчи ҳисоблаш марказига ўтказади. Эртаси кун эрталабдан кечикмаган муддатда банк баланси чиқарилгандан кейин ҳужжатнинг биринчи нусхаси банкнинг кундалик йифмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда аввал жорий архивда сақланади, бир йил ўтгандан сўнг умумий банк архивига топширилади. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси эса мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда операциялар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида мижозга қайтариб берилади.

Ушбу банк операцияси бўйича қўйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет Тўловчининг «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» бўйича очилган ҳисобварақ номери

Кредит Маблағ олувчининг «Талаб қилингунча сақланадиган депозит» бўйича очилган ҳисобварақ номери.

Ушбу операцияни мисолда кўриб чиқамиз. Давлат корхонаси ҳусусий корхонадан маҳсулот сотиб олди. Давлат корхонаси сотиб олинган маҳсулотнинг пулини тўлаш учун тўлов топшириғи расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этди. Тўлов топшириғи тегишли назоратдан ўтказилгандан сўнг, пул ўтказиш бўйича қўйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилди:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити».

Кредит 20208 «Ҳусусий корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозити».

Юкорида кўрсатилган бухгалтерия ёзувлари ҳар иккала корхонага битта банк хизмат кўрсатган холда бажарилади. Агар маблағларни олувчи корхона бошқа банк хизматидан фойдаланадиган бўлса, у холда тўловчи банкидан вакиллик ҳисобварағи орқали ўтказилади. Бундай ҳолни қўйидаги бухгалтерия ёзуви орқали кўриш мумкин:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозити».

Кредит 10301 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи».

Шундай қилиб, тижорат банкининг ҳисоблаш марказидан дастурий йўл орқали модем усули билан электрон тўлов ўтказилади, яъни «Электрон почта» деб номланган тизим орқали электрон тўлов топшириғи Марказий банк қошидаги ҳисоб марказига ўтказилади. Марказий банк қошида очилган ҳисоб маркази тўловчи корхонага хизмат қилувчи тижорат банкидан олинган маълумотлар асосида электрон тўлов топшириғини модем орқали маблағ олувчи корхонага хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ўтказади.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қофозга чиқарилади. Топшириқноманинг биринчи нусхаси банк масъул ижроисининг имзоси ва банк муҳр изи қўйилиб, кунлик ҳужжатлар

йифмажилдига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк маъсул ижрочисининг имзоси ва банк мухри изи қўйилган ҳолда мижоз ҳисобварағига илова сифатида мижозга берилади. Бу банкда куйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 10301 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи».

Кредит 20208 «Хусусий корхонанинг талаб қилгунча сақланадиган депозит ҳисобварағи».

Ушбу бухгалтерия ёзуви ёрдамида тўловчи корхона банкидан Марказий банк орқали келиб тушган пул маблағлари маблағ олувчи корхона банкида маблағ олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Таъминотчилар томонидан маҳсулот етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш транспорт хизмати билан биргаликда бир текисда амалга оширилса, ўзаро ҳисоб-китоблар доимий тўловлар тартибида ўтказилиши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар ҳар бир алоҳида савдо битими яъни маҳсулот ортиш, жўнатиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича эмас, балки томонлар олдиндан келишиб олган муддатлар ва ҳажмларда тўлов топшириқномалардан фойдаланган ҳолда маблағларни даврий равишда кўчириш йўли билан бажарилади. Томонлар даврий равишда, лекин ҳар ойда камида бир марта маҳсулотнинг амалда жўнатилиши ёки хизматлар кўрсатилиши асосида ўтган даври учун қиёслашни бажариш ва шартномада белгиланган тартибида қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим. Аниқланган фарқлар алоҳида топшириқнома билан ўтказилиши ёки навбатдаги тўловда ҳисобга олиниши мумкин. Ўзаро қарзлар энг кам микдорда бўлиши учун ҳисоб-китобларга ойнинг охирида аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳужжатлар айланишини куйидаги схема орқали кўриш мумкин:

2-схема.

Тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги ҳужжатлар айланиш схемаси

Ҳисоб-китоб маркази 5.

Электрон тўлов

Мол жўнатувчи корхона банки

Мол олувчи корхона банки

2. Товар

7. Тўлов Мол

сотувчи корхона

Мол олувчи корхона

1. Шартнома

- Юкорида келтирилган схемага куйидагича тавсиф берамиз:
1. Энг аввало мол жўнатувчи ва мол олувчи корхоналар ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
 2. Шартномага асосан мол жўнатувчи корхона мол олувчи корхонага маҳсулот жўнатади.
 3. Мол олувчи корхона олган маҳсулотга пул ўтказиш учун тўлов топшириги расмийлаштириб ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширади.
 4. Банк ходими томонидан тўлов топшириғи асосида мол олувчи корхона ҳисобварағидан пул чегирилади.
 5. ҳисоб маркази орқали электрон тўлов мол сотувчи корхона банкига жўнатилади.
 6. Келиб тушган электрон тўлов мол сотувчи корхона банкида мол сотувчи корхона ҳисобварағига ўтказилади.
 7. Электрон тўлов топшириғининг бир нусхаси тўланган ҳужжатлар сифатида мол сотувчи корхонага берилади.

ҳозирги кунда республикамизда банклар орқали ўтказилаётган барча тўловларнинг 65-75 фоизи тўлов топшириқномалари ёрдамида амалга оширилмоқда, бу унинг афзалликлари билан боғлиқдир.

Бу афзалликлар қўйидагилардан иборатdir:

- биринчидан, хужжатлар айланишининг оддийлиги ва тезлиги, яъни ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг техник жиҳатдан кулайлиги. Бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ходимларининг меҳнат сарфини камайтиради;
- иккинчидан, пул маблағлари ҳаракатининг тезлиги, яъни тўлов талабномасига нисбатан тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларда хужжатларнинг айланиши ҳаракати қисқалиги сўзсиз хўжалик оборот маблағларининг айланиш тезлигини оширади;
- учинчидан, товар сотиб олувчининг қабул қилган товарлари ёки хизматлар сифатини олдиндан аниқлаб олиниши. ҳисоб-китобларнинг бу шаклида тўлов талабномаси орқали ҳисоб-китобларда бўлган каби банкка рад этиш аризаси топширилмайди, чунки тўловчининг ўзи тўловни тўлашга рози бўлса, топшириқномани банкка топширади;
- тўртинчидан, тўлов топшириқномасининг барча товарсиз операцияларда кўлланиши, бу эса ушбу шакл бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳамиятини янада яккол акс эттиради.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд. Камчиликлар шундан иборатки, мол жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўла кафолатланмаган. Чунки тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағидаги маблағлар миқдорига боғлиқ. Тўловнинг тўлиқ ўтказилишига етарли пул маблағларининг бўлмаслиги пул айланиши секинлаштиради ва маҳсулот жўнатувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Лекин кўрсатилган камчилик тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллари олдидағи аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча, ҳозирги даврда хўжалик субъектлари ўртасида тўлов топшириқномаларининг кўлланилиш доираси янада кенгайиб бормоқда, чунки олдинги йилларда тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар фақат маҳсулот жўнатилгандан ва хизматлар кўрсатилгандан кейингина амалга оширилар эди. Бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитида ўзини оқламайди, дебетор ва кредитор қарздорликларнинг ошиб кетишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда қарздорлик занжирини келтириб чиқаради.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор механизмлар ишлаб чиқилди, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Дастрраб 1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказишни таъминлаш бўйича жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли Фармони чиқарилди. Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар ҳар бир хўжалик субъекти агар мол олувчи корхона бўлса, у албатта ўша мол қийматининг камида 15 фоизи суммасини олдиндан тўлаши талаб этилади. Табиийки, бу тўлов топшириқномаси асоси амалга оширилади.

Олдиндан тўлов ўтказиш илгари ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа баъзи холларда Давлат банкининг рухсати билан амалга оширилар эди. Лекин ҳозирги пайтда хўжаликлар ўzlари ўзаро хўжалик шартномалари орқали 100 фоизли ёки ундан кам миқдорда бўлган олдиндан тўловлар ўтказишни келишиб оладилар. Юқорида кўрсатилган механизм эса томонлар ўртасида шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатишга ёрдам беради. 15 фоиздандан кам бўлмаган авансланган тўловларнинг ўтказилишининг мажбурийлиги, банк бундай тўловлар устидан доимо назорат олиб бориши хақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди, Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан банкка топшириладиган тўлов топшириқномасида катъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби, 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўлови миқдори кўрсатилиши шарт қилиб

белгиланди. Демак, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг қайси шаклидан фойдаланишдан катъий назар, хўжаликлар аввало тўлов суммасининг 15 фоиздан кам бўлмаган микдорини тўлов олувчи корхона ҳисобварағига айнан тўлов топшириғи ёрдамида ўтказадилар. Бу эса тўлов топширигининг иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини камраб олаётганидан далолат беради. Умуман, ҳалқ хўжалигида ҳусусий секторнинг ўрни кенгайиб борган сари кичик ва бошқа ҳусусий корхоналар сонининг ошиши тўлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳажмининг кенгайишига йўл очиб беради.

3-§. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан бири тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар бўлиб, улар 1992 йил 1 августигача республика нақд пулсиз айланишининг қарийб 60-65 фоизини ташкил этар эди. Марказий банкининг 1992 йил 6 июндаги 78-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни тартибга солиш, уларнинг холатини яхшилаш, ҳамда бозор талабларига мослаштириш мақсадида, 1992 йил 3 июлдан бошлаб мулкчилик шаклидан катъий назар барча корхона ва ташкилотлар учун талабномаларнинг ўрнига янги тартибдаги тўлов-талабнома топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоблар амалиётга киритилди. Шу билан биргаликда, 1992 йил 1 августгача тўлов талабномаларининг оборотда бўлишига руҳсат этилди. Лекин корхона ва ташкилотлар тўлов талабномаси орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга бир неча ўн йиллаб ўрганиб қолганликлари сабабли, Марказий банкка тўлов талабномасини амалиётга қайтадан тадбиқ этиш бўйича кўплаб талаф келиб тушаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу масала қайта кўриб чиқилиб, 1996 йил 29 февралдаги Марказий банкининг Хатига асосан қайтадан муомалага киритилди.

Тўлов талабномаси - бу маҳсулот етказиб берувчи ва маблағ олувчиларнинг белгиланган суммани тўловчи банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабномани ўз ичига олган ҳисоб-китоб хужжатидир. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар «акцепт» шаклидаги ҳисоб-китоблар ҳам деб юритилади.

«Акцепт» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, розилик маъносини англатади, яъни бу тўловчининг тўловни амалга ошириш учун банкка берган розилигидир. Акцепт шакли асосий инкассавий ҳисоб-китоб шакли бўлиб ҳисобланади. «Инкассо» итальянча сўздан олинган бўлиб, банк ўз мижози тақдим этган хужжатга асосан етказиб берилган маҳсулот учун унда кўрсатилган суммани тўловчидан унинг банки орқали олиб бериш бўйича мажбурият бўлиб ҳисобланади. Розилик билдириш усулига кўра акцепт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Тўловчи корхонанинг розилиги ҳам, норозилиги ҳам ёзма равища билдирилса, ижобий акцепт ҳисобланади. Бундай ҳолда тўлов тўловчидан ёзма равищдаги розилик хати келгандагина амалга оширилади. Агар 15 кун ичидан тўловчидан розилик хати келмаса тўлов талабномаси тўловни олувчига тўланмасдан қайтарилади. Салбий акцепт эса сукут сақлаш орқали билдирилади, тўловга норозилик ёзма равища билдирилади. Агар тўловга қарши норозилик хати ёзма равища келиб тушмаса банк томонидан тўлов амалга оширилади.

Салбий акцептнинг ўзи тўловни амалга ошириш муддатига кўра олдиндан акцепт ва сўнгги акцептга бўлинади. Талабномани олдиндан акцептлаш усулида ҳисоб-китоблар ўтказилганда талабноманинг пули акцептлаш муддати тугагандан сўнг, яъни эртаси куни тўланади. Тўловчи корхона ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига талабнома келиб тушгандан кейин 3 кун ичидан тўловдан бош тортганини маълум қилиш хукуқига эга. Товар етказиб берувчи товар-моддий бойликлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, тегишли қонун хужжатлари шартларини бузган холларда тўловчи тўлашдан бош тортиши мумкин. Бундай холларда тўловчи томонидан банкка ёзма равища рад этиш аризаси топширилиб, унда тўловдан бош тортиш сабаблари кўрсатилади.

Акцептлашнинг сўнгги акцепт турида тўлов талабномаси банкка келиб тушган кунда тўланади, лекин тўлов ўтказилгандан кейинги 3 кун ичидан тўловдан бош тортиш хукуки сақланиб колади. Белгиланган муддат ўтгандан сўнг тўловчи томонидан рад этиш аризаси келиб тушмаса, тўлов тўланганлигича қолади.

Лекин иқтисодиётнинг ривожланишининг турли даврларида акцептнинг ҳар хил турлари қўлланилади. Масалан, ҳисоб-китобларнинг даврини бир мунча қисқартириш мақсадида 1991 йилгача асосан сўнгги акцепт ишлатилар эди, факат қонун-коидаларда кўрсатилган ҳоллардагина олдиндан акцептга йўл қўйилар эди. Дебет авизоларига йўл қўйилмаётгани сабабли ҳозирги кунда фақатгина олдиндан акцепт тури ишлатилмоқда.

ҳисоб-китобларнинг акцепт, яъни тўлов талабномалари орқали ўтказиладиган шаклида ишлатиладиган асосий хужжат бу - тўлов талабномасидир. Тўлов талабномалари маҳсулот етказиб берувчи томонидан белгиланган №0505411001 шаклдаги бланкаларда банкка тақдим этилади. Тўлов талабномалари қуидаги ҳолларда ишлатилиши мумкин:

- а) юклаб жўнатилган товарлар учун;
- б) бажарилган ишлар учун;
- в) кўрсатилган хизматлар учун;
- г) амалдаги қонунчиликда, меъёрий хужжатлар ёки шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар учун.

Тўлов талабномасида маҳсулот етказиб берувчи томонидан талабнома номери, у тўлдирилган сана, шу корхона номи, унинг ҳисобварап номери, хизмат кўрсатувчи банк номи, банкининг коди, тўловчи корхонанинг номи, унинг банкдаги ҳисобварап номери, тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, тўлов суммаси ва тўлов мақсади кўрсатилади. Хужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган умумий реквизитлардан ташқари тўлов талабномасида қуидагилар кўрсатилиши лозим:

- а) шартнома санаси ва номери;
- б) маҳсулотларни юклаб жўнатиш санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш, топшириш хужжатлари ва транспорт тури, товарлар почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатилганда эса - почта квитанцияларининг номери;

Агар маҳсулот уни сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилса, талабноманинг алоҳида ажратилган жойида юк уни сотиб олувчининг ўз транспорти билан олиб чиқиб кетилгани ҳамда ишончноманинг номери кўрсатилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, маҳсулот контрактация шартномалари асосида реализация қилинади. Контрактация шартномалари бўйича маҳсулот етказиб беришда тўлов талабномасининг юқори қисмида яъни талабнома деб ёзилган сўз ёнига «Контрактация шартномаси» деб кўрсатилиши лозим. Тўлов талабномасининг пастки, алоҳида ажратилган қисмида маҳсулот жўнатувчи корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари ва корхонанинг муҳр изи кўйилади.

Тўлов талабномаси маҳсулот юклаб жўнатилгандан кейин шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан банкка инкассога топширилади. Маҳсулот етказиб берувчи битта операция бўйича талабномаларни инкассо учун қайта тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Умуман, тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш ишларини З босқичга бўлиб кўриб чиқамиш:

1-босқич. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

2-босқич. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномаларини тўлаш бўйича операциялари.

3-босқич. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳар бир босқичини алоҳида кўриб чиқамиш.

1. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўлов талабномасини инкассога қабул қилиниши.

Тўлов талабномаси маҳсулот жўнатилгандан сўнг шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот жўнатувчи корхона томонидан рўйхат, яъни реестр асосида банкка инкассога топширилади.

Рўйхат тўлов талабномаларининг барча реквизитларини ўз ичига олган ҳолда икки нусхада тўлдирилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб муҳрнинг изи билан расмийлаштирилиши лозим. Рўйхатнинг биринчи нусхаси қабул қилинган сана, масъул ижрочи имзоси қўйилгандан сўнг, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилиб банкда қолдирилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси эса қабул қилинган

сана, масъул ижрочи имзоси қўйилиб, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилиб маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади.

Тўлов талабномалари 2 ёки 3 нусхада тўлдирилади. Агар маҳсулот етказиб берувчи ва тўловчи томонларга битта банк бўлими хизмат қўрсатса талабнома 3 нусхада тақдим этилади. Бу ҳолда тўлов талабномаларнинг ҳар бир нусхалари қўйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлови амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси қўрсатилган ҳолда қунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- иккинчи нусхаси тўловни олувчининг ҳисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилган ва қабул қилинган сана қўрсатилган ҳолда берилади;
- учинчи нусха қабул қилиш санаси, тўловни амалга ошириш санаси, масъул ижрочининг имзоси ва банк тўртбурчак муҳр изи қўйилган ҳолда тўловчига унинг ҳисобварағидан қўчирма билан биргалиқда берилади.

Агар тўловчи ва маҳсулот етказиб берувчи бир худуд ичидағи ёки турли худудларда жойлашган турли банк бўлимлари хизматидан фойдалансалар, бу ҳолда тўлов талабномалари 3 нусхада банкка тақдим этилади. Уларнинг ҳар уччала нусхалари почта алоқаси ёки куръерлар орқали тўловчи банкига жўнатилади.

2. Маҳсулот олувчи банкида тўлов талабномасини тўлаш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкига маҳсулот етказиб берувчи корхона банкидан биринчи иккинчи ва учинчи нусха тўлов талабномаси почта алоқаси ёки куръерлар орқали келиб тушади. Тўлов талабномалари томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан акцептлаш тартибида ёки акцептламасдан тўланиши мумкин. Банк томонидан талабномаларни акцептлаш учун бир шаҳар ичида 3 кун, шаҳарлараро ҳисоб-китобларда 5 кун муҳлат берилади. Лекин корхонанинг илтимосига кўра банк бу муддатни 10 кунгача чўзиши мумкин. Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномаларнинг биринчи нусхаси тўлов учун акцептлашни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотекасига жойлаштирилади. Бу картотека банкда 1-картотека деб юритилади. Талабноманинг иккинчи нусхаси товар-транспорт ҳужжатлари билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан ҳужжатни акцептлаш учун қабул қилинган сана қўрсатилган ҳолда ва тўлов тўғрисида маълумот сифатида тўловчига берилади. Агар банкда 1-картотеканинг ҳисобини юритиш дастурий йўл билан олиб борилмаса, бундай талабномалар қабул қилинган куни «Тўлов учун акцептланиши кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»ни ҳисобга олиб бориш дафтарида икки нусхада қўйидаги реквизитларни кўрсатган ҳолда банк томонидан қайд этилади:

- тўлов талабномасининг банкка келиб тушиш санаси ва тўлов муддати;
- тўловчининг ҳисобварақ номери;
- тўловчининг номи;
- банк коди;
- талабноманинг номери;
- тўлов мақсади ва суммаси;

Тўлов талабномасини 1-картотекага жойлаштиришда қўйидаги балансдан ташқари проводка бажарилади. Дт 90962 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари», Кт 96319 «Контр. ҳисобварақ».

Дафтарда ҳар бир тўлов муддати бўйича талабнома суммалари ва бу суммаларнинг йиғиндилиари қўрсатилган бўлиши лозим. 1-картотеканинг ҳисоби дастурий йўл билан амалга оширилса, талабнома бўйича қўрсатилган реквезитлар компьютерга киритилади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, тўловчи тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини олгандан кейин, унинг тўғри расмийлаштирилганлигини, шартнома шартларига тўғри келиш-келмаслигини текшириб чиқади. Тўловчи белгиланган муддатда товар моддий қийматликларни жўнатишда, хизматлар қўрсатишда амалдаги қонуний ҳужжат талабларига ҳамда шартнома шартларига амал қилинмаган холларда талабномани қисман ёки тўлиқ тўлашдан бош тортиши мумкин. Бунинг учун банкка ёзма равишда рад этиш аризаси

топширилиши лозим. Агар белгиланган муддатда банкка рад этиш аризаси топширилмаса, яъни ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган бўлиб ҳисобланади. Акцептлашни рад этиш хукуқига эга бўлган мансабдор шахслар доирасини банк бўлими бошқарувчиси белгилайди. Банклар акцептлашни рад қилиш моҳияти бўйича келиб чиқсан баҳс ва низоларга аралашмайдилар.

Тўлов талабномасини тўлашдан бош тортиб ёзилган рад этиш аризаси тўловчи томонидан банкка топширилганда талабномалар шу куннинг ўзидаёқ 1-картотекадан олинади ҳамда товар-транспорт ҳужжатлари ва бошқа иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берувчи корхона банкига ижросиз қайтариб юборилади. Тўловчи талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар ўтказилади. Тўловчи ҳисобварағида талабноманинг акцептланган қисмини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмагандага талабнома «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекасига жойлаштириллади. Бу картотека 2-картотека деб юритилади. Бунда талабноманинг дастлабки суммаси ўчирилади ва ёнида тўловчи акцептлаган сумма ёзиган кўйилади. Картотекага кирим қилинган сумма тўловчи корхона ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушгандан сўнг тўланади.

Агар 1-картотекага жойлаштирилган тўлов талабномаси бўйича тўловчи томонидан рад этиш аризаси келиб тушмаса, тўлов талабномаси акцептлаш учун берилаган З кун муҳлат ўтгандан сўнг тўланади. Тўлов талабномасини тўлашдан аввал тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварағини юритувчи масъул ижрочи талабномани тўлаш учун етарли пул маблағларининг тўловчи ҳисобварағида мавжудлигини текширади. Агар депозит ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлса, талабнома тўланади. Тўлов талабномасини тўлаш кўйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет 20210 «Давлат тасарруфидаги корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи»

Кредит 10301 «Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи»

Баланс ичидаги ҳисобварақлар бўйича бажарилган ушбу бухгалтерия ёзувлари билан бир қаторда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари бажарилади, 1 картотекадаги тўлов талабномасининг ўзи картотекадан олинади ва ҳисобдан чиқарилади:

Дебет 96319 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контрол ҳисобварақ»

Кредит 90962 «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Бу бухгалтерия ёзувига қарама-қарши бўлган ёзув тўлов талабномасини 1-картотекага кабул қилинган пайтда бажарилади, яъни тўлов талабномасининг 1-картотекага кирим қилинганилигини билдиради. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви эса талабноманинг картотекадан олинганилигини билдиради.

Тўланган талабнома электрон тўловлар тизими ёрдамида Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб маркази орқали маҳсулот сотувчи банкига ўтказилади. Талабноманинг ушбу нусхаси банкнинг кундалик ҳужжатлар йифмажилдига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Лекин ҳар доим ҳам тўловчи корхонанинг ҳисобварағида тўлов талабномасини тўлашга етарли пул маблағлари бўлмаслиги мумкин. Тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағ бўлмагандага талабномалар 2-картотекада тўловни кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштириллади, бу ҳакда маҳсулот етказиб берувчи банкига хабар берилади. Талабнома 2-картотекага жойлаштирилганда балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича кўйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 90963 «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлар»

Кредит 96321 "Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб"

Тўлов талабномаси 2-картотекада тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига талабномани тўлашга етарли пул маблағлари келиб тушгунча сақланади. Пул келиб тушгандан сўнг, келиб тушган маблағлар доирасида меъёрий

хужжатларда ўрнатилган тартибда тўлов амалга оширилади. Тўлов ўтказиш бўйича қуидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дебет - Маҳсулот сотиб олувчининг депозит ҳисобвараги

Кредит - Тижорат банкининг вакиллик ҳисобвараги

Бу ерда маҳсулот сотувчи турли мулкчлик шаклдаги хўжалик юритувчи субъект бўлиши мумкин. Юқорида тўлов талабномаси тўланганда давлат тасарруфидаги корхонанинг депозит ҳисобвараги орқали операция ўтказилган ҳолни кўрган эдик. Баланс ичидаги бухгалтерия ёзувини бажаришдан аввал ҳужжат 2-картотека ҳисобидан чиқарилади, бу операция қуидаги бухгалтерия ёзуви асосида амалга оширилади:

Дебет 96321 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контролер ҳисобварак»

Кредит 90963 «Муддатда тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Банк 2-картотекадаги тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўловларни амалга оширишда тўловчилардан пеня ундириш ва олувчилар фойдасига ўтказиш хуқуқига эга, агар бу банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада келишилган бўлса. Банк тўловчилардан маблағларни олувчилар фойдасига муддати ўтказиб юборилган тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонунда белгиланган микдорда пеня ундиради. Муддати ўтказиб юборилган кунларни белгилашда календарь кунлар ҳисобга олинади. Ундирилган пеня муддати ўтказиб юборилган тўловнинг асосий суммаси билан тўловчининг ҳисобварагидан ҳисобдан чиқарилади ва маҳсулот етказиб берувчининг банкига электрон тўловлар тизими орқали ўтказилади.

Баъзи вақтларда тўлов талабномасини тўлаш учун тўловчи корхонанинг розилиги, яъни акцептлаши талаб этилмайди. Тўловчиларнинг ҳисобваракларидан маблағларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан коммунал хизмат, телефон, канализация, поча-телеграф харажатлари ҳамда ташилган аҳлат учун амалга оширилади. Коммунал хизматлар учун тўловлар ўлчов асбоблари газ, сув, иссиқлик ва электр-энергияси учун ҳисобланади. Бундай акцептсиз тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинган тўлов талабноманинг юқори қисмига «акцептсиз» ҳамда "ҳисоблаш асбоблари асосида" деган сўзлари кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим. Ушбу ёзувлар бўлмаган тақдирда талабномалар умумий асосда акцептланади ва тўланади. Талабномада маълум тўловларни акцептламасдан ҳисобдан чиқариш хуқуқига эга бўлган қонуний ҳужжат ёки шартноманинг санаси, номери ва тўловнинг мақсади кўрсатилиши шарт. Бунда банк илова қилинган ҳужжатларнинг талабномада кўрсатилган уларнинг реквизитларига мослигини текшириб кўради.

Банк операцион куни келиб тушган акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзида тўланади. Тўловчи корхонанинг депозит ҳисобварагида талабномани тўлаш учун маблағлар йўқлиги ёки камлиги аниқланса ҳамда уларни тўлаши учун банк кредитини бериш имконияти бўлмаганда, тўланмаган сумма «Ўз муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» картотекаси бўйича алоҳида ҳисобваракқа ўтказилади, талабноманинг ўзи эса 2-картотекага жойлаштирилади.

Операцион кун тугагандан сўнг банкка келиб тушган тўлов талабномалари кейинги иш куни тўланади. Бундай талабномаларга «Кечки» деган белги қўйиб қўйилади. Умуман акцептсиз тўланган ёки 2-картотекага жойлаштирилган талабномалар бўйича бухгалтерия ёзувлари акцептлаш тартибда тўланадиган талабномалар сингари амалга оширилади.

3. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловни қабул қилиш бўйича операциялар.

Тўловчи корхона банкида тўланган тўлов талабномаси «Электрон почта» электрон тизими орқали Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб марказига узатилади. ҳисоб-китоб марказида тўловчи корхона банкининг вакиллик ҳисобварагидан тўлов талабномасида кўрсатилган пул суммаси маҳсулот етказиб берувчи банкининг вакиллик ҳисобварагига ўтказилади. Электрон тўлов тизими орқали олинган электрон талабномалар маблағлари олувчи банкда икки нусхада қофозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банк масъул ижроқисининг имзоси ва банк муҳри қўйилиб кундалик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади

ва белгиланган тартибда сақланади. Талабноманинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрочисининг имзоси ва банк мухри қўйилган ҳолда маҳсулот етказиб берган корхонанинг депозит ҳисобварағига илова сифатида қўшиб берилади. Шу билан бирга бу корхонага ҳисобварағидан кўчирма ҳам берилади. Маҳсулот етказиб берувчи банкида тўловчи банкидан келиб тушган тўлов суммаси қўйидаги бухгалтерия ёзуви орқали маблағ олувчининг ҳисобварағига ўтказиб кўйилади:

Дебет Тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағи


Кредит Маҳсулот етказиб берувчининг депозит ҳисобварағи

Бу ерда маҳсулот етказиб берувчи давлат тасарруфидаги, давлат тасарруфидан ташқаридаги турли мулқчилик шакллариға қарашли корхоналар бўлиши мумкин. Шунга кўра уларнинг ҳисобварақ номерлари белгиланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг ҳисобварағига сотилган маҳсулоти учун пул маблағларининг келиб тушганлигини билдиради.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар умумлашган ҳолда кандай амалга оширилишини тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг хужжатлар айланиши схемаси орқали яққол кўриш мумкин.

3-схема.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китобларда
хужжатларнинг айланиш схемаси



11

Маҳсулот олувчи корхона	1	Маҳсулот жўнатувчи корхона
	2	

1. Маҳсулот жўнатувчи корхона билан маҳсулот олувчи корхона ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Маҳсулот жўнатувчи корхона маҳсулот олувчи корхонага товар жўнатади.
3. Маҳсулот жўнатувчи корхона ўзига хизмат қўрсатувчи банк бўлимига тўлов талабномаси ва товар-траспорт хужжатларини тақдим қиласида.
4. Маҳсулот жўнатувчи корхона банки маҳсулот олувчи корхона банкига почта ёки курьерлар орқали ҳужжатларни жўнатади.
5. Маҳсулот олувчи корхона банки келиб тушган тўлов талабномасини акцептлаш учун маҳсулот олувчи корхонага беради.
6. Корхона ўз банкига акцептланган талабномани тақдим этади.
7. Маҳсулот олувчи корхона банки талабномада қўрсатилган суммани тўловчи корхона ҳисобварағидан чегириб, талабнома бўйича тўловни амалга оширади.
8. Маҳсулот олувчи корхона банки ҳисоб-китоб марказига тўланган электрон тўлов талабномасини модем орқали жўнатади.

9. ҳисоб-китоб маркази электрон тўлов тизими орқали тўланган талабномани маҳсулот сотувчи корхона банкига ўтказади. (ҳисоб-китоб марказида бўладиган операциялар бошқа мавзуда батафсил кўрилиши сабабли у ерда ҳисоб-китоб марказида бажариладиган ишлар батафсил ёритилмади.)

10. Маҳсулот сотувчи корхона банки талабнома суммасини маҳсулот сотувчи корхонанинг ҳисобварагига ўтказади.

11. Тўловнинг келиб тушганлигини ҳабар қилиш учун компьютерда чиқарилаган электрон тўлов талабномасининг иккинчи нусхасини ҳисобваракдан кўчирма билан биргаликда маҳсулот сотувчи корхонага топширади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларниг бошқа шакллари каби тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китоблар хам маълум бир афзаллик ва камчиликларга эга. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларниг афзалликлари қуидагилардан иборат:

1) Маҳсулот сотувчи билан маҳсулот олувчи томонлар бир-бирини ўзаро назорат қилишга қурай.

2) Маҳсулот олувчига товарни жўнатиш кечиктирилмайди.

3) Мол жўнатувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун маҳсулот олувчининг маблағини алоҳида ҳисобваракда депонент қилиб кўйиш талаб этилмайди, яъни тўловчининг маблағлари бирор муддатга оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди.

4) Тўловчига тақдим этилган ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчининг шартнома шартлари қай даражада бажарилишини текшириш ҳуқуки берилади, шу билан бирга шартнома шартларидан бири бузилган ҳолда тўлов тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади.

5) Мол олувчи ҳисобварагидан акцептсиз талабномалар бўйича маблағларниг мажбурий олиниши маҳсулот етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатган томон манфаатларига мос келади.

Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларниг камчиликлари қуидагилар:

1. Маҳсулот сотувчи корхонага тўловнинг ўз вақтида ўтказилиши кафолатланмайди.

2. Тўлов ўтказилиши билан товар жўнатилиши вақтининг бир-бирига мос келмаслиги.

3. Тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларда ҳужжатлар айланиши тўлов топшириғига нисбатан узоқрок давом этади.

Умуман, тўлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларниг ишлатилиши кўп ҳолларда 2-картотекадан ўз вақтида тўланмаган тўлов талабномаларниг қўпайишига шароит яратади, чунки талабнома банкка тўлов учун қелиб тушган вақтда тўловчининг ҳисобварагидан ҳар доим ҳам тўловни амалга ошириш учун етарли пул маблағлари бўлмайди. Картотекага қўйилган ҳар бир тўлов талабномаси республика халқ ҳўжалиги дебеторлик ва кредиторлик карзларининг ошганлигидан далолат беради. Шу сабабли, республика банклари ўз мижозларининг картотекадаги ҳужжатлари ва уларни тўлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини назорат қилиб турадилар.

4-§. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларнинг ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши

ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли тўлов оборотида жуда кам улушни ташкил этади. Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни кафолатлаш мақсадида аккредитив шаклдан фойдаланилади. Аккредитив-мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контролентини фойдасига берилаётган банкининг шартли пул мажбуриятидир. Унга кўра аккредитив очган банк маҳсулот етказиб берувчига тўловни бажариши ёки бошқа банклар томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда ва аккредитивнинг бошқа шартлари бажарилганда уларга бу тўловларни бажариш учун ваколат бериши мумкин. Аккредитив сўзининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «ишончли» деган маънени билдиради. ҳозирги кунда корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларда аккредитив ларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган аккредитив (депонентланган)
- қопланмаган (депонентланмаган)

Аккредитивлар очилганда аккредитив очган банк тўловчининг шахсий маблағидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан мол етказиб берувчининг банки тассарруфига алоҳида «Аккредитивлар» баланс ҳисобварағига маблағларни етказиб берса, бундай аккредитивлар қопланган аккредитивлар дейилади. Аккредитив очган банк халқаро қабул қилинган андозалар асосида банк-эмитент деб юритилади.

Аккредитивларнинг иккинчи тури қопланмаган аккредитив бўлиб, банк ва бошқа корхоналар олдида мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган хўжаликларга бундай аккредитивлардан фойдаланишга рухсат этилади. Қопланмаган аккредитивнинг қопланган аккредитивдан фарқи шундан иборатки, бунда тўловчи корхонанинг пул маблағлари алоҳида ҳисобварақقا ўтказиб қўйилиши талаб қилинмайди. Банк тўловчи ҳисобварағида тўлов ҳужжатлари келиб тушганда пул бўлмаган тақдирда банк маблағлари ҳисобидан тўлов беришни кафолатлайди. Аккредитивнинг бу турининг қулайлиги шундан иборатки, мол сотиб олувчининг пул маблағлари оборотдан ташқарига чиқиб кетмайди, иккинчи томонидан мол жўнатувчи корхона учун ҳам тўлов кафолатланган. Фақат банк маблағлари ҳисобидан тўлов амалга оширилганда шартномада келишилган миқдорда ҳақ тўланади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Агар аккредитив бўйича ҳужжатларда бу ҳақда белги мавжуд бўлмаса, бундай аккредитивлар чақириб олинувчи бўлиб ҳисобланади. Чакириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив бўйича тўловларни кафолатлаш муддатидан аввалроқ воз кечганда ва бошқа холларда аккредитив чақириб олинниши мумкин. Тўловчи маҳсулот етказиб берувчига чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгариши ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча фармойишларни факат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маҳсулот етказиб берувчининг банки, яъни бажарувчи банкни, у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчи корхонани хабардор қиласи. Бажарувчи банк, айни пайтда, маҳсулот етказиб берувчи тақдим этган ва маҳсулот етказиб берувчининг банки томонидан қабул қилинган аккредитив шартларига тегишли бўлган ҳужжатлар бўйича тўловларни мазкур банк аккредитивини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарномани олгунга қадар тўлаши шарт. Маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Маҳсулот етказиб берувчи корхона аккредитив шартларида кўзда тутилган ҳолларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатишдан воз кечиши мумкин.

А) Эмитент банкида аккредитивнинг очилиши.

Аккредитив фақат бир таъминотчи билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Аккредитивнинг муддати ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби томонлар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Шартномада:

- эмитент-банкнинг номи;
- аккредитив тури, уни бажариш муддати ва бажариш усуслари;
- мол етказиб берувчининг аккредитив бўйича маблағ олиши учун тақдим қилинадиган хужжатлар рўйхати ва уларнинг аниқ тавсифи;
- товарларни жўнатгандан кейин ҳужжатларни тақдим қилиш муддати;
- мол етказиб берувчи ва оловчи томонлар номи, уларнинг юридик адреслари
- бажарувчи банк номи ва бошқалар кўрсатилади.

Аккредитив очиш учун харидор ўз банкига - банк эмитентга аккредитивларни очиш тўғрисидаги аризани 2 нусхада тақдим этади. Аризада аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами, аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитивни бажарадиган банкнинг номи, аккредитив ижро этиладиган жой, аккредитив тури, аккредитив бўйича ҳақ тўланадиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, расмийлаштириш тартиби, аккредитив бўйича тўлаш усули ва бошқа керакли реквизитлар кўрсатилади.

Банкда ушбу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижроchi аккредитив очиш ҳақидаги аризани олиб, унинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, барча керакли реквизитларнинг мавжудлигини текшириб кўради. Шундан сўнг қабул қилинган аккредитив очиш ҳақидаги аризанинг биринчи нусхасига ўз имзосини, банкнинг тўртбурчак муҳр изини, аризани қабул қилиш санаси ва тўлов ўтказилган санасини қўяди. Аризанинг биринчи нусхасида кўрсатилган барча реквизитлар компьютерга киритиб электрон тўловлар тизими ёрдамида тўланган суммани Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази орқали маҳсулот жўнатувчи корхона банкига, яъни бажарувчи банкка жўнатилади. Харидорнинг ҳисобварағидан тўловни ўтказиш бўйича операциялар қуидаги бухгалтерия ёзувлари орқали амалга оширилади:

Дебет «Маҳсулот оловчи корхонанинг депозит ҳисобварағи»

Кредит «Эмитент банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Бир вақтнинг ўзида аккредитив суммаси аккредитивларни ҳисобга оловчи кўзда тутилмаган ҳоллар ҳисобварағига кирим қилинади. Тўлов ўтказилгандан сўнг аризанинг иккинчи нусхаси банк масъул ижрошининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов ўтказилган сана ҳамда қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда тўловчига шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда берилади.

Б) Аккредитивни бажарувчи банкда аккредитивнинг ёпилиши.

Аккредитивни бажарувчи банк эмитент банкдан электрон тўловлар тизими орқали тўловни қабул қиласи. Бу банкда аккредитивларни очиш ҳақидаги ариза 2 нусхада қоғозга чиқарилади:

- аризанинг биринчи нусхаси банк масъул ижроши томонидан имзо ҳамда банкнинг муҳр изи қўйилган ҳолда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.
- иккинчи нусхаси «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»деб номланган 1- картотекага жойлаштирилади.

Эмитент банкдан қабул қилинган тўлов суммаси 22602 сонли «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» ҳисобварағида ўтказилиб маҳсулот жўнатилиб, бу хақда маҳсулот жўнатувчи корхонадан керакли ҳужжат тақдим қилингунга қадар сақланади. Бу операция қуидаги бухгалтерия ёзуви ёрдамида амалга оширилади.

Дебет 10301 «Бажарувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи»

Кредит 22602 «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» ҳисобварағи.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонага аккредитив очилганлиги тўғрисида банк хабар беради.

Маҳсулот етказиб берувчи аккредитив бўйича келиб тушган маблағларни ўзининг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварагига ўтказиш учун унга хизмат қўрсатувчи банкка юклаб жўнатиш ва аккредитив шартларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Аккредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар аккредитив муддати ўтгунга қадар маҳсулот етказиб берувчи томонидан банкка тақдим этилиши ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқлаши шарт. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда маҳсулот етказиб берувчининг банки маҳсулот етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганлигини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш лозим. Ушбу шартларнинг бирортаси бузилганда ёки бажарилмагандан банк аккредитивлар бўйича тўловларни ўтказиши мумкин эмас. Банк томонидан маҳсулот етказиб берувчининг аккредитивлар бўйича ҳисобварагидаги маблағларни унинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварагига мемориал ордер орқали ўтказилади. Мемориал ордер масъул ижрочи томонидан 4 нусхада тўлдирилиб, унда тўлов бўйича шартнома номери, санаси, тўловнинг мазмuni, ҳисобвараклар номери кўрсатилади. Мемориал ордернинг алоҳида нусхалари қуйидагicha ишлатилади:

- мемориал ордернинг биринчи нусхаси бухгалтернинг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳрининг из туширилиб, тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан биргалиқда банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;
- мемориал ордернинг иккинчи ва учинчи нусхалари масъул ижрочининг имзоси, банк тўртбурчак муҳрининг изи кўйилиб, тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда банк-эмитентга жўнатилади;
- мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси масъул ижрочининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳр изи қўйилиб маҳсулот етказиб берувчи корхона ҳисобварагига илова сифатида берилади.

Маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган ҳисобварагига мижознинг аккредитивлар бўйича ҳисобварагидан пул маблағларини ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали амалга оширилади:

Дебет 22602 «Мижозларни аккредитивлар бўйича депозитлар» ҳисобвараги
Кредит 20200 «Мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлар» ҳисобвараги.

Мижозларнинг қайси мулкчилик шаклига асосланганлигига караб 20200 ҳисобваракнинг тегишли ёрдамчи (субсчет) ҳисобвалақ номери олинади.

Шундай қилиб, аккредитив маҳсулот етказиб берувчи корхонага хизмат килувчи банкда қуйидагicha ёпилали:

а) аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида эмитент банкка хабар беради;

б) маҳсулот етказиб берувчининг муддатдан олдин аккредитивни ишлатишдан воз кечиши тўғрисидаги аризасига кўра, маҳсулот етказиб берувчининг кейинги аккредитивдан фойдаланишдан воз кечиши тўғрисидаги аризасига асосан, банк-эмитентга бажарувчи банк томонидан билдиришнома юборилади;

в) сотиб олувчининг аккредитивни қисман ёки тўлиқ чақириб олиш тўғрисидаги аризасига кўра, агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитивлар эмитент банкдан хабар етиб келган куни 22602 «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар» ҳисобварагидаги мавжуд маблағлар доирасида тўлиқ ёки қисман копланади. Аккредитивнинг ёпилаётганлиги хақида эмитент банкка хабар берилади.

Аккредитивлар бўйича депозит ҳисобвараклардан нақд пул берилиши, аккредитивларни бошқа шахслар номига ўтказилиши ва қайта расмийлаштирилишига рұксат этилмайди.

Банк эмитент аккредитивни ишлатганлиги тўғрисида бажарувчи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагадан тулщ ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи ҳужжатларни мемориал ордернинг нусхаси билан биргалиқда тўловчи корхонага беради. Кўзда тутилмаган ҳолатлар

хисобварағи аккредитив түлиқ ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкидаги хисобвараққа қайтарилганда ҳам ёпилади.

Юқорида күрсатыб үтилган операцияларни куидаги схема орқали умумлаштирамиз.

4-схема

Аккредитив орқали хисоб-китобларда
хужжатлар айланиш схемаси

Хисоб Маркази

9 түлов

3 түлов

Маҳсулот етказувчи
корхона банки

10 Аккредитивни ёпиш
хақида хабар

Маҳсулот олувчи
корхона банки

Депонентлаш

7 Хабар

9 Хужжатлар

1 Шартнома

2 Ариза

Маҳсулот
етказувчи
корхона

8 товар

Маҳсулот
олувчи корхона

Схемага куидагича тавсиф берамиз:

1. Маҳсулот етказувчи ва маҳсулот олувчи ўртасида хўжалик шартномаси тузилади.
2. Маҳсулот олувчи ўз банкига аккредитив очиш хақида ариза тақдим этади.
3. Маҳсулот олувчи корхона банки аризага асосан маҳсулот олувчи корхона хисобварағидан түлов ўтказади.
4. Аккредитив очиш хақида электрон ариза Ҳисоб Марказига «Электрон почта» орқали ўтказилади.
5. Ҳисоб Маркази электрон түлов тизими орқали маҳсулот олувчи корхона банкининг вакиллик хисобварағидан пул маблағларини маҳсулот сотувчи корхона банкининг вакиллик хисобварағига пул ўтказади.
6. Келиб тушган маблағлар mijozlarning аккредитивлар бўйича хисобварағида депонентлаштирилади.
7. Аккредитив очилгани хақида маҳсулот етказувчига хабар беради.
8. Мол сотувчи мол олувчи корхонага товар жўнатади.
9. Маҳсулот етказувчи маҳсулот жўнатилганлиги хақидаги хужжатларни банкка тақдим этади.
10. Банк депонентланган суммани маҳсулот хисобварағига ўтказади ва аккредитивни ёпайди.
11. Бажарувчи банк аккредитивни ёпилганлиги хақида эмитент банкка хабар беради.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклининг ўз афзаллиги, шу билан биргаликда, бир қатор камчиликлари мавжуд. Аккредитив шакли бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллик томони шундаки, маҳсулот етказиб берувчи учун тўлов тўлиқ кафолатланган бўлади. Аккредитив шаклининг камчиликлари эса қўйидагилардан иборат:

- аккредитив шакли бўйича ҳужжатлар айланиши техник жиҳатдан бирмунча қийинроқ;
- транспортга кулай эмас, аккредитив очилган пайтда юкни жўнатиш учун тайёр транспорт бўлмаслиги мумкин, бу эса юк жўнатишни кечикишига олиб келади;
- бу шаклда тўловчининг маблағлари оборотдан қисман четлашади, бошқа ҳисоб-китоблар учун бу маблағлардан фойдаланишга рухсат этилмайди;
- аккредитив бўйича одатда фақат бир мол етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилинади.

5-§. Инкассо топшириқномалари бўйича операцияларнинг хисоби ва расмийлаштирилиши

Инкассо топшириқномаси - ушбу топшириқномани берган банк мижозининг банк-эмитентга тўловчининг хисобварафидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабидир. Инкассо топшириқлари қуидаги ҳолларда хисоб-китоблар учун тақдим этилади:

- биринчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқларни ундириш учун;
- иккинчидан, давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, жумладан, пенялар, жарималарни ундириб олиш тўғрисидаги солиқ органларининг фармойишига кўра;
- учинчидан, бюджетдан ташқари фондлардан тўловларни ундириб олишда, агар бу конуний хужжатларда кўзда тутилган бўлса;
- тўртингидан, божхона идораларининг қарорига кўра ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундириш учун.

Булардан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим этилган хужжатлар, шунингдек, хўжалик судининг ижро вараклари ва унга тенглаштирилган хужжатлари инкассо топшириқларини расмийлаштириб, банкка топшириш учун асос бўла олади. Ижро хужжатларига хўжалик судининг буйруқлари, судлар томонидан берилган ижро вараклари ҳамда нотариуслар томонидан ёзилган устҳатларни киритиш мумкин.

Бюджет, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини тўловни ундирувчи деб юритамиз. Тўловни ундирувчи инкассо топшириқларини ижро хужжатларини илова қилган ҳолда тўловни ундириш учун банкка тақдим қиласидилар. Агар тўловни ундирувчи ва тўловчи томонлар бир шаҳар ичидаи банк хизматидан фойдалансалар, инкассо топшириғи тўловчининг хисобварағи юритиладиган банк бўлимига топширилади. Агар инкассо топшириғи бошқа шаҳардаги тўловчилар номига расмийлаштирилган бўлса, бу ҳолда хужжат ундириб олевчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига топширилиши лозим. Тўловчиларнинг хисобварақларидан маблағлари ҳисобдан чиқариш банк бўлимлари томонидан хужжатларнинг нусхаси бўйича эмас, балки, асл нусхаси ёки дубликати асосида бажарилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни ҳисобидан чиқариш бўйича хужжатлар Қонунда белгиланган муддатдан ўтказиб тақдим этилган бўлса, банк бўлимлари ушбу хужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар. Ижро хужжатларининг бажарилиш муддатлари қуидагича белгиланган:

- судлар томонидан берилган ижро вараклари бўйича - 3 йил;
- ижро устҳатлари бўйича, агар қонунчилик томонидан бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса - 3 йил;
- хўжалик судларининг ижро вараклари бўйича - 6 ой;
- хўжалик судининг судьяси томонидан берилган суд буйруғи бўйича ундириб олиш, буйруқ берилган кундан бошлаб -10 кун муддат давомида амалга оширилади.

Давлат суғуртаси, ижтимоий суғурта идоралари, давлат бюджети фойдасига маблағларни ўтказиб бериш хужжатлар банк томонидан амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Инкассо топшириқномаси банк бўлимига ундириб олевчига томонидан 0505411013 шаклда 3 нусхада топширилади. Ундириб олевчига ва тўловчи томонларга битта банк бўлимида хизмат кўрсатилса инкассо топшириқномаларининг алоҳида нусхалари қуидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, банкнинг тўртбурчак муҳр изи, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик хужжатлар йифмасига тикилади.
- иккинчи нусхаси ижро хужжатлари билан бирга тўловчининг хисобварағига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг

тўртбурчак муҳрининг изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловчига берилади;

- учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул бажарувчи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олевчига берилади.

Ундириб олевчи ва тўловчига бир шаҳар ичидаги турли банклар хизмат кўрсатгандага ҳам инкасса топшириқномаси З нусхада расмийлаштирилиб, ундириб олевчи томонидан бевосита тўловчи корхона банкига топширилади. Инкассо топшириқномасининг алоҳида нусхалари қўйидагича ишлатилади:

- биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банк масъул ижрочиси томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади;
- иккинчи нусхаси ижро хужжатлари билан биргаликда тўловчининг ҳисобварафига илова сифатида масъул ижрочи томонидан имзо, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ва банкнинг муҳр изи туширилган ҳолда тўловчига берилади;
- учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, тўлов амалга оширилган сана, қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда тўловни олевчининг ўзига инкассо топшириқномасининг ижро учун банк томонидан қабул қилинганинги тасдиқловчи хужжат сифатида қайтарилади.

Аамиётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, бунда тўловни ундирувчи ва тўлов тўловчи турли шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларга турли банклар хизмат кўрсатади. Бундай шаҳарлараро ёхуд, худудлараро операциялар банклараро ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Шаҳарлараро ҳисоб-китобларда инкассо топшириқлари ундирувчиларга хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига ундирувчи томонидан топширилади. Бу ҳолда инкасса топшириғи З нусхада расмийлаштирилиб банкка топширилади. Унинг биринчи ва иккинчи нусхалари ижро хужжатлари билан бирга почта алоқаси орқали тўловчининг банкига жўнатилади. Топшириқномани жўнатишдан аввал унга масъул ижрочи томонидан имзо, хужжатнинг қабул қилиниш санаси қўйилади ҳамда банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилади. Инкассо топшириқномасининг учинчи нусхаси банк бўлимининг тўртбурчак муҳр изи туширилган, масъул ижрочининг имзоси, қабул қилиш санаси қўйилган ҳолда ундирувчига қайтарилади.

Инкассо топшириқномалари бўйича ҳисоб-китобларда бажариладиган бухгалтерия ёзувлари ундирувчи ва тўлов тўловчиларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг жойлашувига боғлиқ. Агар ҳар икки томонга битта банк бўлими хизмат кўрсатса, инкассо топшириқномасини тўлаш қўйидаги бухгалтерия ёзуви орқали бажарилади:

Дебет «Тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварафи.

Кредит «Ундирувчининг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварафи.

Ҳисобварақ номерлари ундирувчилар ва тўловчиларнинг қайси мулкчилик шаклига тегишлигига кўра белгиланади. Бу бухгалтерия ёзуви тўловчи корхона ҳисобварақларидан маблағларнинг ундирувчи томоннинг банкдаги ҳисобварафига ўтказилганлигидан далолат беради.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонлар бир шаҳар ичидаги турли банклар хизматидан фойдалансалар, ундирувчи томон инкассо топшириғини тўловчи банкига З нусхада топширади. Топшириқноманинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, унинг барча реквизитларининг мавжудлиги, шу билан бирга, тўловчининг ҳисобварафига ушбу топшириқномани тўлаш учун пул маблағларининг етарлилиги банк масъул ижрочиси томонидан назорат қилинади. Шундан сўнг, биринчи нусха асосида қўйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет «Тўловчи корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварафи.

Кредит «Тўловчи корхонага хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварафи».

Тўлов электрон тўлов тизими орқали ҳисоб Марказига ўтказилади. Инкассо топшириқномаларининг бошқа нусхалари юқорида кўрсатиб ўтилганга мувофиқ ишлатилади.

Тўлов тўловчи ва ундирувчи томонларга турли шаҳардаги турли банклар хизмат кўрсатсалар, ундирувчига хизмат кўрсатувчи банк инкассо топшириғини ижро ҳужжатлари билан биргалиқда почта алоқаси орқали тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка жўнатади. Тўловчининг банки келиб тушган ҳужжатларнинг тўланиши мумкинлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб юқорида бухгалтерия ёзувини ўтказади ва электрон тўлов тизими орқали ҳисоб-китоб марказига тўловни жўнатади. ҳисоб-китоб маркази орқали тўлов ундирувчига хизмат кўрсатувчи банкнинг вакиллик ҳисобварафига келиб тушади. Бир вақтнинг ўзида келиб тушган пул маблағлари ундирувчи томоннинг ҳисобварафига ўтказилади. Бу операция куйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дебет «Ундирувчига хизмат қилувчи банкнинг вакиллик ҳисобварафи»

Кредит «Тўловни ундирувчининг талаб қилингунча сақланадиган депозит» ҳисобварафи.

Ундирувчи банкида электрон тўлов тизими орқали қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси 2 нусхада қоғозга чиқарилади. Уларнинг биринчи нусхаси банкнинг муҳризи ва масъул ижроининг имзоси қўйилиб, кунлик ҳужжатлар йифмасига тикилади. Иккинчи нусхаси эса банк муҳризи ва масъул ижроининг имзоси қўйилган ҳолда ундирувчининг ҳисобварафига илова қилиб берилади.

6-§. Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби, унинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси банклари хўжалик субъектлари ва ахоли ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширади. Товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ўтказишда чеклардан фойдаланиш мумкин. Ахолига банклар томонидан чакана ва кооператив савдо ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан товарлар ва бажарилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун чеклар берилади.

Ҳисоб-китоб чеки бу ҳисобварақ эгаси (чек берувчи) ўз ҳисобварағидан олувчининг (чек эгаси) ҳисобварағига чекда кўрсатилган суммадан маблағларни ўтказиб бериш учун банкининг маҳсус бланкасида банкка берган топшириғидир. Чек бланкалари типографик йўл билан тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда тайёрланади. Бунда чеклар белгиланган намунадаги 0505411005 шаклда ҳар бир банк учун алоҳида бўлган банк номи ва фирма белгисидан ташқари барча зарурӣ реквезитларга эга бўлиши шарт. Ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришда уларнинг бошланғич суммасини тижорат банклари томонидан мустақил равишда аниқланиб, юқори суммаси Республика Марказий банки томонидан белгиланади. Чекнинг амал қилиш муддати эса тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади.

Чеклар омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисобварағида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Ҳисоб-китоб чеки 2 қисмдан иборат:

- биринчи қисми ҳисоб-китоб чеки;
- иккинчи қисми корешок.

Чекнинг корешоги чекнинг биринчи қисмida кўрсатилган суммаларини тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Банк ходими ҳисоб-чекини беришда куйидаги реквезитларни тўлдириб бериши л озим:

- чек берилган сана;
- чек бўйича тўланиши лозим бўлган суммани ракамлар ва сўз билан;
- ҳисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- унинг паспортининг серияси ва номери;
- чек берувчининг депозит ҳисобварағи номери;
- чек берган банк бўлимининг номи ва коди;
- чекнинг амал қилиш муддати.

Кўрсатиб ўтилган барча реквезитлар тўлдирилган сўнг, банкнинг масъул ходими ҳисоб-китоб чеки ва корешокка имзо қўяди ва ҳисоб-китоб чекининг кесиш чизигида қолган сонлар ҳисоб-китоб чеки суммасига мос келиши учун ҳисоб-китоб чеки назорат сонлар ҳошияси бўйча корешокни ажратади ҳамда муҳр билан мустаҳкамлайди. Шундан сўнг, чек олувчи мижоз чекни олганлиги ҳақида корешокка ўз имзосини қўяди.

Банкнинг масъул ходими алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси, номери, номига чек ёзиб берилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва чек суммасини ёзиб қўйиши лозим. Бунда ушбу чек омонат бўйича ҳисобварақда сақланаётган маблағлар ёки депозит ҳисобварақдан кўчирилган ёхуд нақд пулларда кўйилган маблағлар ҳисобига берилганини алоҳида кўрсатиб ўтиши шарт.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига кўра чекнинг суммасига 20206 «Жисмоний шахсларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари» алоҳида ҳисобварағини очади ва тўловлар мана шу ҳисобварағдан амалга оширилади. Масъул банк ходими барча расмийлаштириш ишларини бажаргандан сўнг чекни корешоги билан биргаликда кассирга беради. Кассир масъул ижроидан барча зарурӣ ҳужжатларни олгандан сўнг аввало, ҳужжатларда бажарилган ёзувларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди. Агар ҳисоб-китоб чеки нақд пул ҳисобидан расмийлаштирилган бўлса, чекни олувчидан нақд пулларни ва чек учун тўловни қабул қиласи. Пулнинг тўғрилилига ишонч ҳосил қилгач, чек ва омонат дафтарчасининг алоҳида белгиланган жойга ўз имзосини қўйиб чекни омонат дафтарчаси

билин биргаликда ҳисоб-китоб чекни олувчига топширади. Чекнинг корешок қисми эса операцион кун охирига қадар кассирнинг ўзида қолади.

Операцион кун охирида банк кассири бандероллардаги ҳисоб-китоб чекларининг корешокларида белгиланган реквезитлар билан, нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонатлар бўйича ҳисобвараклардан ҳисобдан чиқарилган суммани кўрсатади. Шундан сўнг чек корешогини масъул ижрочига топширади.

Ҳисоб-китоб чекини расмийлаштириш даврида хатога йўл қўйилиши мумкин. Агарда ҳисоб-китоб чекини тўлдиришда хатога йўл қўйилса, унда ушбу чек варакси бузилган ҳисобланади ва унинг ўрнига ҳисоб-китоб чекининг янги варакси тўлдирилади. Бундай ҳолларда ҳисоб-китоб чеки қуидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

- ҳарфлар билан ёзилган «Ҳисоб-китоб» сўзидан бир қисми қирқиб олинади;
- чек варакасининг ўртасига «бузилган» деган устхат ёзилади ва ушбу ёзув ёзилган сана кўрсатилади;
- чек варагига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзо қўйилади.

Тижорат банкларида қабул қилинган чекларнинг ҳисоби қимматбаҳо бланкларнинг харакати ҳисобини юритишга доир дафтарда олиб борилади ва балансдан ташқари кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобваракида ҳисобга олиб борилади. Шу кун давомида ишлатилган чек вараклари чиқим ордери бўйича 93609 «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар» ҳисобваракидан ҳисобдан чиқарилади.

Чекни олган жисмоний шахс сотиб олаётган товари ёки кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб чеки билан ҳисоб китоб қилиши мумкин. Ҳисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколатига эга бўлган савдо ташкилоти ходими маҳсулот тўлови учун чекни қабул қилаётганда чек белгиланган намунадаги бланкада расмийлаштирилганлигини назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганини, унда банк бўлими муҳринг аниқ изи ва банк ходимларининг имзоси мавжудлигини текшириб кўради. Шу билан бирга, чек берувчининг паспортини ҳам олиб чекда кўрсатилган паспорт серияси ва номерлари билан солишириб кўради. Чек бўйича текширув бажарилгандан сўнг ҳисоб-китоб чекининг орқа томонига савдо ходими савдо ташкилотининг белгисини кўяди. Чек маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб чеки савдо ташкилотлари томонидан нақд пулга алмаштирилмайди. Лекин, сотиб олинаётган маҳсулот қиймати чекда кўрсатилган суммадан кам бўлса, бу ҳолда савдо ташкилоти ушбу чек суммасининг 25 фоиздан ошмаган миқдордаги қийматини қайтим сифатида қайтиб беради.

Маҳсулот учун тўлов сифатида қабул қилинган чеклар савдо ташкилотлари томонидан уларда хизмат кўрсатувчи банк бўлимларига пул тушуми билан бирга инкассаторлар орқали топширилади, яни инкассаторлар белгиланган вақтда банкка келиб савдо ташкилоти ходимлари томонидан тайёрлаб қўйилган инкассаторлик халта ёки сумкаларни олиб кетадилар. Ушбу сумкаларга олдиндан пул тушуми билан бирга ҳисоб-китоб чеклари жойлаштирилган бўлади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қуидаги тартибда амалга оширилади:

1. Чек эгаси ва чек берувчига битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда:

-чек суммаси савдо ташкилотининг ҳисобвараки кредити ва «Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклар» ҳисобвараки орқали чек берувчининг ҳисобваракининг дебетидан ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банк масъул ижрошининг имзоси, банкнинг тўртбурчак муҳри изи туширилан ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади.

2. Чек эгаси ва чек берувчига турли банк бўлимлари хизмат кўрсатса:

-чек эгасининг банки чекда кўрсатилган суммани қабул қилинган чекка асосан чек берувчининг ҳисобваракига ўтказиб беради. Бир вақтнинг ўзида тижорат банкларининг электрон ҳисоб-чеклари электрон тўлов тизими орқали чек берувчининг банкига

жүннатилади. Чекнинг асл нусхаси масъул ижрочи томонидан имзо қўйилган, тўлов амалга оширилган сана, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ва қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда кунлик хужжатлар йигмасига тикилади.

Чек берувчи банки электрон тўлов тизими орқали электрон ҳисоб-китоб чекини қабул қилиб олади. Бу банқда чек суммаси электрон ҳисоб-китоб чеки асосида дастурий йўл билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг ҳисобварагидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банк масъул ижрочиси томонидан имзо қўйилган, банкнинг тўртбурчак муҳр изи туширилган ҳамда тўлов амалга оширилган сана кўрсатилган ҳолда банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади ва белгиланган тартибда сақланади.

Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеки қайтиб банкка топширилиши мумкин. Фойдаланмаган ҳисоб-китоб чеклари банка тақдим қилинганда банкнинг масъул ижрочиси аввало чекнинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни кўрсатувчи шахснинг паспорти билан текшириб кўради. Агар чек хақиқий ва шу паспорт эгасиники бўлса, чекни юз томонида қуидаги мазмундаги устхатни ёзади: «№ _____ ҳисобваракқа ўтказинг». Шундан сўнг ҳисоб-китоб чеки банкнинг бош бухгалтерига берилади, паспорт эса эгасига қайтарилади.

Банк бош бухгалтерининг рухсати асосида чекда кўрсатилган сумма банк бухгалтериясида чекда кўрсатилган ҳисобваракқа ўтказиб берилади.

7-§. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича банк назорати

Кўпгина ривожланган мамлакатларда банк тизимлари иқтисодиётнинг бошқа тизимларига нисбатан кучайтирилган назорат ва текширув обьектлари ҳисобланади, чунки тижорат банклари ўз мижозлари ҳисобланган давлат ташкилотлари, тижорат корхоналари ва хусусий шахсларнинг манфаатлари ҳимояланиши учун жавоб беради. Шу сабабли давлат Республика банк тизимининг барқарорлиги, бу барқарорлик хукуқий таъминланиши ва унинг ривожланишидан манфаатдордир. Республика иқтисодиётида давлат асосий ислоҳотчи бўлса, банк тизимида эса бу вазифа Республика Марказий банкига юклатилган. «Марказий банк тўғрисида»ги қонунининг, З-моддасида кўрсатилгандек, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири - Республика тўловларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлашдан иборатdir.

Марказий банк тежамкор тўловлар тизимини таъминлаш мақсадида миллий тўловлар тизимининг яқин келгусидаги истиқболлари ва ривожланиш стратегиясини белгилайди. Тўловлар тизими соҳасида бош молиявий мақсад, жойларда пул маблағларини хавфсиз ва самарали ўтказишдан иборат. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказишдаги тежамкорлик масаласи эса тўловлар тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан биридир.

Халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва 2002 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланди. «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низом фуқаролик кодекси. «Марказий банк тўғрисида»ги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида»ги Қонунлар ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси худудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг бир маромда кўлланилиши мамлакатнинг бутун иқтисодий маконида ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши устидан назорат Низомда кўрсатиб ўтилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш принципларнинг бажарилишини текширишдан бошланади. Корхона ва ташкилотларнинг пул маблағлари банкдаги депозитлар бўйича ҳисобварақларда сақлангани учун нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барчаси банклардаги ҳисобварақлардан ўтказилади, бу эса, корхона ва ташкилотларнинг кунлик фаолиятининг банк томонидан назорат қилиб туришга шароит яратади. Шу билан бирга хўжаликлар ва юқори ташкилотлар ўртасида ҳам ўзаро назоратни юзага келтиради.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигига хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти товар-пул муносабатлари ривожланиши шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар коидалари хўжалик органлари томонидан ҳисоб-китоб шаклларини эркин танлаш принциплардан келиб чиқади ва улар шартномаларда мустаҳкамланади. Хўжалик органларининг шартномавий муносабатларига банк аралашмайди. Хўжаликлар ўзаро ҳисоб-китобларда Низомда кўрсатилган истаган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклидан фойдаланишлари мумкин. Банк эса нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича назоратни нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли бўйича операцияларни амалга ошириш даврида олиб боради. Энг аввало, ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганини хамда ўз вақтида тақдим этилаётганлиги текширилади.

Ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилаётганда асосий эътибор ҳисоб-китоб ҳужжатларининг товарлилигини назорат қилишга қаратилади. Корхоналарнинг давлат тассаруфидан чиқарилаётган бир вақтда давлатга қарашли корхона ва ташкилотлардан бошқа мулкчилик шаклларига тегишли корхона ва ташкилотларга пул ўтказишни кучлироқ назорат қилишни давр тақозо этади. Шу мақсадда, давлат корхоналаридан хусусий корхоналар номига келиб тушган пул маблағлари аввал алоҳида ҳисобварақقا ўтказиб турилади, З кун ичida хусусий корхона раҳбарлари томонидан товар жўнатилгани, хизматлар бажарилгани

ҳақидаги ва бошқа керакли хужжатлар тақдим қилишлари лозим. Ушбу хужжатлар банкка тақдим қилингандан сўнг алоҳида ҳисобваракдаги пул маблағлари ўтказиши лозим бўлган ҳисобваракга ўтказилади. Агар товар жўнатилганлиги ҳақидаги хужжатлар банкка тақдим этилмаса, эгасига қайтарилади. Чунки, асоссиз ҳисоб-китоб хужжатларини тақдим қилиш тўлов тизимидағи жиддий қонунбузарчилик ҳисобланади, ҳамда корхона ва ташкилотларниң мавқеини ва молиявий фаолиятини издан чиқаради. Банк агар корхона ва ташкилотлар томонидан ноконуний ҳисоб-китоблар расмийлаштирилганлигини аниқласа, жарима ундириш ва бошқа чора-тадбирлардан ташқари корхона юқори ташкилоти ва хуқуқий органларни ҳам бу ҳақда хабардор қиласди.

Банк муассасалари корхона ва ташкилотларнинг ўзаро шартнома ва мажбуриятларининг бажарилиши устидан ҳам қисман бўлса-да, назорат қиласидилар. Лекин банк шартнома шартларининг бузилиш сабаблари, ёки келиб чиқиш сабабларини аниқлашга аралашмайди ва таҳлил этмайди. Шартнома шартларининг бажарилиши, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун корхона ва ташкилотлар раҳбарлари маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони алоҳида ўрин тутади. 1995 йил 12 майда чиқарилган ушбу Фармонга асосан, мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай корхона ёки ташкилот олинадиган маҳсулот қийматининг албатта 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорини олдиндан тўлаши керак. Бу жараён ҳам банк назорати орқали ўтади. Бундан ташқари, ҳар қандай корхона учун у жўнатган маҳсулот ёки кўрсатган хизматнинг тўлов пули 60 кун ичida банкка келиб тушмаса, бу сумма корхонанинг дебиторлик қарзи ҳисобланади. Бундай холга йўл қўйган корхона ҳамда бош бухгалтерлари маъмурий, зарур бўлган ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Республикада корхона ва ташкилотлар ўртасида тўлов интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир «ҳисоб-китоблар тизими ҳамда тўлов интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 24 январдаги Фармони чиқарилди. Фармонда корхона ва ташкилотлар томонидан 15 фоиздан кам бўлмаган аванс тўловлари тўланиши мажбурийлиги, тўлов топшириқномаларида қатъий равишда шартнома номери, тўлов тартиби; аванс тўловининг миқдори кўрсатилиши шарт қилиб белгиланди. Бундай Фармоннинг чиқарилишига асосий сабаб, ҳалқ хўжалигида ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларининг мавжудлигидир. Ўзбекистон да ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг юзага келиши объектив ва субъектив омилларга боғлещ булиб, у айрим ҳолларда хўжаликларни банкрот бўлишига олиб келмоқда ёки корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг қисқаришига, ишчи-хизматчилар иш хақининг ўз вақтида беролмай қолишига сабаб бўлмоқда. Умуман, дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг кўпайиши иқтисодиётда ночор ва қолоқ корхоналарнинг сонини ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бундай корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк рейтингини пасайтиради.

ҳозирги кунда республика иқтисодиёти олдида турган долзарб муаммолардан бири дебитор ва кредитор қарздорликлар занжирини ечишдир. Умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар устидан банк назоратини тўғри ташкил этиш нафақат банк ўз фаолиятини юритишида, балки бутун ҳалқ хўжалигидаги макроиктисодий даражадаги кўрсаткичларнинг холатига, уларнинг динамикасига таъсир кўрсатади, ҳалқ хўжалигидаги тўлов тизимини яхшилашга ёрдам беради.

Таянч иборалар

- Пул обороти
- Нақд пул обороти
- Нақдсиз пул обороти
- Товар операциялари
- Нотовар операциялари

Акцепт
Аккредитив
Инкассо
Талабнома
Топшириқнома
Акцептсиз түловлар
Акцепт муддати
Режали түловлар
Түлов топшириғи
Инкассо топшириғи
Хужжат реквизитлари
Хужжат нусхалари
Электрон хужжат
Дебет
Кредит
Депозит
Депозит ҳисобварақ
Нотүловлар
Реестр
Картотека
Хужжатлар айланиши
Схемаси
Кафолат

Такрорлаш учун саволлар

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойилларини санаб чиқинг?
3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг қайси меъёрий хужжати асосида ташкил этилади?
4. Түлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
5. Түлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзаллик ва камиликлари нимадан иборат?
6. Түлов топшириқномалари бўйича ҳисоб-китоблардаги бухгалтерия проводкаларини кўрсатинг?
7. Акцептнинг мазмуни ва турларининг тавсифини келтиринг?
8. Түлов талабномаси бўйича ҳисоб-китобларнинг афзаллик ва камчиликларини санаб ўтинг?
9. Түлов талабномаси бўйича операциялар ҳисобининг юритилиши кандай тартибда амалга оширилади?
10. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг мазмуни, камчилик ва афзалликлари нималардан иборат?
11. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг хужжатлар айланиш схемасини кўрсатинг?
12. Инкассо топшириғи бўйича ҳисоб-китобларнинг хусусиятини тушунтиринг? Тижорат банкларининг ҳисоб чеклари бўйича ҳисоб-китоблар кандай ташкил этилади?

4-БОБ. БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲИСОБИ ВА УЛАРНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

1-§. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва уларнинг ривожланиши

ҳозирги кунда республикамиз банк тизими ўз ичига бир неча турдаги банкларни олади. Булар акциядор, хусусий, қўшма, импотека ва давлат банклариdir. Бу тижорат банкларининг ҳар бири турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, муассасаларга ҳамда юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга хизмат қўсатади. Банклар томонидан ҳалқ ҳўжалигига хизмат қўрсатиш жараёнида банклараро муносабатлар вужудга келади. Банклараро муносабатлар банклараро ҳисоб-китоблар (оборотлар) орқали олиб борилади. Банклараро оборотларнинг мазмуни шундан иборатки, бир банк хизматидан фойдаланувчи корхонанинг талаб қилувчига сақланадиган ҳисобварағидан бошқа ҳисобварағига ҳужжатда қўрсатилган сумма бухгалтерия ёзувлари орқали ўтказилади.

Демак, бир - бирлари билан ҳисоб-китобларни юритувчи корхоналарининг ҳисобварақлари турли банкларда жойлашганлиги иккита банк ўртасидаги ҳисоб-китобларни юзага келтиради. Агар ўзаро алоқада бўлган корхоналарнинг ҳар иккиси битта банк хизматидан фойдалансалар, у ҳолда банклараро оборотлар вужудга келмайди. Унда пул ўтказиш операциялари бир банкнинг ўзида амалга оширилади.

Операцияларни бошлаган банкдаги оборотлар бошланғич банк оборотлари дейилади. Операцияларни тугалланган банкдаги оборотлар якуний оборотлар дейилади. ҳар бир бошланғич оборотга якуний оборот мос келиши шарт.

Республикамиз банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби бир неча марта ўзгартирилган.

Ўтган аср 80-йилларининг охири 90-йилларнинг бошларигача барча банклар давлат мулки бўлиб бир погонали банк тизими мавжуд эди. Банклараро ҳисоб-китобларни олиб бориш бевосита тўғридан-тўғри бир банқдан иккинчи банкка тўлов ҳужжатларини жўнатиш орқали олиб борилади. ҳужжатларни жўнатиш почта ёки телеграф орқали амалга оширилар эди. Бунинг учун бошқа банкка жўнатилиши лозим бўлган ҳужжатлар асосида «авизо», яъни огоҳнома тузилиб керакли банкка жўнатилар эди. Авизолар дебет ва кредит авизоларга бўлинарди. Бошланғич оборотлар 830 ҳисобварақда (жорий йилнинг бошланғич авизолари) якуний оборотлар 840 ҳисобварақда (жорий йилнинг якуний авизолари) олиб борилар эди. Банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоблаш марказида назорат қилинар эди.

90-йилларнинг бошларидан банклараро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун ҳисоб марказлари (расчетный центр) очилди. Бир йил ўтгандан сўнг уларнинг ўрнида клиринг марказлари ташкил этилди. Лекин уларнинг номи ўзгаргани билан функциялари бир хил эди, яъни улар банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил қиласар эдилар. Бир шаҳардаги ҳисоб-китобларни олиб бориш учун 871-ҳисоб рақами (бир шаҳар ичидаги банклараро ўзаро ҳисоб-китоблар) дан фойдаланилар эди. Турли шаҳарларда жойлашган банклар бир-бирларига вакиллик ҳисобварағи очиб ўзаро муносабатлари шу ҳисобварақлари орқали олиб борилар эди.

1995 йилда Марказий банк томонидан ҳалқ ҳўжалигига ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида барча ҳудудий Марказий банк бошқармалари қошида ҳисоб-марказлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Клиринг марказлари тутатилди. Почта орқали жўнатиладиган огоҳномалар ҳам бекор қилинди. Янги ҳисоб-китоб тизими «электрон почта» тўлов тизими жорий этилди.

2-§. Банклараро ҳисоб-китобларнинг ташкил этилиши, вакиллик ҳисобвараклари орқали банкларнинг муносабатлари

ҳозирги пайтда тижорат банклари ўртасидаги банклараро ҳисоб-китоблар Марказий банк орқали ўтказилади. Бунинг учун Марказий банк қошидаги ҳисоб-китоб марказларида алоҳида транзит ҳисобвараклари очилган.

Бундай транзит ҳисобвараклари тижорат банкларининг ҳеч бирида юритилмайди. Лекин тижорат банклари ўзларининг банклараро муносабатларини олиб бориш учун ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисоб-варағини очишлари лозим.

Тижорат банкининг вакиллик ҳисобвараги икки хил очилиши мумкин.

- ҳудудий бошқарма тижорат банкларининг барча бўлимлари учун марказий банк ҳудудий бош бошқармасида минтақа бўйича ягона вакиллик ҳисобвараги очади. ҳар бир бўлимга эса алоҳида субҳисобвараклари очилади;
- Тижорат банкининг ҳар бир бўлими учун алоҳида Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармасида вакиллик вараги очилади.

Вакиллик ҳисобвараги очилаётганда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси ўртасида вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади. Тижорат банки вакиллик ҳисобвараги очилишини расмийлаштириш учун ҳудудий бошқармага ҳисобварак очиш тўғрисидаги ариза, банк уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси, имзолар ва муҳр изи туширилган варакларининг нотариал тасдиқланган нусхаси ва бош банк аризаси ёки илтимосномаси тақдим этилади.

Вакиллик ҳисобвараги Марказий банк фармойишига кўра очилади. Вакиллик ҳисобвараклари номерини ва банк кодини Банк Депозитлари Миллий Ахборот Базаси (БДМАБ) белгилайди. Вакиллик ҳисобвараги очиш тўғрисидаги фармойиш тижорат банки ҳудудий бошқармаси ва бўлимига, унинг нусхаси Республика Марказий банкнинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига жўнатилади.

Шундай қилиб, банкнинг вакиллик ҳисобвараги бу-тижорат банкига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг ҳисоб - китоб марказларида очилган ҳисобварак бўлиб, у банклараро ҳисоб-китобларини ўтказишга мўжаллангандир.

Вакиллик ҳисобвараги ҳам бошқа ҳисобвараклар сингари 20 разряддан иборат. ҳисоб-китоб марказида вакиллик ҳисобвараклари тижаорт банкларига ҳамда ҳисоб-касса марказларига очилади. Бошқа банкларга очилган вакиллик ҳисобвараклари 21302- баланс ҳисобрақами бўйича, ҳисоб-касса марказларига очилган вакиллик ҳисобвараклари 21304 - баланс ҳисоб рақами орқали олиб борилади. Масалан: Парвина банкининг Тошкент шаҳар бўлими Тошкент ҳисоб-китоблар Марказида асосий вакиллик ҳисобварагини очган. Унинг БДМАБ томонидан берилган коди 00410. Парвина банки Тошкент шаҳар бўлимининг вакиллик ҳисобвараги номери қуидагича бўлади.

21302000K00000410001

бунда:

1. 21302 - «Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобваракларига тўлашга» деб номланган баланс ҳисобвараги номери.
2. 000 - валюта коди, бу 3 та ноль вакиллик ҳисобварагининг «сўм» да юритилишини билдиради.
3. К - назорат калити
4. 00000410 - банкнинг уникал коди. Парвина банки бўлимининг Тошкент шаҳар коди 00410 Лекин ҳар бир ҳисоб варакда уникал код учун 8 та рақам ажратилгани сабабли, бу код ноллар билан тўлдирилади.
5. 001 - ушбу банк ҳисобварагининг тартиб номери

Юқорида кўрсатилган вакиллик ҳисобвараги ҳисоб-китоблар марказида юритилиб ҲҚМ учун пассив ҳисобвараклардир. Маблағларнинг келиб тушиши ва ҳисобвараг қолдиги ҳисобваракининг кредит қисмida, маблағларнинг камайиши эса унинг дебет қисмida акс эттирилади. Барча тўловлар вакиллик ҳисобвараги қолдиги чегарасида амалга оширилади.

ҳар бир банкнинг ўзи ҳам вакиллик ҳисобварагини юритади. Бу ҳисобвақақ банк балансининг актив қисмидаги юритилиб, банкнинг ички вакиллик ҳисобвараги деб номланади. Ички вакиллик ҳисобвараги 10301 баланс ҳисобварагида юритилади. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб марказида очилган вакиллик ҳисобвараги ташки вакиллик ҳисобвараги деб юритилди. Тўловни амалга ошириш учун асосий мезон операцион куннинг бошида ички ва ташки вакиллик ҳисобвақларидағи оборотларнинг ва қолдик маблағларининг бир-бирига мос келиши ҳисобланади. Тўловнинг энг катта суммаси чекланмаган. ҳар куни эрталаб ҳисоб маркази томонидан берилган тижорат банки ҳисобварагидан қўчирмаси тижорат банки томонидан тасдиқлангандан сўнг, ушбу ҳисобвақақ бўйича янги кун операциялари бошланади.

Шундай қилиб, банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб маркази орқали ташкил этилади. ҳисоб-китоблар маркази - бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки худудий бош бошқармаларининг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб ва ҳисоб-китоблар бошқармасининг бўлими бўлиб, унинг функциясига банкларнинг вакиллик ҳисобвақларига хизмат кўрсатиш ва банклараро ҳисоб-китобларнинг узликсизлигини таъминлаш киради.

ҳисоб-китоб марказлари маълумотларини қабул қилиш, назорат ва узатишнинг автоматлашган тартибига эга бўлган тўлов тизимининг ишонччилиги ва хафсизлигини мустахкамлаш мақсадида ташкил этилган эди. ҳозирги кунда бу марказлар электрон тўловлар тизими асосида банклараро ҳисоб - китобларни олиб бормоқдалар.

3-§. Электрон тўлов тизимининг жорий этилиши

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиши билан банк тизимида бир қатор ўзгаришлари бўлиб ўтди. Икки погонали банк тизими пайдо булди. Тижорат банкларининг шохобчалари кенгайтирилди. Бундан ташқари, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг кўпайишига олиб келди. Шу муносабатлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида тезкорлик билан амалга ошириш учун янги автоматлаштирилган тизимни жорий этиш зарурати туғилди.

Илгари почта ёки телеграф орқали тўлов хужжатлари бир банкдан иккинчи банкка жўнатилганда тўловлар бир неча кунга, хатто 15-20 кунга чўзилиб кетар эди. Бундан ташқари, ноқонуний авизоларни жўнатиш ҳоллари ҳам кузатилган эди. Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида янги тўловлар тизимини жорий этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Вазирлар Махкамасининг 1994 йилнинг 18 марта даги 146-сонли «Банк тизимини ривожлантириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш чора-тадбирлари» хақидаги қарорида банклараро ҳисоб-китобларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Улар қуйидагилардир:

1. Компьютер марказларини жорий этиш;
2. Электрон почта тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. Ҳисоб ишларини автоматлаштириш;
4. Ноқонуний ҳисоб-китоб операцияларини ўтказишнинг олдини олиш;
5. Ноқонуний авизо-оѓоҳномаларни расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

Кўпгина тижорат банкларида банкнинг ҳисоб ишларини механизациялаш даражаси жуда паст эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклараро ҳисоб-китобларни электрон почта тизими орқали ташкил этишга қарор қилди. Электрон почта орқали тўловлар тизимининг техник жиҳатдан ўрнатишнинг унча қиммат эмаслиги, қисқа муддатда тадбиқ этилиши, кадрларни тез муддатларда ўқитилиши янги тизимнинг жорий этилишини тезлаштириди. Дастреб тажриба ўтказилди. 1994 йилнинг июль-октябрь ойларида Марказий банк томонидан программа ишлаб чиқилди ва шу йилнинг 1-октябрьдан эътиборан электрон почта тизимидан тажриба сифатида фойдаланила бошланди. Тажриба давомида уни ишлатиш бўйича ўзгаришлар киритилди. Дастреб тўловларни 2-4 кун ичida ўтказилишга эришилди.

Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида 1995 йил бошидан бошлаб ҳар бир вилоят Марказий банк қошида худудий ҳисоб марказларини ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир райондаги илгари фаолият кўрсатиб келган клиринг марказлари ёпилиб, уларнинг фаолияти тўхтатилди. Шу муносабат билан оддий почта авизолари бекор қилинди. Республика ичдаги барча ҳисоб-китоблар узоги билан икки кун ичida ўтказилиши белгилаб берилди. Шу тариқа электрон тўловлар тизими жорий этилди.

Электрон тўловлар тизими бу-умумдавлат тизими бўлиб, банклараро тўловларни ташкил этади ва у қоғосиз технологияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки электрон почта воситалари орқали ўтказилишига асослангандир. ҳозирги кунда электрон тўловлар тизими юқори ўтказиш имкониятига эга бўлиб, тўловларнинг республика миқёсида 15-20 дақиқа мобайнида ўтишини таъминлайди. Бир худуд, яъни вилоят ичida эса тўловлар 3-5 дақика ичida якунланади. Электрон тўловлар тизими қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни жадаллаштириш;
2. Узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини рухсатсиз ташқи дахл этишдан ҳимоя қилиш;
3. Банкларнинг вақтинча пул ресурсларидан самарали фойдаланиш;
4. Кредит ва хатарлилик даражасини бошқариш;
5. Тўлов операцияларини тартибга солувчи қонун ва қоидаларга риоя қилиш;

6. Тижорат банклари томонидан амалдаги қонунчиликка ва банк фаолияти мөъёрий хужжатларига риоя қилиниши бўйича Марказий банкнинг назорат ва кузатув функцияларини бажариш;

7. Маълумотлар базасини яратиш.

Электрон тўловларни ўтказишида инициатор ва бенифициар банклар иштирок этади. Инициатор банк бу-тўлов операцияларини бошловчи банк, бенифициар банк эса тўлов операцияларини якунловчи банкдир. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар электрон тўлов хужжатлари асосида амалга оширилади. Электрон тўлов ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган шаклда пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асл нусхаси асосида яратилган «электрон» белгили ҳужжат бўлиб, унинг асосий нусхаси ҳисобланади ва асл нусха кучига эга бўлади. Электрон тўловлар тизимида узатиш учун мўлжалланган ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги учун банк мижози жавобгар бўлади. Худудий ахборотлаштириш Марказига қайта ишлаш учун узатиладиган электрон тўлов ҳужжатларини ҳисоблаб ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ва уларнинг электрон файлларини шакллантирилиши тўғрилиги учун жавобгарлик инициатор-банкка, худудий ахборотлаштириш марказидан қабул қилинадиган тўлов ҳужжатлари учун жавобгарлик эса бенифициар банкка юклатилади. Электрон тўлов тизими бир қатор принциплар асосида фаолият қўрсатиб, улар куи дагил ар дир:

1. Тўловлар бўйича трансакцияни ўтказиш ташабbusи инициатор-банкка тегишли бўлади;

2. Тўловни амалга оширишдан олдин операцион куннинг бошида тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларидағи оборотлар ва қолдиқ маблағлари бир-бирига мувофиқлиги текширилади;

3. Амалга оширилган трансакция қайтарилмайди.

4. Тўловларнинг энг юқори суммаси чекланмаган

5. Тўловлар инициатор - банк томонидан вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиғи чегарасида тўланади. Ундан ортиқча маблағ сарфлаш овердрафт суммаси миқдорида амалга оширилиши мумкин.

Электрон тўловлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаш марказлари ва ҳисоб-китоб марказларидир. Электрон тўловлар тизимидан фойдаланувчилар ҳисоб-китоб касса марказлари ва тижорат банкларидир. Электрон тўловлар тизими иштирокчилари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тижорат банклари, ахборотлаш марказлари ва ҳисоб - китоб марказлари ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солиниб турилади.

Ҳар бир банк электрон тўловлар тизимиға кўшилиши учун аввало Республика Марказий банкida рўйхатга олинган ҳамда БДМАБ томонидан уникал код берилган бўлиши лозим. Шу билан бирга ушбу банк электрон тўловлар тизимиға чиқиш имкониятини берадиган тегишли дастурий мажмууга эга бўлиши лозим. Шундан сўнг, банк электрон тўловлар тизимиға улангунча Ахборатлаштириш бош маркази ходимлари ёрдамида маълумотларни қабул қилиш, узатиш бўйича бир неча синов тажрибаларини ўтказиш йўли билан банк тайёргарлигининг хафталиқ тажриба текшируви ўтказилади. Бундай тажриба текширув ишлари ижобий натижага олгунча давом эттирилади.

Тажриба тугагандан сўнг худудий Ахборатлаштириш марказида банкнинг электрон тўловлар тизимида ишлашга тайёр эканлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва банк электрон тўловлар тизимиға кўшилади.

4-§. Ҳисоб -китоб марказлари ишининг ташкил этилиши

Ҳисоб - китоб марказлари электрон тўлов тизимига уланган тижорат банклари билан белгиланган вақт давомида алоҳида тармоқ орқали ахборот алмашиш тартибида иш олиб боради. Электрон тўлов тизими бўйича иш куни бошланишидан банкларнинг ички ва ташки вакиллик ҳисобварақларининг қолдиқлари ва оборотлари қийматининг мослиги таҳлил қилингандан сўнг банкларга тизимда ишлашга рухсат этилади. Файлларни қабул қилиш қайта ишлаш ва назорат қилиш, жўнатиш автоматик режимда сеанслар бўйича амалга оширилади.

Банклардан келган ҳар бир электрон файл бир дақиқа интервал билан қайта ишлаб турилади. Келган ҳар бир файл ички назоратдан ўтказилади. Текширувдан муваффақиятли ўтган файл Ҳисоб-китоблар марказида қайта ишлашга рухсат этилади. Келиб тушган тўлов турига караб ҲҚМда бухгалтерия проводкалари амалга оширилади. Лекин текширув жараёнида бирор бир ёзувда хато чиқса ҳам файл тўлиғича банкка қайтарилади.

Ҳисоб-китоб марказида банклараро оборотларни ўтказиш учун бир қатор ҳисобварақлар юритилади. Энг кўп ишлатиладиган ҳисобварақлар ҳисоб - китоблар маркази балансининг актив қисмидаги 17400 ва баланснинг пассив қисмидаги жойлашган 27400 ҳисобварақларидир. Бу иккала ҳисобварақлар транзит ҳисобварақлар бўлиб, 17400 ҳисобварақ олинадиган банклараро оборотларни, 27400 ҳисобварақ тўланадиган банклараро оборотларни ҳисобга олиш учун ишлатилади. 17400 ва 27400 ҳисобварақлар асосий ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг ҳар бири бир нечтадан субҳисобварақларни ўз ичига олади. Улар ҳақида қўйида тўхталиб ўтамиш.

Ҳисоб-китоблар марказидан ўтадиган барча тўловлар ҳудуд ичидаи ва ҳудудлараро тўловларга бўлинади.

Тўловларнинг ҳар бир бўлимини алоҳида кўриб чиқамиз

а) Ҳудуд ичидаи банклараро ҳисоб-китоблар ҳисоби

Бир ҳудуд ичида банклараро ҳисоб китоблар - бу бир ҳисоб китоб марказида очилган вакиллик ҳисобварағига эга бўлган банклар орасидаги ҳисоб-китоблардир. Ҳудуд ичидаи банклараро ҳисоб-китобларни ўтказиш учун 27416 баланс ҳисобварағи ажратилган. 27416 ҳисобварағининг номи «Бир ҳисоб китоблар Маркази ичидаи ўзаро ҳисоб китоблар»дир. Бир ҳисоб-китоб марказида хизмат кўрсатадиган банкларнинг барча электрон тўлов ҳужжатлари 27416 - баланс ҳисобварағида ҳамда тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади. Тижорат банкларидан электрон ҳужжатларни қабул қилиб олган ҳисоб-китоб маркази уларни банклар бўйича саралайди. Бу ҳужжатларнинг ўзи алоҳида дебет ва кредит ҳужжатларига бўлинади. Шундан кейин дебет ҳужжатлари бўйича алоҳида, кредит ҳужжатлари бўйича алоҳида бухгалтерия ёзувлари ўтказилади. Дебет ҳужжатлари бўйича дастлаб қўйидаги проводка ўтказилади.

Дебет 27416

Кредит 21302 ТБ «А»

Бир вақтнинг ўзида қўйидаги жавоб проводкаси ўтказилади.

Дебет 21302 ТБ «Б»

Кредит 27416

Бу икки ёзув орқали биз 27416 ҳисобварағининг транзит ҳисоб варақ эканлиги ва бир вақтнинг ўзида ёпилишини кўришимиз мумкин.

Ҳисоб-китоб Марказларига тижорат банкларига тушадиган ҳужжатларнинг асосий қисми кредит ҳужжатларидир. Кредит ҳужжатлари бўйича ҳам ҳисоб-китоб Маказларида бухгалтерия ёзувлари ўтказилиб улар қўйидагилардир.

Бир тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағида пул маблағларининг кўпайиши бўйича:

Дебет 21302 ТБ «А»

Кредит 27416

Иккинчи тижорат банкининг вакиллик ҳисобварагида пул маблағларининг камайиши бўйича:

Дебет 27416

Кредит 21302 «Б»

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварагидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ва вакиллик ҳисобварагига маблағларни ўтказиш ҳар бир келиб тушган ёзувнинг қайта ишлаш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади, шунинг учун барча тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида 27416 ҳисобварагининг ҳам дебети ҳам кредити бўйича акс эттирилади.

Бу ҳол ҳар бир операция бўйича ва мос равища кун якунлари бўйича 27416 - ҳисобварагининг автоматик равища ёпилишига олиб келади, яъни ҳисоб варак қолдиги нольга teng бўлади 27416-ҳисоб рақамининг 0 га ёпилиши бир ҳисоб-китоблар Марказига қарашли тижорат банклари ўртасида ҳисоб китобларнинг муваффақиятли якунланганлигини кўрсатади.

Бир худуд ичидаги барча тўловлар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобвараги бўйича чиқариладиган кўчирмаларда 27416 - шахсий жавоб варакда ва худуд ичидаги ўтказмалар журналида акс эттирилади. Уларни кун охирида мажбурий тартибда берилади. худуд ичидаги банклараро ҳисоб китоблар таққосланмайди, лёкин улар бўйича ҳисоб тузиб борилади. Марказий банкка бериладиган ҳисботот учун худуд ичидаги тўловлар бўйича 606 - шаклдаги тузилган ҳисботот Тошкент шаҳри ахборатлаштириш бош марказига топширилади. Унда кун бўйича ҳисоб-китоб марказидан ўтадиган худуд ичидаги дебет ва кредит оборотларининг умумий суммаси ва сони кўрсатилади.

Б) худудлараро ҳисоб - китоблар ҳисоби

Банклараро ҳисоб-китоблар бир вилоят ичидаги ҳисоб - китоблар маркази орқали амалга оширилиб қолмай вилоят ташқарисига ҳам чиқиши мумкин. Бунда банклараро ҳисоб-китоблар вилоят Марказий банки бошқармалари қошида очилган ҳисоб-китоб марказлари орқали ўтказилади.

Турли ҳисоб-китоблар марказида вакиллик ҳисобварагига эга бўлган банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар худудлараро ҳисоб-китоблар деб юритилади.

Худудлараро ҳисоб-китобларда ҳисоб-китоблар марказларидан ўтадиган барча электрон тўловларнинг филиаллараро оборотлари ҳисоб-китоблар марказларида очиладиган куйидаги ҳисобваракларида акс эттирилади.

27402-жорий куннинг бошлангич авизоси

17405 - жорий куннинг жавоб авизоси

17409 - жорий куннинг таққосланган авизоси

27414- таққосланмаган кредит авизоси

Ҳар бир тижорат банкидан келиб тушган барча электрон тўлов ҳужжатлари асосида ҳисоб-китоблар марказида дебет ва кредит электрон авизолар шаклланади. Ҳудудлараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ҳам бухгалтерия ёзувлари алоҳида кредит ва дебет, алоҳида кредит электрон авизолар бўйича дастурий йўл билан амалга оширилади. Ҳудудлараро банклараро тўловларни бир ҳисоб-китоб маркази бошлаб беради, иккинчи ҳисоб маркази эса уларни қабул қиласи, яъни операцияларни якунлайди. Операцияларни бошлаб берувчи ҳисоб-китоблар марказида қуидаги бухгалтерия ёзувлари ўтказилади:

Дебет 21302 ТБ «А»

Кредит 27402

Тушуниш осон бўлиши учун кредит авизолари бўйича операцияларни келтирамиз. Юқоридаги бухгалтерия ёзуви ҳам кредит авизолари бўйичадир. Бу бухгалтерия ёзуви

биринчи ҳисоб-китоблар марказида тўловчи тижорат банкининг ҳисобварагидан пул камайтирилиб куннинг бошланғич авизоси ҳисобварагига ўтказилгани ва бошланғич банкларо оборотлар бажарилганлигини билдиради.

Ҳисоб-китоблар марказида бошқа (биринчи) ҳисоб-китоблар марказининг тижорат банкидан олинган электрон авизолар бўйича дастурий усулда қўйидаги жавоб бухгалтерия ёзуви ўтказилади.

Дебет 17405 Кредит
21302 ТБ «Б»

Бу бухгалтерия ёзуви биринчи ҳисоб-китоблар Марказидан келган электрон авизога жавобан, электрон пулларни жорий куннинг жавоб авизоси ҳисобвараги орқали «Б» тижорат банкининг вакиллик ҳисобварагига ўтказилганлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, бир ҳисоб-китоб маркази бошлаган банкларо операцияси иккинчи ҳисоб-китоб марказида якунланади.

Барча ҳудудлараро ҳисоб-китоблар тижорат банкининг вакиллик ҳисобвағларида ва 17405, 27402 - баланс ҳисобваракларининг шахсий ҳисобваракларида акс эттирилади. Ҳисоб-китоблар Марказидан жўнатилган электрон тўлов ҳужжатлари асосида «Худудлараро ҳисоб-китоблар бўйича жўнатилган ҳужжатларнинг электрон авизолари рўйхати ва 606 -шаклдаги ҳисобот тузилади. Олинган электрон авизолар бўйича эса «Худудлараро олинган ҳисоб-китоблар бўйича олинган электрон авизолар рўйхати» тузилади.

Ҳисоб-китоб марказларида яратилган (яъни тижорат банкларидан олинган ҳужжатлар асосида шакллантирилган) дебет ва кредит авизолар асосида ҳар куни 606 шаклдаги ҳисобот шаклланади. Ҳудуд ичида ва ҳудудлараро тўловлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам ҳисобот тузилади, лекин бу ҳисобот шакли кунлик айланмаси ноль ҳолида тузилади. Бунда айланмалар йил бошидан бошлаб ҳисоботда акс эттирилади.

Ҳудудлараро ҳисоб-китоблар бўйича 606 - ҳисобот шакли тизими вақти қатъий чегараланган, чунки бундай ҳисоб-китоблар бўйича таққослаш операциялари ўтказилади. Таққослаш учун ўз вақтида олинган маълумотлар асосида электрон табуляграммма тузиш лозим бўлади.

Тузилган ҳисобот компьютер экранига чиқарилади, сўнгра маълумот тарзида қозогза босиб чиқарилади. У рўйхат билан ёки ҳудудлараро тўловлар ва 27402 ҳисоб рақамининг шахсий ҳисобвараклари билан филиаллар ҳисобваракаларининг ҳисобваракларини ёзиш бўйича бухгалтерия ёзувларини ҳисобга олмаган ҳолда таққосланади. Тузилган ҳисобот Ахборатлаштириш Марказига берилади. Бу ерда ҳисобот текширувдан ўтказилади ва берилган ҳисобот бўйича тасдиқ файли тузилади ҳамда ҳисоб-китоблар марказига жўнатилади. Тасдиқ файлини олгандан сўнг ҳисоб-китоб марказларида улар қайта ишланади. Қайта ишлаш жараёнида хатолар топилиши мумкин, бундай ҳолларда ҳисобот хатоларни тузатган ҳолда қайта тузилади ва Ахборотлаш бош марказига юборилади.

Умуман, ҳисобот давридаги ахборотлар жорий кун учун 27402 - ҳисоб рақам бўйича куннинг охиридаги қолдиққа teng бўлиши шарт. Йил бошидан ҳисобланган оборотлар йил бошидан бошлаб 27402-ҳисоб рақам бўйича соф оборотларга teng бўлиши лозим

Ҳисоб-китоблар марказидан 606 ҳисобот ва электрон авизоси билан олинадиган файллар Ахборотлаш бош марказида «филиаллараро оборотлар текшируви» бўйича кейинги босқичда қайта ишланади. Бундай текширувни ўтказишдан мақсад «таққослаш» вазифасини бажариш учун электрон табуляграммаларни шакллантиришdir.

Электрон тўловлар тизимида ҳудудлараро ҳисоб-китобларни амалга оширилишини назорат қилиш учун ҳар бир ҳисоб-китоблар марказида таққослаш вазифаси ўрнатилган. Таққослаш вазифасининг мөҳияти кун давомида Ахборотлаштириш бош марказидан олинган электрон табуляграммаларни барча жавоб электрон авизолар билан солишишишdir. Ушбу вазифа ҳисоб-китоблар маркази амалиёт куннинг бажарилиши шарт бўлган якуний босқич бўлиб ҳисобланади. Ахборотлаштириш бош марказидан табуляграммалар олингандан сўнг

хисоб-китоблар марказида «таққослаш» вазифасини амалга ошириш бошланади. Бу вазифани бажариш жараёнида табуляграммалар тўплами ва кун давомида ҳисоб-китоблар марказидан ўтган жавоб авизолар тўпламининг маълумотлари қуйидаги асосий белгилар бўйича таққосланади.

- «А» банкнинг коди
- «Б» банкнинг коди
- мижозлар ҳисобвараклари номери
- авизо рақами, санаси, суммаси

Таққослаш натижалари бўйича филиалларо ҳисобваракларининг ёпилиши билан якунланадиган ҳисоб-китоблар марказининг ҳисобвараклари бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмалари бажарилади. Юқорида кредит авизоларни мисол қилганимиз учун кредит авизолар бўйича ўтказмаларни кўриб чиқамиз. Таққосланган авизолар учун ҳисоб-китоблар марказида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари кайд этилади.

Дебет 17409
Кредит 17405

Жавоб электрон авизолар рўйхатда топилмаса ёки икки белги бўйича қиёсланмаса, бундай авизолар таққосланмаган авизолар бўлиб ҳисобланади. Таққосланмаган кредит авизолар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади.

Дебет 17409
Кредит 27414

Таққослаш вазифасини ҳал ҳилиш жараёнининг охирги босқичида филиалларо оборотлар ҳисобваракларини ёпиш автоматик тарзда амалга оширилади. Филиалларо оборотлар бўйича ҳисобвараклари фақат Тошкент ҳисоб-китоб марказида очилган 27418 транзит ҳисобвараклари орқали ўтказмалар асосида ёпилади.

Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказида барча ҳудудий ҳисоб-китоб марказларидан филиалларо оборотлар ҳисоб-варакларини ёпиш тўғрисида электрон авизолар олингандан сўнг дастурий тарзда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Дебет 17405
Кредит 27418

Дебет 27418
Кредит 17405

606-шаклдаги ҳисобот барча ҳисоб-китоблар марказларидан ўз вақтида олинса ҳамда Тошкент шаҳар ҳисоб-китоблар марказига филиалларо оборотлар ҳисобваракларини ёпиш бўйича электрон авизо юборилса, амалга оширилган ўтказмалар натижасида 27418- ҳисоб рақам ҳар куни 0 га ёпилади. Бу Республика бўйича олинган операцион кун бўйича ҳудудларо барча ҳисоб-китоблар тўғри якунланганлигини кўрсатади.

Таянч иборалар

Банклараро ҳисоб-китоблар
Авиzo
Бошланғич банклараро оборотлар
Якуний банклараро оборотлар
Ҳисоб-китоб маркази
Клиринг маркази
Электрон тўловлар
Электрон почта
Электрон тўловлар тизими
Бош ахборотлаш маркази
Инициатор банк
Бенифициар банк
Транзит ҳисобварақлар
Трансакция
Файл
Овердрафт
Электрон тўлов ҳужжати
Операциялар коди
Банк коди
Уникал код

Такрорлаш учун саволлар

1. Банклараро ҳисоб-китобларнинг мазмуни ва аҳамияти нимадан иборат?
2. Бошланғич ва якуний банклараро оборотларнинг мазмунини тушунтириб беринг.
3. 90-йиллардан олдинги даврдаги банклараро ҳисоб-китоблар қандай тарзда ташкил этилган?
 4. ҳисоб-китоблар Марказлари фоалияти нимадан иборат?
 5. Электрон тўловлар тизимини жорий этилишининг сабабларини санаб ўтинг.
 6. Электрон почтанинг ишлаш принципларини санаб ўтинг.
 7. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақларининг мазмуни ва уларнинг номерланишини тушунтиринг.
 8. Вакиллик ҳисобварақларини очиш тартиби қандай?
 9. Бир ҳисоб-китоб марказига қарашли банклараро ҳисоб-китоблар қандай ташкил этилади?
10. Турли ҳисоб-китоб марказига қарашли банклараро ҳисоб-китоблар қандай ташкил этилади?

5-БОБ БАНКЛАРНИНГ КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

1-§. Банкларда касса ишларининг ташкил этилиши

Пул обороти нақд пул обороти ҳамда нақдсиз пул оборотини ўз ичига олади.

Нақд пулсиз пул обороти бутун пул оборотининг 80-90%-ини ташкил этади. Нақд пулсиз пул обороти асосан корхона ва ташкилотлар, улар билан солиқ назорати, сугурта, пенсия ва бошқа фонdlар билан бўладиган ҳисоб китобларида ўз аксини топади. Аҳоли ва турли корхона ва ташкилотлар, аҳоли гурухлари ўртасидаги ҳисоб-китоблар нақд пул ёрдамида амалга оширилади. Масалан, аҳолига иш ҳақи, нафақа, мукофот, гонорар, хизмат сафари харажатлари тўлашда ва, аксинча, аҳоли томонидан савдо ташкилотлари, майший хизмат, маданий оқартув ташкилотлари, дехқон бозори, озиқ-овқат ва кийим-кечак бозорида аҳоли гурухлари ўртасидаги алоқаларда нақд пул иштирок этади.

Биз «Корхона ва ташкилотлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар» бобида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмуни, уларни ташкил этиш қонун-қоидалари, бу операцияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштиришни кўриб чиқсан эдик. «Касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш» мавзуусида касса ишларининг тижорат банкларида ташкил этилиши, кассанинг кирим ва чиқим операциялари, уларни ҳисобга олишини кўриб чиқамиз.

ҳар бир тижорат банкида корхона ва ташкилотларга касса хизматини кўрсатиш учун бир қанча кассалар ташкил этилади, яъни банк муассасаси ўз таркибида таркибий бўлинма-касса операциялари бўлимига эга. Касса операциялари бўлимида бажариладиган кирим ва чиқим касса операциялари «Ўзбекистон республикаси банк муассасаларида эмиссия-касса иши, пул тушумини инкасация қилиш ва бойликларни ташишга доир» Марказий банкнинг 23-сонли йўриқномаси асосида ташкил этилади.

Пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида қўйидаги кассалар ташкил этилади. Кирим кассаси, чиқим кассаси, кирим-чиқим кассаси, майдалаб бериш кассаси, катъий ҳисобда турадиган бланкаларни бериш кассаси, кечки кассалар ташкил этилади. Кўрсатиб ўтилган кассалар касса операциялари ҳажми ва касса ходимларининг белгиланган штатидан келиб чиқсан ҳолда банк муассасаси фармойишига биноан ташкил этилади. Йирик банк муассасаларида касса операциялари бўлимини бойликлар билан ишлашдан озод этилган ходим, яъни касса операциялари бўлимининг бошлиғи бошқариши лозим. У касса аппарати иши устидан назорат ўрнатади ва унинг ишига раҳбарлик қиласи ҳамда касса ишини тўғри ташкил қилиш, банк муассасасидаги барча бойликларнинг ишончли ва тўлиқ сақланиш учун раҳбар билан тенг даражада жавоб беради.

Касса операциялари бўлиmlарининг бошлиқлари эгаллаб турган лавозимларига Марказий банк ва тижорат банкларнинг вилоят бошқармаларида тайинланадилар, тасдиқланадилар ва ундан озод этиладилар. Бўлим бошлиғи ёки касса мудири лавозимига банк тизимида камида 3 йил ишлаган шахслар тайинланади.

Банк муассасаларининг раҳбарлари кассалар ва пул омборларида бойликлар билан ишлашнинг белгиланган қоидаларини таъминловчи зарур шарт-шароитларни таъминлашлари лозим. Банклардаги касса тармоқлари «Касса тармоқларини лойиҳалаштириш ва ўрнатишнинг техниковий талаблари»га мувофиқ ҳолда жиҳозланади, уни бошқа хизматлардан ажратиб қўйиш ва қоидага кўра, бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши лозим.

Бегона шахсларнинг пул омборлари жойлашган жойни кузатишлари ва ўрганишлари учун ҳеч қандай имконият бўлмаслиги керак. Касса биносининг эшиклари кун бўйи ичкаридан беркитилган бўлиши лозим. Эшикларга ташқарини кўриш учун кичкина маҳсус ойнача ўрнатилган бўлиш керак. Касса тармоғининг барча деразалари кечки пайт пардалар билан тўсилган бўлиш шарт.

Операция кассаси ҳар бир кассирнинг иш жойи кабина ўрнатиш орқали ажратиб кўйилиши лозим. Бундай ҳолда бойликлар сақланиши устидан масъул бўлган шахсларга кассирлар ишини кузатиб туришига имкон туғилади.

Кассирлар столида қулфланадиган тортмалар бўлиши керак, унинг код номерини фақат кассирлар билиши керак. Кассирлар кун давомида бойликларни сақлаш учун сейфлар, металл шкафлар, бойликларни ташиш учун аравачалар билан таъминланиши лозим. Мижозларга хизмат кўрсатиладиган дарчаларга ичкари томонидан қулфланадиган эшикчалар ўрнатилиши лозим.

Кассирларнинг ўз пуллари, устки кийимлари ҳамда шахсий нарсалари касса тармоғида, бироқ касса хонасидан ташқарида ўрнатилган шкафларда ёки маҳсус ажратилган хоналарда сақланиши лозим.

Операция кассаларининг кассирлари кирим ва чиқим касса хужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган ҳисоб-касса ходимларининг имзолари намуналари билан, кирим-чиқим касса операцияларини расмийлаштириш билан шуғулланадиган ҳисоб-операция ходимлари эса кассирлар имзосининг намуналари билан таъминланиши керак. Имзолар намуналарини, тегишли ходимларга ўз вақтида бериш ва улар бекор қилингач қайтариб олиш устидан назоратни банк муассасасининг бош бухгалтери амалга оширади. Рўйхатлар ҳар иили 1 январь ҳолатига кўра янгиланиб турилади.

Умуман, банкларда кассанинг кирим ва чиқим операцияларини ташкил қилиш учун янги ҳисобвараклар режасининг «Активлар бўлимида бир нечта ҳисобвараклар очилган. Илгари касса операциялари I тартибли 03 ҳисобваракда олиб олиб борилар эди. 03 ҳисобвараги ўз ичига бир нечта иккинчи тартибли ҳисобваракларни олар эди.

- 30 - Марказий банк кассаси
- 31 - Тижорат банк кассаси
- 32 - Йўлдаги пуллар

Ҳозирги янги ҳисобвараклар режасида «нақд пуллар ва касса хужжатлари» 10100 асосий ҳисобварагида касса операцияларининг ҳисоби олиб борилади. Бу асосий ҳисобварак бўйича бир нечта ёрдамчи ҳисобварак - субсчет очилган:

10101 - кассадаги пуллар; 10109-пулдаги нақд пуллар. ҳар иккала ҳисобварак ҳам мазмун жиҳатидан активдир, уларда қолдиқ ва маблағларнинг кўпайиши дебет томонида, маблағларнинг камайиши эса ҳисобваракнинг кредит томонида акс эттирилади.

2-§. Кирим касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш

Нақд пулни операция куни мобайнида қабул қилиш учун банк муассасаларида кирим кассалари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлардан тушадиган нақд пул тушумини, турли нақд пул кўринишидаги бадаллар, фуқароларнинг нақд пул омонатлари, иш ҳақига олинган пул маблағларининг тарқатилмай қолган қисми каби тўловларни нақд пул кўринишида банк касса ходими томонидан қабул қилинишига кассанинг кирим операциялари деб айтилади. Банк томонидан нақд пул қўйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

а) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан 0402001 шаклдаги бадалнома (объявление)лар бўйича квитанциялар бериш билан, фуқаролар омонатга пул қўйганларида омонат дафтарчасига шу тўғрида ёзиб қўйилади, дафтарча кўрсатилмаган тақдирда пул қўювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади.

б) Транспорт корхоналари ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги нақд пул бадалномалари бўйича 0402003 шаклдаги квитанция бериш билан;

в) Хайрия фондларига ўтказилувчи нақд пулли бадаллар 0402001 шаклдаги бадалномалар (объявление) бўйича 0402004 шаклдаги квитанциялар бериш билан 0402001 шаклдаги бадалномалар масъул ижрочининг имзосидан ташқари назоратчининг имзоси бўлиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарга қайд этилиши лозим.

г) Бошқа барча тушумлар 0482005 шаклдаги кирим касса ордерлар бўйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериш орқали қабул қилинади.

Энди кирим касса операцияларини бажариш тартиби ҳақида батафсил танишиб чиқамиз. Кирим касса операцияларини бажаришдаги асосий ҳужжат бу бадалнома, яъни пул топширганлик ҳақидаги эълондир. Пул топширишдан аввал мижоз томонидан ушбу бадалнома расмийлаштирилади. Бадалноманинг ўзи З қисмдан иборат:

1. Бадалноманинг ўзи.
2. Ордер.
3. Квитанция.

Хужжатнинг учала қисмida ҳам бир хил кўрсаткичлар тўлдирилиши шарт. Яъни ҳужжат расмийлаштирилган сана, мижоз корхона номи, унинг ҳисоб-китоб, яъни талаб қилиб олинадиган депозитлар ҳисобвараги номери, операция мазмуни, яъни нима мақсадда пул топширилаётганлиги, пул топшираётган шахснинг фамилияси, исми пул суммаси тўлиқ кўрсатилиши ва имзо қўйиш керак. Бадалноманинг номерини эса уни қабул қилаётган масъул банк ходими банкка келиб тушаётган бадалномаларни қайд этиш тартибида белгилайди. Бадалномани қабул қилиш банкда асосан назоратчига юклатилади. Баъзи банкларда, уларнинг ички тартибидан келиб чиқсан ҳолда бу вазифа шу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи томонидан ёки бош бухгалтер ёрдамчиси томонидан бажарилади.

Хужжатни қабул қилиб олган банк ходими, уни учала қисмининг бир хил, тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини текшириб чиқади, агар операция ўтказиш мумкин деб топса, ҳужжатнинг барча қисмларига ўз имзосини қўйиб, ушбу ҳужжатни кассанинг кирим журналига қайд этади. Кирим касса журнали банкда юритиладиган синтетик ҳисоб юритиш ҳужжати бўлиб ҳисобланади, ҳар бир мижоздан қабул қилинган бадалнома кетма-кет тартибда қайд этиб борилади. Кассанинг кирим журналида уни расмийлаштирилаётган сана, бадалнома номери, пул топширган корхонанинг ҳисобвараги номери, топширилиши лозим бўлган пул суммаси ва нима мақсадда пул топширилаётганлиги, яъни ҳисбот символи кўрсатилади. Шундан сўнг қабул қилиб олинган бадалномалар кассанинг кирим журнали билан биргаликда ички тартибда касса бўлимига узатилиди. Пул қабул қилиш учун банкда кирим кассалари бўлиб, ҳужжатлар айнан шу касса кассирига берилади. Кирим касса кассири пул топширувчи мижозни чақириб, ундан пул қабул қилиб олади. қабул қилиб олинган пул кассир томонидан қайта санаб чиқилади.

Кассирнинг столи устида пул қўювчидан қабул қилиб олинаётган пулдан бошқа ҳеч қандай пул бўлмаслиги керак. Кассир илгари қабул қилиб олган барча пуллар стол тортмасида металл шкафларда ёки сейфларда сақланиши лозим. Кирим касса кассирининг столи шундай жиҳозланган бўлиши керакки, унга мижозга пулнинг қайдада сақланадиганлигини кузатиб туришга имкон бўлиши керак. Пулни қабул қилиб олгандан кейин кассир квитанция ва кирим касса хужжатларида ордер, бадалнома, кирим, касса журнали. Кўрсатилган суммани саналганда чиқсан сумма билан қиёслайди. Улар бир-бирига мос келса, кассир квитанцияга бадалномага ва унга тегишли бўлган ордерга имзо қўяди, квитанцияга банк муҳрини босиб пул топширган шахсга қайтариб беради. Бу квитанция мижозга ундан пулни қабул қилиб олганлик ҳақидаги тасдиқловчи хужжат бўлиб ҳисобланади. Бадалномаларни ўзида олиб қолиб, бадалномага тегишли бўлган ордерни кассанинг кирим журнали билан биргаликда яна банк назоратчисига қайтаради. Лекин, баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, мижоз топширган пул суммаса кирим касса хужжатларида кўрсатилган сумма билан тўғри келмаслиги мумкин. Топширувчи берган накд пул суммаси билан кирим касса хужжатида кўрсатилган сумма ўзаро мос келмаса, топширувчига хужжатни қайта расмийлаштириб келиш таклиф этилади. Кассир дастлабки хужжатнинг устидан чизик тортади ва шу хужжат квитанциясининг орқа томонига амалда қабул қилиб олинган пул суммасини ёзib , квитанцияга имзо чекади. Бадалнома, ордер ва квитанция операция ходими ёки банк назоратчисига берилади, касса журналида дастлаб ёзилган суммани ўчириб, бадалнинг янги суммасини ёзib қўяди, шундан сўнг, янгидан олинган хужжатларни расмийлаштириб, яна кассага жўнатади. Квитанциялар 23-йуриқноманинг 47-бандида кўрсатилган тартибда сақланади.

Агар мижоз банк кассасига пул топширмаган бўлса, кассир бунинг сабабини аниқлаш учун кирим хужжатларни квитанциялар билан бирга операция ходимларига қайтаради. Аниқлангандан кейин квитанцияларда қандай сабабларга кўра пул топширилмагани кўрсатилиб, банк муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери имзо чекади. Бундай ҳолларда касса дафтарларидаги ёзувлар ўчирилади, кирим хужжатлари йўқ қилинади.

Кассирлар ўзлари қабул қилган ва топширган пул суммаларини 0482155 шаклдаги алоҳида дафтарга қайд этиб борадилар. Операция кун охирида кирим кассасининг ҳар бир ходими, яъни кассири қабул қилинган хужжатлар асосида 0482109 шаклдаги маълумотномани тузади ва ундаги суммани ўзи қабул қилган пул суммаси билан қиёслайди. Маълумотномани кассир имзолайди ва унда кўрсатилган касса оборотларини операция ходимларидаги касса журналларида ёзувлар билан солиштиради. Бу қиёслаш касса журналида кассирнинг ва кассир маълумотномасида операция ходимларининг имзолари билан расмийлаштирилади.

Операция куни мобайнида қабул қилинган пулни кассир белгиланган тартибда дасталайди ҳамда кирим хужжатлари ва 0482109 шаклдаги маълумотнома билан бирга касса мудирига 0482155 шаклдаги дафтарга имзо чекилгандан сўнг топширади. Касса мудири эса, қабул қилинган пул суммасини кассирнинг маълумотномаси билан қиёслайди, қабул қилинган суммани 0482155 - шаклдаги дафтарга ёзib қўяди, маълумотномага имзо чекиб, уни бош бухгалтерга беради. Маълумотнома текширилгандан сўнг бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланиб, шу куннинг касса хужжатларига тикиб қўйилади.

Кирим кассаларига тушган пуллар касса мудирига операция куни мобайнида бир неча марта берилиши мумкин. Бундай ҳолларда кассир пул беришидан аввал амалда тушган пул у қабул қилинган кирим хужжатларидаги умумий суммага мос келишига ишонч ҳосил қилиши керак. Операция куни тугашга қадар барча нақд пул шу иш кунининг ўзидаёқ оборот кассасига кирим қилиниши ва банк муассасининг бугалтерия баланси бўйича тегишли ҳисобварақга ўтказилиши керак. Демак, куннинг охирида кассанинг кирим операциялари бўйича қуйидаги бугалтерия ёзувлари амалга оширилади. Яъни бу ҳолда банк кассаси билан бирга пул топширган корхона счётида ҳам топширган суммада маблағ ортади.

Дт 10101-банк кассасидаги нақд пуллар,
Кт 20200-талаб қилиб олинадиган депозитлар

Агар пул топширувчи корхона хусусий корхона бўлса, у ҳолда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади.

Дт 10101-Касса
Кт 20208-талаб қилиб олинадиган хусусий корхона депозити.

Бу бугалтерия ёзувларидан шуни қўриш мумкинки, бир томондан банк кассасидаги нақд пуллар, иккинчи томондан корхона депозит ҳисобварағидаги пул маблағлари кўпайяпти, бу ҳисобварақларнинг бири актив, иккинчиси эса пассив, шунинг учун банк балансининг ҳар иккала, яъни актив ҳамда пассив томони бир хил суммага ортади. Умумий қилиб, кассанинг кирим операциялари бўйича ҳужжатлар айланишини қуйидаги схемада қўриш мумкин:

6-схема

Кирим касса операциялари бўйича ҳужжатлар
айланиши схемаси

Nazoratchi

мижоз	банк ҳисоблаш			
	масъул			
		маркази		ижрочи
		кассир		

1. Мижоз назоратчига пул топширганлик ҳақида бадалномани топширади.
2. Назоратчи бадалномани текширгандан сўнг уни кирим касса журналида қайд қиласди ва кассирга топширади.
3. Мижоз кассирга нақд пул топширади.
4. Кассир ҳам икки ҳужжатни текшириб, улар да кўрсатилган суммани мижоздан олган пул миқдори билан солиштиради ва квитанцияни мижозга қайтаради.
5. Барча ҳужжатлар банкнинг ҳисоб марказига топширилади, банкнинг кирим касса операциялари бўйича ҳисоблаш марказида бухгалтерия ёзувлари бажарилади.

3-§. Кассанинг чиқим операциялари, уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши

Тижорат банкларининг чиқим касса операциялари деб, банк кассаларидан нақд пулнинг берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ишчи ходимлари учун иш ҳақи, пенсия, стипендия, бошқа нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари харажатлари учун нақд пул олиши мумкин.

Йилнинг ҳар чораги учун корхона ва ташкилотлар касса режасини тузиб банкка топширадилар. Касса режасида нақд пулнинг тушуми бўйича алоҳида моддалар, нақд пулнинг харажати бўйича алоҳида моддалар кўрсатилган. Шу билан бирга иш ҳақи олиш бўйича иш ҳақи олиш кунлари белгиланади. Корхона ва ташкилотлар бир ойда бир ёки икки марта иш ҳақи оладилар.

Корхона ва ташкилотлардан олинган касса режалари асосида ҳар бир банк касса прогнозини тузади. ҳар кунги касса операцияларини олиб бориш учун қанча нақд пул зарурлиги, қанча нақд пул банк тушумлари ҳисобидан амалга оширилиши касса прогнозлари асосида ҳисоблаб борилади.


Корхона ва ташкилотлар банкдан юқорида санаб ўтилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштишлари лозим. Лекин бундан аввал корхонага янги ҳисобварақ очилаётган пайтда банкка пул чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварақ номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана кўрсатилади. Аризага корхона раҳбари ва бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр кўйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул чек дафтарчаси ёзиб, ҳар бир варакда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номерини кўрсатади ва мижозга беради. Чек дафтарчасининг чеклари банкдан нақд пул олиш учун асос бўлади. Иш ҳақи олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи, энг аввало, шу ташкилотнинг ҳисобрақамида етарли пул миқдори борлигини текшириб, шундан сўнггина чекнинг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини, иккита имзо ва муҳрнинг имзолар ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. ҳаммаси тўғри бўлса, чекнинг бурчагидаги назорат маркасини қирқиб олиб паспорт билан бирга мижозга қайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув ўтказиб, сўнг реквизитларни кассанинг чиқим журналига қайд қиласи. Чиқим журналида сана, ҳисобварақ номери, чек суммаси, ҳисобот символи, корреспонденция ҳисобварағи номери кўрсатилади.

Назоратчи чиқим журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир мижозни чақириб унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси номери чек номери билан тўғри келса, чекдаги паспорт кўрсаткичлари паспорт билан тўғри келса, кассир чекда кўрсатилган суммани мижозга санаб беради.

Кассанинг чиқим операциялари бўйича ҳужжатлар айланиши қўринишида бўлади:

Чиқим касса операциялари бўйича ҳужжатлар
айланиши схемаси

7-схема



1. Мижоз пул чекини расмийлаштириб масъул ижрочига паспорт билан бирга топширади.

2-3. Масъул ижрочи чекни назоратдан ўтказгандан сўнг назорат маркасини мижозга, чекни эса назоратчига беради.

4. Назоратчи чекни яна бир бор текшириб, у ни чиқим касса журналида қайд этади ва кассирга узатади.

5. Мижоз кассирга паспорт ва назорат маркасини топширади.

6. Кассир мижозга чекда кўрсатилган миқдорда пул санаб беради.

Кун охирида назоратчи ва кассир бажарган операциялар бўйича хужжатларни ўзаро солиштириб банкнинг ҳисоб марказига топширадилар. ҳисоб марказидан хужжатлар асосида мижозларнинг шахсий ҳисобварақлари чиқариб берилади. Бу операциялар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

Дебет - 20200 Корхоналарнинг талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисобварағи

Кредит -10101 Банк кассаси

Шахсий ҳисобварақдан кўчирма мижозга топширилади, шахсий ҳисобварақ банкда алоҳида папкаларга тикилади.

Таянч иборалар

- Накд пул
- Касса
- Йўлдаги пуллар
- Кирим касса операциялари
- Чиқим касса операциялари
- Операцион касса
- Кечки касса
- Касса мудири
- Сейф
- Банкноталар
- Танга
- Пул чек дафтарчаси
- Пул чеки
- Пул топширганлик тўғрисидаги эълон
- Кирим касса ордери
- Чиқим касса ордери
- Назорат маркаси
- Имзолар намунаси
- Кирим
- Чиқим
- Ордер
- Квитанция

Такрорлаш учун саволлар

1. Банкларда касса операцияларини олиб бориш учун қандай кассалар ташкил этилади?
2. Касса аппаратини ким бошқаради?
3. Кирим ва чиқим операциялари бўйича кассалар қандай жиҳозланган бўлиши лозим?
4. Қандай операциялар кирим касса операциялари дейилади?
5. Чиқим касса операциялари деб қандай операцияларнга айтилади?
6. Кирим касса операциялари қандай хужжатлар асосида олиб борилади?
7. Кирим касса операциялари бўйича хужжатлар айланиш схемасини кўрсатинг.
8. Чиқим касса операциялари қандай хужжатлар асосида олиб борилади?
9. Чиқим касса операциялари бўйича ҳисоб қандай ташкил этилади?
10. Пул чек дафтарчасини расмийлаштириш тартибини тушунтиринг.

6-БОБ. ҚИСҚА МУДДАТЛИ ССУДА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА ҲИСОБИ

1-§. Қисқа муддатли ссуда операцияларининг расмийлаштирилиши ва ҳисоби

Тижорат банкларининг асосий операцияларидан бири ссуда операциялари бўлиб, банк даромадларининг асосий қисми айнан шу операцияларни бажариш натижасида шакллантирилади. Кредит бериш, кредит бўйича фоиз ҳисоблаш ва ундириш, кредитни қайтариш билан боғлиқ операциялар ссуда операциялари дейилади.

Кредит (лотинча credit - қарз сўзидан олинган бўлиб) пул маблағлари, товар ва хизматларини келишилган устама (фоиз) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, кредит бу вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқсан муносабатлар тушунилади. Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади бири пул эгаси яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга муҳтоҷ, яъни қарз оловчи қарз берувчи, қарздорга айланиши ва бошқа ҳолларда эса бунинг акси ҳам юз беради. Лекин бир субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи ҳам бошқалардан қарз оловчи бўлиши мумкин. Масалан, банк аслида пул эгаси билан қарз оловчи ўртасида воситачи, айни вақтда унинг ўзи бўш пулни қарзга олади сўнгра уни бошқаларга қарз беради. Кредит субъектлари ҳар хил бўлиб, буларга давлат, турли мулкчилик шаклидаги корхона, фирма, ташкилот, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва турли тоифа аҳоли киради.

Кредитнинг обьекти ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир. Бўш пул З хил бўлади:

а) пул капитали, яъни тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул;

б) аҳоли қўлидаги пул. Эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;

в) давлат ихтиёридаги пул. Бу ҳам пул капитали бўлиб давлат ташкилоти учун ҳам умумий истеъмол пулидир. Барча турдаги бўш пуллар ссуда фондини ташкил этади ва унинг юзага келиши обьектив тарзда муқаррардир. Бизга маълумки, кредитнинг қўйидаги шакллари мавжуд: тижорат кредити, банк кредити, истеъмол кредити, давлат кредити, ҳалқаро кредит.

Улардан бири банк кредитидир. Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида «Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва мудатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банқдир» деб қайд этилган. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар. Бунда уч субъект, яъни пул эгаси, кредит ташкилоти, қарз оловчининг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Воситачилар орасида тижорат банклари марказий бўғин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунига кўра, тижорат банклари давлат, акцияли, қўшма, ипотека ва хусусий банк қўринишида ташкил этилади, улар кредит, ҳисоб-китоб, касса, давлат бюджетини кассавий ижро этиш, валюта ҳамда бошқа операцияларни бажарадилар ва турли хил банк хизматларини кўрсатадилар.

Банк томонидан бериладиган кредитлар муддатига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли кредитларнинг ҳам ҳар хил турлари мавжуд, улар бир-биридан кредит бериш шартлари, таъминлаш тарзи, қоплаш муддатлари билан фарқ қиласи. Қисқа муддатли кредитлаш операцияларининг ҳисобини юритиш учун тижорат банкларининг ҳисобвақлар режасида бир қанча асосий ҳисобвақлар очилган «Бошқа банклар ва мижозларга берилган ссудалар» ҳисобрақами ҳисобрақамлар режасининг 12101-15599 баланс ҳисобрақамларида банкнинг резидент ҳамда норезидент бўлган бошқа банкларга ва

мижозларга миллий ва хорижий валюталарда берган ссудаларнинг ҳисоби олиб борилади. Ссудалар муддати, қарздорлар ва ссуданинг мақоми бўйича таснифланади. Ссудалар муддати бўйича қўйидагича таснифланади.

Қисқа муддатли ссудалар - бу ссуда берилган санадан бир йилгача муддатга берилган ссудалардир. Ўрта муддатли ссудалар - бу ссуда берилган санадан бошлаб бир йилдан беш йилгача муддатга берилган ссудалардир. Узоқ муддатли ссудалар - бу ссуда берилган санадан бошлаб беш йилдан ортиқ муддатга берилган ссудалардир.

Ссудалар мақоми бўйича қўйидагича таснифланади:

Муддати ўтган ссудалар - банк ва мижоз ўртасида тузилган ссуда шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилимаган ссудалар. Бу тоифадаги ссудалар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади.

Шартлари қайта кўриб чиқилган ссудалар - ўзаро қайта кўриб чиқилган ёки қайта тузилган шартномаларга асосан муддати, янги фоиз ставкаси ёки таъминланганлик ҳолатига қўшимча талаблар ва шу каби бошқа шартномаларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ссудалардир.

Муддати ўтган ссудалар бўйича фоизлар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади ва қарздор ссудани қайтараётганда фоизлар ҳам бирга ундириб олинади.

Ушбу ҳисобрақамлар бошқа банкларга ва мижозларга берилган ссудалар суммасига дебетланади. Банк томонидан берилган ссудалар қайтарилиганда ёки муайян ссуданинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу ссудалар бўйича кўрилган зарар қопланаётганда тегишли ссуда ҳисобрақамлари кредитланади.

Берилган ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарлар учун захиралар банкнинг харажатлари ҳисобидан яратилади. Ушбу захиралар қарздорнинг молиявий ҳолатини, берилган ссуданинг таъминланганлиги ва қайтмаслик рискларини баҳолаш натижасида яратилади.

Кўйида бошқа банкларга ва мижозларга бериладиган ссудалар бўйича баланс ҳисобрақамлари алоҳида таснифланади. Банкларда ссуда операцияларини олиб бориш учун кўйидаги ссуда ҳисобрақамлари очилади:

12100 - Бошқа банкларага берилган қисқа муддатли ссудалар.

12300 - ҳукуматга берилган қисқа муддатли ссудалар.

12500 - Жисмоний шахсларга ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорларга берилган қисқа муддатли ссудалар.

12700 - Давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли ссудалар.

12900 - Кўшма корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар.

13100 - Хусусий корхоналар ва но давлат корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар. Бу асосий ҳисобрақамларнинг дебет томонида тегишли банк, корхона, ташкилот, жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар, кредит томонида эса уларнинг қайтарилиши акс эттирилади. Юқоридаги ҳисобрақамларнинг барчаси бир қатор субҳисобрақамларни ўз ичига олиб, улар муддатли, муддати ўтган, қайта кўрилаётган ссудалар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилади.

2-§. Ссуда ҳисобварағини очиш тартиби

Махсулот сотиб олувчи корхона махсулот етказиб берувчи корхонага олинган махсулоти учун ўз ҳисобварағидаги пул маблағлари ҳисобидан түлаб беради, лекин корхоналарни ҳисобварағида ҳар доим ҳам пул маблағлари етарли бўлмайди. Бундай холларда корхонада бир марталик қарз маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёжни қондириш учун «кредит линияси очмасдан» ссуда олиш учун мижоз банкка муржат қиласди. Бу ҳолда кредит бериш бир марталик ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири бўйича банк алоҳида қарор қабул қиласди. Бу шуни билдирадики, агар келгусида яна кредит зарур бўлса, корхона раҳбарияти банк талаб қилган ҳужжатларнинг янги тўпламини тўлиқ ишлаб чиқиши, худди биринчи кредит олинганидек музокаралар олиб бориши ва барча юридик расмийлаштиришни бажариши лозим.

Шунинг учун, агар кредит ресурслариға эҳтиёж узоқ муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса «кредит линияси очиб» кредит бериш тўғрисида шартнома тузиш қулайрок бўлади ва арzonроқ тушада. Кредит линияси - бу корхона билан банк ўртасида белгиланган суммада заём (қарз)лар турқумини бериш тўғрисида тузилган келишув (битим)дир.

Кредит линиясини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади. Шу лимит доирасида кредит беришда банк билан қўшимча музокаралар олиб бориши талаб қилинмайди. Кредит тармоғини очилиши шуни билдирадики, корхонага етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун банк кредит суммаси доирасида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича пул тўлайди. Шу билан бирга, банк пулни ҳужжатлар топширилган куни тўлашга мажбур. Ссуда ўз вақтида берилмаганлиги ва мижознинг товар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни кечикиб амалга оширилганлиги учун банк жавобгар ҳисобланади.

Қисқа муддатли кредит олиш алоҳида кредит линияси очиш шарт эмас. Банк билан унинг мижози ўртасида махсус битим тузилиб, шу битимга асосан мижозга унинг ҳисобварағида қолган маблағдан ортиқ суммадаги тўловларни амалга оширишга рухсат этилади. Қисқа муддатли кредитнинг бундай тури овердрафт дейилади. Шартномада овердрафт қарзниң энг катта суммаси, кредит бериш шартлари: кредитни қоплаш тартиби, фоиз даражаси белгиланади. Овердрафтда мижознинг ҳисобварағига келиб тушадиган барча сумма қарзни қоплашга йўналтирилади. Шунинг учун қарз ҳажми маблағ келиб тушган сари ўзгариб туради, ана шуниси билан овердрафт кредитнинг бошқа турларидан фарқланади. Овердрафт қисқа муддатли кредитлаш қоидаларида кўзда тутилганига қарамай, мамлакатимиз тажрибасида деярли овердрафтни контокоррентдан бошқа исталган кредит турига қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Контокоррент ҳисобварағи корхонанинг барча операцияларини бирга жамлашга имкон беради. Контокоррент ҳисобварағи мижознинг банкдаги кредит ҳисоб-китоб хизматини амалга ошириш учун мўлжалланган ягона ҳисобварағи бўлиб, барча операциялар шу ҳисобварақ бўйича бажарилади. У ссуда ҳисобварағи ва ҳисобварағи аломатларини ўз ичига жамлаган. Контокоррент ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади, иккинчи томондан ссудалар ва тўловлар қайд қилинади. Натижада дебет сальдо (қарз) ҳам, кредит сальдо (маблағнинг мавжудлиги) ҳам вужудга келиши мумкин. Контокоррент ҳисобварағи очилганда қарз олувчи корхонанинг талаб қилингунча депозит ҳисобварағи ёпилади. Банк котокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлаш лимити, яъни ссуданинг чегаравий миқдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг кафолат мажбурияти расмийлаштирилади, унинг шакли худди кредит линияси очишдагидек бўлади.

Ушбу кредит маблағларини фақат корхонанинг асосий фаолияти билан бодглиш булган товарлар ва хизматларга сарфлаш мумкин. Бошқа барча тўловлар (умумий хўжалик харажатлари, иш ҳаки ва ҳоказо) фақат котокоррект қўлланилмайди. Кредитнинг бу тури чет эл тажрибасида чеклар ва кредит карточкалари билан ҳисоб-китоб қилишда кенг қўлланилади.

Банк мижози учун шу ҳол ҳам мухимки, қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш қоидаларига мувофиқ, мижоз ўз ҳисобварағида кредит сальдоси (маблағ) бўлишини таъминлаши лозим. Қарз олувчининг банкда депозит ҳисобварағи бўлган тақдирдагина қарздорликни сақлашга йўл қўйилади, лекин унинг салмоғи депозит, ҳисобварағидаги маблағ суммасидан ошмаслиги керак. Агар банкда мижознинг депозит маблағлари бўлмаса ой охирида ҳисобварағида қарз пайдо бўлса, қарзниң микдори қандай бўлишидан қатъий назар, кредитлик қоплангунга қадар банк кредит беришни тугатиши лозим. Демак, агар ҳисобот ой охирида мижознинг ҳисобварағида қарз пайдо бўлган бўлса, навбатдаги ой бошида овердрафт доирасида фирмা тўловларни тўлашга умид қилиши мумкин эмас ва аксинча, кредитни қоплаш учун маблағ излашга тайёр бўлиб туриш лозим бўлади.

Бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг йўли-овердрафтни кредитнинг бошқа турига қайта расмийлаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Қайтарувчанликнинг таъминланиши хамда шартнома ва меъёрий хужжатларда белгиланган қисқа муддатли кредитлаш муддатига риоя қилиниши шарти билан банк овердрафтни контокоррентдан бошқа исталган кредит турига қайта расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Контокоррент ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади, иккинчи томондан ссудалар ва тўловлар қайд қилинади.

Натижада дебет сальдо яъни қарз ҳам, кредит сальдо, яъни маблағларнинг мавжудлиги ҳам вужудга келиши мумкин.

Контокоррент ҳисобварағи очилган қарз олувчи корхонанинг ҳисобварағи ёпилади. Банк контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлаш лимити ссуданинг чегаравий микдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг кафолат мажбурияти расмийлаштирилади.

Контокоррент ҳисобварақ бўйича фоизлар дебет қолдиғи бўйича ҳам, кредит қолдиғи бўйича ҳам, яъни банк фойдасига ҳам, қарздор фойдасига ҳам ёзилади, дебет қолдиғи (қарз) бўйича мижоз банкка кредит шартномасига кўра фоизларни тўлайди. Кредит қолдиғи (маблағнинг мавжудлиги) бўйича банк қарздорга ҳисоб-китоб шартномасига мувофиқ фоизларни тўлайди.

Контокоррент ҳисобварақнинг амал қилиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Ўн икки ой ўтгандан сўнг қарздор ҳисобвараққа маблағ тушишини таъминлаши лозим. Агар белгиланган муддат охиригача ҳисобварақда салбий сальдо сақланиб қолса кредит тўлиқ қоплангунча кредит бериш тўхтатиб қўйилади. Агар меъёрий ҳужжатлар ва кредит шартномасининг барча шартларига риоя қилинган бўлса контокоррент ҳисобварақ бўйича кредит бериш тикланиши мумкин.

Контокоррент кредит беришнинг шартлари қаттиқ бўлишига қарамай баъзи корхоналар учун у фойдали ва қулай бўлиши мумкин. Корхонанинг фаолияти хусусияти шундай бўлсаки, унда катта микдордаги қарзларга эҳтиёж вақти-вақти билан туғилиб турса, масалан, айтайлик улгуржи савдо-сотик соҳасига контокоррент усули кредит йўлига нисбатан фойдалироқ овердрафт учун эса кредит микдори жуда катта бўлиши мумкин. Устига-устак молия ресурсларидан фойдаланиш йўллар контокоррент кредитлашда овердрафт кредитлашдагидан кўпроқ бўлиши мумкин, чунки биринчи ҳолда ҳар ой охирида ҳисобварақда маблағ мавжудлигини таъминлаш шарт эмас.

Кредитни таъминлаш учун фақат векселлардан эмас, балки бошқа қимматли қофозлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Қимматли қофозлар гарови эвазига алоҳида ссуда ҳисобварағидан берилган қисқа муддатли кредит ломбард кредит деб аталади. Агар мижоз молиявий ресурсларга вақтинчалик эҳтиёж сезса ва ўзининг қарамоғида қимматли қофозлар бозорида сотишда манфаатдор бўлмаса, у кредитнинг бу турини расмийлаштириш учун мурожаат қилиши мумкин.

Ломбард кредитни таъминлаш учун (яъни гаров сифатида) бошқа элементларнинг акциялари, векселлари ва депозит сертификатлари қабул қилинади. Марказий банкнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ кредит берувчи банкнинг хусусий акциялари гаров бўла олмайди.

Ломбарт кредитни бериш учун банк қарз олувчи ўртасида икки шартнома кредит шартномаси ва гаров тўғрисидаги шартнома тузилади. Кредит шартномасида ссуданинг миқдори, уни қоплаш муддатлари, фоиз ставкаси қўрсатилади. Гаров тўғрисидаги шартномада кредитни таъминлаш учун берилган қимматли қофозлар юзасидан банкка гаров хукуки берилади.

Қимматли қофозларнинг гаров қийматини аниқлаш қарз олувчи учун ҳам банк учун ҳам жуда муҳим, чунки кредитнинг миқдори ана шунга боғлиқ, қисқа муддатли кредитни таъминлаш қоидаларига мувофиқ гаров қиймати таъминлаш учун бериладиган қимматли қофозлар бозори нархи ёки номинал қийматининг бир қисменигина ташкил қилиш лозим. Бу гаровни (яъни қимматли қофозни) сотишда вужудга келадиган курс таваккалчилиги билан боғлиқ, чунки қимматли қофозларнинг бозор нархи кредит шартномаси тузилган пайтдаги даражага ҳамда номинал қийматга нисбатан пасайиши мумкин.

Шунинг учун ломбард кредити кредит бериш ҳақидаги қарор қабул қилишда банк қарз олувчининг молиявий аҳволини ҳамда кредитга лаёқатлилигини ўрганиш билан бирга, таъминлашга қабул қилинадиган қимматли қофозларни бозор нархи кредит шартномаси тузилган пайтдаги даражага ҳамда номинал қиймати нисбатан пасайиши мумкинлигини ҳисобга олади.

Суда олиш учун банкда ҳар бир ссуда бўйича алоҳида ссуда ҳисобвараги очилади. Мижоз ссуда олиш учун банкка белгиланган тартибда ҳужжатлар пакетини расмийлаштирилиб топширади. Кредит комиссиясининг қарорига кўра кредит бериш лозим деб топилса, банк ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида кредитнинг нима мақсадда олиниши, муддати, суммаси, қайтарилиш тартиби, кредит учун тўловлар, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги, бошқа шартлар қўрсатилади.

Кредит бўлимининг фармойишига кўра ҳисоб операцион бўлимида кредит олувчи корхонага ссуда ҳисобвараги очилади. Қайси типдаги ҳўжалик юритувчи субъектлигига қараб 1-саволда кўрганимиздек, тегишли баланс ҳисобвараги бўйича ссуда ҳисобвароғи очилади. Масалан: жисмоний шахсларга ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорларга кредит бериш учун 12500 баланс ҳисобвараги бўйича ссуда ҳисобвараги очилади. Давлат корхоналарига ссуда беришда эса 12700 баланс ҳисобвараги очилади. Суда ҳисобвараги ҳам 20 та разряддан иборат бўлиб, унинг ичida кредит олмоқчи бўлган корхонанинг хос рақами бўлиши лозим. Масалан, мижозга берилган уникал хос рақам 04952452 бўлса сўмда берилган кредитни ҳисобга олиш учун қарз олувчи давлат корхонаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда куйидаги ҳисобварақ очилади.

12701000K04952452001

Бу ҳисобварақда банк томонидан давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли ссудаларнинг ҳисоби юритилади. ҳисобрақамнинг дебетида давлат корхоналарига берилган ссудаларнинг- суммаси акс эттирилади. ҳисобрақамнинг кредитида эса қарздорлар томонидан қайтарилган ссудаларнинг суммаси акс эттирилади. Бу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва ссудаларнинг турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Худди шундай тартибда бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган, қарз олмоқчи бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга ссуда ҳисобварақлари очилади ва улар бўйича ссуда бериш ва қайтариб олиш бўйича операциялар бажарилади.

3-§. Кредит бериш ва қайтариш операциялари ва фоизлар ундирилишининг ҳисоби

Корхона ва ташкилотларга ёки алоҳида олинган жисмоний шахсларга ссуда ҳисобварафи очилгандан сўнг, улар бўйича ссуданинг берилиши ва қайтарилиши бўйича операцияларни амалга ошириш мумкин. Ҳар бир ссуда берилиши кредит комиссиясининг фармойиши асосида амалга оширилади, яъни кредит бўлими ҳисоб операцион бўлимга мижозга суда бериш тўғрисидги фармойишини ҳисоб операцион бўлимнинг масъул ижрочиларига берадилар. Маъсул ижрочилар фармойишда кўрсатилган реквизитлар асосида суда бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажарадилар. Суда ҳисобваракларини ўзи юқоридаги саволда кўрганимиздек муддатли, муддати ўтган, қайта кўрилаётган каби ссудалар бўйича алоҳида юритилади.

Қуйида биз қў^{шма} корхоналарга суда бериш бўйича бугалтерия проводкаларни кўриб чиқамиз.

Хусусий корхоналарга ва нодавлат корпорацияларга суда бериш учун 13101 «Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар» номли баланс ҳисобрақами очилади. Бу ҳисоб ракам бир қатор субҳисобрақамларни уз ичига олади.

13101- «Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар»

13105- «Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган муддати ўтган ссудалар»

13109- «Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли, шартлари қайта кўриб чиқиладиган ссудалар»

Суда берилаётганда суда суммаси корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжати тўланаётган бўлса, пул ўтказилиши лозим бўлган мол сотувчи ёки хизмат кўрсатган корхона ҳисобвараfiga суда суммаси ўтказилади. Пул туширилиши лозим бўлган корхонага бошқа банк бўлими хизмат кўрсатса суда суммаси суда бераётган банкнинг вакиллик ҳисобварафи орқали тегишли банкка ўтказилади.

Суда берилаётганда қўйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади: Дебет 13101 Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли ссудалар.

Кредит 10301 Банкнинг вакиллик ҳисобварафи ёки маҳсулот сотувчи корхона ҳисобварафи

13101 Ҳисоб ракамида банк томонидан хусусий фирмалар, ширкатлар ва жамоа ҳўжалиги ҳамда корхоналари, нодавлат корпорациялар ва шу каби хусусий мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудаларнинг ҳисоби юритилади. Бу ҳисобрақам бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва суда турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобваракларда олиб борилади.

Суда оловчи ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасига биноан ссудани қайтариш муддатлари белгиланади. Суданинг қайтариш муддати тугагандан сўнг суда қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади. Суда қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари қўйидагида кўринишда бўлади.

Дебет 20208 Суда олган хусусий корхонанинг талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварафи

Кредит 13101 Хусусий корхоналар ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли ссудалар

Бу бухгалтерия проводкаси агар мижознинг талаб қилингунча сақланадиган депозит бўйича ҳисобварафида ссудани қайтариш учун етарли пул маблағлари бўлган ҳолда бажарилади. Агар қарздорнинг ҳисобварафида ссудани қайтариш учун маблағи йўқ бўлса суда суммаси 13101 «Муддати ўтган хусусий корхоналарга ва нодавлат корпорацияларига берилган ҳисобвараfiga ўтказилади»

Бу операция бўйича қўйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

Дебет 13105 Хусусий корхоналарга берилган муддати ўтган қисқа муддатли ссудалар.
Кредит 13101 Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар.

Қайтариш муддати келганда тўланмаган ва шундан сўнг 90 кун ўтгандан сўнг ҳам қайтиб келмаган ссудалар 13109 «Хусусий корхона ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли шартлари қайта кўриб чиқиладиган ссудалар» баланс ҳисобварағига ўтказилади.

Корхона ҳисобварағига пул келиб тушгандан сўнг ссудани қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади.

Ссудаларнинг қайтиши маълум таваккалчиликни талаб қиласди. Шу сабабли банкларда ссудалар бўйича заарларни қоплаш захираси ташкил этилади. Хусусий корхоналарга ва нодавлат корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича заарларни қоплаш захирасининг ҳисобини олиб бориш учун 13199 баланс ҳисобрақами очилади. Унда банкнинг хусусий фирмалар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари ҳамда корхоналари назорат корпорацияларига берган ссудалари ундириб олинмай қолиши мумкин бўлган қисми бўйича кўриладиган заарларни қоплаш учун яратилган захиралар ҳисоби олиб борилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир мижоз ва ссуда турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларида акс эттирилади.

Бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, фирма, банк ва бошқаларга кредит бериш ва берилган кредитларни қайтариш бўйича операциялар худди шу тарзда амалга оширилади. Факат тегишли ҳисобварақлар тизими ишлатилади.

Ҳар бир ссуда бўйича шартномада келишилган миқдорда фоиз ставкалари асосида банк фойдасига фоизли даромадлар ундирилади.

Хозирги кунда ссудалар учун фоизлар 1998 йил декабр ойида Марказий банк томонидан чиқарилган «Банк депозитлари ва кредитлар бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги 558-сонли йўриқнома асосида ҳисоблаб борилади. Банк суда суммасидан банк маблағларидан фоизларни белгилайди. Фоизлар бўйича суммалар қўйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади.

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\text{ссуда миқдори} \times \text{фоиз ставкаси} \times \text{кунлар сони}}{360}$$

Суда учун фоиз суммаси суда миқдори фоиз ставкаси кунлар сони 360 кунга бўлишимизга сабаб фоиз ставкалари йиллик қилиб белгиланади. Фоизлар ҳисобланганда лекин ҳали ундирилмаган ҳолда қўйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади.

Дебет 16309 Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар

Кредит 42602 Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қўйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 20208 Хусусий корхоналарнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари

Кредит 16309 Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар

Шундай қилиб, ушбу мавзуда ҳалқ хўжалиги тармоқларига қисқа муддатли ссуда ҳисобварағи очиш, ссуда бериш, қайтариш ва фоизларни ундириб олиш тартиби ва улар бўйича бухгалтерия проводкаларини кўриб чиқдик.

4-§. Дехқон ва фермер хўжаликларини кредитлашнинг хисусийлари бу операциялар ҳисоби

ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлашда банк томонидан ажратилаётган кредитлар алоҳида ўрин тутади. Республикаизда кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш тартиби ишлаб чиқилган.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 4 марта 463-сонли буйруғи билан тасдиқланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 7 марта 907-сонли буйруғи билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги 1987-ПФ сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ қуийдагилар кредитлаш субъектлари, яъни қарз олувчилар ҳисобланади: микрофирма, кичик корхона, ўрта корхона, дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги. Қуида уларнинг ҳар бирига тавсиф берамиз.

Дехқон хўжалиги - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишни амалга оширадиган оилавий майда товар хўжалигидир.

Фермер хўжалиги - бу юридик шахс мақомига эга бўлган, фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги меҳнати асосида узоқ муддатга ижарага берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товар ишлаб чиқаришига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан кредит бериш қоидалари Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Тижорат банклари томонидан кредитлар бериш қайтариш, ҳак тўлаш, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартларида амалга оширилади. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар якка тартибдаги тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари фондларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомда (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 3 октябрда 1074-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган тартибда берилади.

Фермер хўжаликлари бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар олгандан кейин ўзининг бизнес-режасини маблағ билан таъминлашга кредит олиш юзасидан ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат қилишга ҳаклидир. Тижорат банклари кредитларни фермерларга шартнома асосида 3 йилгача муддатга берилади. Кредитлар мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақам жойлашган жойда берилади.

Кредитлар фермерларга қуийдаги мақсадлар учун берилади:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан уруғлик, мол, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак, омихта ем, кўчатлар, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш;
- хом-ашё ва материалларга дастлабки ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом-ашё сотиб олиш;
- кичик асбоб-анжомлар сотиб олиш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тасдиқланмаган ҳалқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошка турларини амалга ошириш.

Кредитлар қуйидаги мақсадлар учун берилмайды:

- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни узиш;
- тамакиличилек ва алкогольдык ичимликлар ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачилиги фаолиятини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулк сотиб олиш.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори қарз оловучи ва банк ўртасидаги ўзаро келишүв бўйича кредит шартномаси асосида белгиланади. Кредитларни расмийлаштириш тартиби. Қарз оловчилар кредит олиш учун банкка қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар;

- кредит олиш учун кредит буюртмаси;
- пул оқими таҳлили албатта кўрсатилган ҳолдаги бизнес-режа;
- ўз фаолиятини З ойдан ортиқ амалга ошираётган фермер хўжаликлари, шунингдек, охирги хисобот даври учун давлат солиқ хизмати маҳаллий идорани тасдиқлаган бухгалтерия баланси 1-шаклни, ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарzlари тўғрисидаги маълумотнома 2-а-шаклни ҳам тақдим этадилар.

Қарз оловучи тўламаслик хавфини бартараф этиш мақсадида кредитни қайтаришни таъминлашга эга бўлиши керак, таъминот унга қўйиладиган асосий талаб ҳисобланади. Қуйидагилар кредитнинг қайтарилишини таъминловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- суғурта ташкилотининг кафолатномаси;
- банк кредитлари фермер хўжаликлари томонидан қайтарилмаслиги хавфини олинадиган кредит суммасининг 50 фоизи миқдорида мажбурий суғурта қилиш, ҳамда ҳосил ва мол-мулкнинг 50 фоизи ихтиёрий суғурта қилингандиги тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

«Ўзагросуғурта» компаниясига ва бошқа суғурта ташкилотларига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг нобуд бўлиши хавфини ёки хўжаликларининг бошқа фаолиятини суғурта қилиш асосида кредит қайтарилиши ҳакида кафолатномани тижорат банкларига тақдим этиш тавсия қилинади.

Ушбу кредит буюртманомаси бўйича банк хulosасини бериш муддати кредит олиш учун буюртманома зарур хужжатлар илова қилинган ҳолда банкка тушган кундан бошлаб 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Кредитлаш ва кредитни қайtариш тартиби.

Кредитлар алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиш ва ушбу ҳисоб рақамдан қарз оловчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий-товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан берилади.

Фермерларга ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига берилган кредитлар ҳисоби кредитлаш муддатига қараб, мос равища, 13101-«Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар ва 14301-«Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисоби рақамларида олиб борилади.

Кредитни қайtариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин. Қайtариш муддати етиб келганда ва қарз оловчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картоекага жойлаштирилади ва календар навбати тартибida қайtарилади. Бунда фоизлар асосий кредит суммасидан олдин қайtарилади.

Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз оловучи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим.

Мониторинг жараёнида қарздорнинг хўжалик молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб

чиқариш ҳажмлари, ишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар моддий бойликлар заҳиралари аҳоли, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёқатлиги бўйича доимий мониторингни амалга оширади ва унинг кўрсаткичларини қарздорнинг кредит йиғмажиллдида тизимлаб боради.

Банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали, ҳамда мақсадли фойдаланилиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойида ўрганилади.

Курилмани молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича банк мониторинг жараёнида кредитланган обьектда кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида бажарилган ишлар ҳажмининг назорат ўлчовини амалга оширади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдалангандик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга мувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунга депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин ундириб олиш хукуқига эга.

Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқоролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда судга мурожаат қилмасдан, гаров предметини тасарруф қилиш ҳукуқига эга бўлади.

Фермерларга ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига берилган кредитлар ҳисоби кредитлаш муддатига қараб, мос равишида 13100 - «Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли ссудалар», 14300-«Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ўрта муддатли ссудалар» ва 15500-«Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар» номли баланс ҳисобрақами очилади.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига берилган микрокредитлар кредит ажратиши муддатига қараб мос равишида 12601 -«Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли ссудалар» ва 13 801-«Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган ўрта муддатли ссудалар» баланс ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

Алоҳида ссуда ҳисоб рақамлари бўйича берилган микрокредитлар бўйича кредит бўлими ходимининг фармойишига кўра муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, тўла қайтарилгунга қадар 91901 - «Қарз олувчиларнинг қисқа муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» ва 91903 - «Қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» номли кўзда тутилмаган шароитлар ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

Макрокредитлар олиш учун юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган яхна тартибдаги тадбирлар ва дехқон хўжаликлари томонидан банкка қўйдаги хужжатлар тақдим этилади.

- сўралаётган микрокредит миқдори кўрсатилган кредит аризаси;
- кредитни қайси мақсадга ишлатилиши кўрсатилган бизнес-режа;

Бундан ташқари, якка таркибдаги тадбирлар ёки дехқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғимжилдига тикиб қўйилади.

Қарз олувчи чет эл валютасида микрокредит олиш учун юқорида қайд этилган хужжатлардан ташқари, хориждан сотиб олинадиган маҳсулот тавсифи, у харид қилинадиган мамлакат, унинг қиymати, тўлов валютаси, ускуналар сотиб олинадиган ҳолда зарур ҳом ашё билан таъминланганигига оид маълумотларни банкка тақдим этади. Агар банк кредит бериш тўғрисидаги ижобий хulosага келса, кредит бериш ва қайtarish бўйича бухгалтерия проводкалари бошқа корхоналар каби бажарилади.

Шундай қилиб, юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига бериладиган микрокредитлар деганда кредит бериладиган кундан биржадан ташқари валюта бозори курси хисобида 5000 АҚШ

долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Юридик шахс мақомини олиб фаолият күрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига бериладиган микрокредитлар деганда 10000 АҚШ долларига эквивалент миқдоридан ошмайдиган ҳажмда миллий ёки чет эл валютасида бериладиган кредитлар тушунилади.

Таянч иборалар

- Кредит
- Суда
- Қисқа муддатли ссуда
- Кредит шартномаси
- Шартнома шартлари
- Кредит комиссияси
- Кредит комиссияси хulosаси
- Овердрафт
- Контокоррент
- Ломбард кредити
- Кредит линиясини очиб кредит бериш
- Кредит линиясини очмасдан кредит бериш
- кредит учун фоиз
- Ўз вақтида тўланмаган ссуда
- Банк кредити
- Тижорат кредити
- Истеъмол кредити
- Кредитор
- Суда хисобвараги
- Гаров
- Фоиз ставкаси
- Кредит бўлимининг фармойиши

Такрорлаш учун саволлар

1. Кредитнинг қандай шакларини биласиз?
2. Кредит деб нимага айтилади?
3. Кредитлаш тамойилларини санаб беринг?
4. Банк кредитининг қандай турларини биласиз?
5. Ломбард кредити деб қандай кредитга айтилади?
6. Контокоррент кредитининг мазмунни нимадан иборат?
7. Кредит линиясини очиб кредит бериш тартибини тушунтириб беринг?
8. Кредит линиясини очмасдан кредит бериш тартибини тушунтириб беринг?
9. Кредит шартномасининг мазмунни нимадан иборат?
10. Кредит бўлими хисоб-операцион бўлимга кредит берилиши бўйича қандай ҳужжат тақдим этиши лозим?
11. Кредит беришда банкда қандай бухгалтерия проводкаси бажарилади?
12. Хусусий корхонага кредит беришда ва қайтаришда қандай бухгалтерия проводкалари бажарилади?
13. Давлат корхоналарига-чи?
14. Кредит учун фоизлар қандай тартибда ва қандай проводкалар орқали ундирилади?
15. Ўз вақтида қайтарилмаган ссудалар бўйича қандай проводкалар бажарилади?

7-БОБ. ЭМИССИЯ ОПЕРАЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲИСОБИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ

1-§. Эмиссия операцияларининг мазмуни ва ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий функцияларидан бири пул эмиссияси вазифасини бажаришдир, яъни муомалага пул чиқариш ва муомаладаги ортиқча пул белгиларини муомаладан олиш Марказий банкка юклатилган. Эмиссия операцияларини бажариш учун пул захира фондлари бўлиши лозим.

Нақд пул билетлари ва тангалари қўринишида бўлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул билетлари ва тангаларининг захира фондлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан Минтақавий ҳисоб-китоб-касса марказлари, ва уларнинг филиалларининг пул омборларида ташкил этилади. Рухсат олиш учун Марказий банкнинг Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бош бошқармалари, Марказий банкнинг эмиссия-касса операциялари департаментига рухсат бериш тўғрисида захира фондини очиш зарурати асосланган илтимоснома билан пул омборининг паспортини тақдим қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси захира фондларини очиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқади. Бойликлар сақланиши, уларга доир операциялар бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий хужжатларида кўрсатилган меъёрларга мувофиқ таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароит мавжудлигини текширади. Шундан сўнг, захира фондларини ташкил этиш учун рухсатномани беради. Шу билан бирга, захира фондларининг лимити ҳам белгилаб берилади.

Захира фондлари темир жавонларда ва пўлат сейфларда сакланади.

Захира фондларининг лимити қўйидагича белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захира фондлари лимитини умуман республика бўйича тасдиқлади. Шу билан бирга Марказий банк бошқармалари ва Марказий банкнинг минтақавий ҳисоб-китоб-касса марказлари учун захира фондлари лимитини белгилаб беради.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси белгилаган захира фондлари лимити доирасида ўзига бўйсинувчи ҳисоб-китоб-касса марказлари ва уларнинг филиаллари учун захира фондлари лимитини белгилаб беради. Бунда захира фондларининг белгиланган лимити пул билетлари бўйича банк муассасаси кассасидан бир ойда олинадиган нақд пулнинг ўртача микдоридан, тангалар бўйича ярим йиллик ўртача чиқимдан кам бўлмаслиги керак.

Пул билетлари ва тангаларининг захира фондлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ихтиёрида бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви раисининг ёки Бошқарув раиси ўринбосарининг муомалага пул чиқариш ёки уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бошқа минтақавий ҳисоб-китоб-касса марказларига жўнатиш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси асосида сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаларининг раҳбарлари захира фондларини тасарруф этадилар. Минтақавий ҳисоб-китоб-касса марказларининг филиалларининг раҳбарлари эса уларни лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ асосида захира фондларига доир операцияларни амалга оширадилар.

Марказий банк бош муассасасида захира фондларида сакланувчи пул билетлари ва тангалар шу муассаса раҳбарлари, бош бухгалтер ва касса мудирларининг бевосита жавобгарлигига бўлади.

Захира фондлари баъзан тўлдириб турилади. Марказий банк Минтақавий ҳисоб-китоб-касса марказларининг пул билетлари ва тангалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Фармойишига кўра Ўзбекистон Республикаси ичидаги бошқа ҳисоб-китоб касса марказларининг захира фондларини тўлдириш учун юборилиши мумкин. Захира фондларига қўшимча олинган пул билетлари ва тангалар захира фондлари ҳисобига иловва

хужжатларида кўрсатилган миқдорда тўлиқ киритилади. Заҳира фонdlари ҳисобига киритилишидан аввал пул билетлари ва тангалар белгиланган тартибда боғламлаб, дасталаб ва устки ёрлиқлардаги ёзувлар бўйича текшириб чиқилади. Агар пуллар тартибсиз ўралган бўлса, улар қайта саналади. Пул ортиқча ҳам чиқиши мумкин. Ортиқча чиққан пул суммаси қанчалигидан қатъий назар, пул оловчи банкнинг оборот кассасига киритилади ва банк даромадига кирим қилиб қўйилади. Аксинча, камомад чиқса, камомад суммаси оборот кассаси ҳисобидан қопланади ва жўнатувчи банкнинг айбдор шахсларидан ундириб олиш учун алоҳида олиниши лозим бўлган ҳисобвараққа кирим қилиб қўйилади. Пул белгиларининг ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги, тўловга яроқли ёки яроқсиз эканлиги ҳам текширилади.

Қалбаки пул билетларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Мбнинг маҳсус кўрсатмаларига амал қилинади.

2-§. Оборот кассаларга заҳира фондларидан нақд пул бериш

ҳар бир банкнинг оборот кассасига лимит ўрнатилади. Оборот кассаларига лимит куйидаги тартибда белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки умуман республика бўйича оборот кассаларининг лимитини белгилайди;
- Марказий банк вилоят бош бошқармаларининг бошлиқлари, Қорақолпоғистон республика Марказий банк бош бошқармаси, Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиқлари Марказий банк Бошқаруви тасдиқлаган оборот кассаси лимити доирасида Ўзбекистон Республика Марказий банкнинг ҳисоб-китоб-касса марказлари оборот кассалари ва тижорат банклари бошқармаларининг операция кассаларининг лимитларини белгилайди. Белгиланган лимит суммаси ҳақида 04028120 шаклдаги дафтарнинг муқовасида бу ҳақда қайд этилади ва унга банк раҳбари, бош бухгалтери, касса мудири имзо чекади.

Барча мулкчилик шаклдаги тижорат банкларининг оборот кассалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг руҳсатномасига кўра очилади.

Банк муассасалари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахсларга кассага келаётган пуллар ҳисобидан, шунингдек, операция куни бошида оборот кассаларида мавжуд бўлган пул қолдиги ҳисобидан нақд пул берадилар.

Мавжуд бўлган пул маблағлари яқин кунларда амалга оширилиши лозим бўлган тўловлар учун етарли бўлмаса ҳисоб-китоб-касса маркази Марказий банкнинг Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларидан оборот кассаси учун етмаётган сумма миқдорида пул сўрайдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Марказий банк бошқармасининг оборот кассасига маблағ бериш учун ҳисоб-китоб касса марказларининг буюртмаларининг олгач, оборот кассаларига маблағ беришга руҳсат бериш масаласини кўриб чиқади.

Муомалага пул чиқариш учун эмиссия руҳсатномасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви раиси, Марказий банк Бош Бошқармаларда бошқарма бошлиқлари имзо чекадилар.

Захира фондларидан оборот кассасига пул ўтказиш учун берилган эмиссия руҳсатномаларида пулнинг банкноталар ва тангаларга ажратилган умумий суммаси кўрсатилади. Марказий банк ҳисоб китоб-касса Марказининг раҳбари нақд пул оборотига бўлган эҳтиёжга қараб муомалага банкнотлар ва тангаларни чиқариш нормасини белгилайди.

Захира фондларидан оборот кассасига пул ўтказиш учун эмиссия руҳсатномаларидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармалари руҳсатномани олган кундан ташқари 10 календар куни давомида, МБнинг ҳисоб-китоб касса марказлари руҳсатнома олинган кундан ташқари 4 иш куни давомида тўлиқ ёки кисман фойдаланишлари мумкин.

Энг аввал, олинган эмиссия руҳсатномасининг мазмuni ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ҳамда код тўғри талқин этилишини таъминлаш талаб этилади. Эмиссия руҳсатномасидаги сумма назорат калити билан солиширилади. Эмиссия руҳсатномасининг номери, мансабдор шахсларнинг имзолари борлиги текшириб кўрилади. Шундан сўнг, ушбу эмиссия руҳсатномаси ҳисоб-китоб-касса марказларида юритиладиган 04082152-шаклдаги маҳсус дафтарга рўйхатга олинади. Шу дафтарда заҳира фондларидан олинган пул суммаси қайд этилади.

Тижорат банклари оборот кассасига керакли пул маблағларини олиш учун Марказий банкнинг вилоят, (Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар бош бошқармасининг пул муомоласи бўлимига олдиндан буюртма берадилар ва эмиссия руҳсатномаси асосида нақд пулни МБнинг ҳисоб-касса марказининг оборот кассасидан ёки инкассаторлар орқали оладилар.

Операция кассасининг қолдиги лимитдан ошиб кетган тақдирда тижорат банки муассасасининг мансабдор шахслари айнан шу куни операция кассасининг лимитдан ортиқча қолдигини Ўзбекистон Республикаси МБ ҳисоб-китоб-касса марказининг оборот кассасига топширилишини ташкил этишлари ёки Ўзбекистон Республикаси МБ қопидаги

инкасация бирлашмасининг инкассаторлари орқали бошқа тижорат қўшимча маблағ билан таъминлашни ташкил этиш лозим.

3-§. Эмиссия операцияларининг бухгалтерия ҳисоби

Ҳисобвараклар режасига мувофик, тарзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараклари (балансдан ташқари) икки ёқлама ёзув услуги билан олиб борилади, ҳар бир асосий ҳисобварак ёки асосий ҳисобвараклар гурухи учун фақат бухгалтерия мақсадлариға мўлжалланган контур (қарама-қарши) ҳисобвараклар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда ҳудудий Бош бошқармалари ҳисоб-китоб-касса марказларида эмиссия операциялари ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш учун, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклар режасига мувофик, қуйидаги кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараклари очилган:

- 90103 Муомалага чиқарилмаган нақд банкнотларнинг назорат ҳисобвараги;
- 90110 Муомалага чиқарилган нақд тангаларнинг назорат ҳисобвараги;

Юқорида келтирилган ҳисобваракларда Марказий банкинг ҳисоб-китоб касса марказларидаги муомалага чиқарилмаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати ҳисобга олинади.

Ҳисобваракларнинг дебетида ҳисоб-китоб касса марказлариға Давлат ғазнасидан ва Марказий банкинг ҳудудий Бош бошқармаларидан кирим қилинган, муомалага чиқарилмаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контур-ҳисобвараги кредитланади.

Ҳисобваракларнинг кредитида Республика Марказий банкинг хизмат фармойишига асосан ҳисоб-китоб касса марказларидан Марказий банкинг ҳудудий Бош бошқармалариға жўнатилган ва муомалага чиқариш учун рухсат берилган муомалага чиқарилмаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида - 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контур - ҳисобвараги дебетланади. Эмиссия операцияларини ҳисобга олишда яна 90117 ва 90124 ҳисобвараклари ҳам ишлатилади:

- 90117 ҲҚҚМдаги муомалага чиқарилмаган нақд банкнотлар;
- 90124 ҲҚҚМдаги муомалага чиқарилмаган нақд тангалар;

Ушбу ҳисобваракларда республика Марказий банкинг хизмат фармойишига асосан ҳисоб-китоб касса марказлариға кирим қилинган, муомалага чиқарилмаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттириларди. Бундан ташқари бу ҳисобваракда ҳисоб-китоб касса марказий томонидан муомалага чиқарилган банкнот ва тангаларнинг суммаси ҳам акс эттирилади.

Ҳисобваракларнинг дебетида ҳисоб-китоб касса марказлариға кирим қилинган, муомалага чиқарилмаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контур - ҳисобвараги кредитланади.

Ҳисобваракларнинг кредитида ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан муомалага чиқарилган ва жўнатилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контур - ҳисобвараги дебетланади. Йўлдаги пуллар 90131 ва 90138 ҳисобваракларда ҳисобга олинади:

- 90131 Йўлдаги муомалага чиқарилмаган банкнотлар;
- 90138 Йўлдаги муомалага чиқарилмаган тангалар;

Бу ҳисобваракларда Республика Марказий банкинг хизмат фармойишига асосан Ҳудудий Бош бошқармаларнинг ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир-бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган, лекин ҳали келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган, йўлдаги банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

Ҳисобваракларнинг дебетида Республика Марказий банкинг хизмат фармойишига асосан Ҳудудий Бош бошқармаларнинг ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган, лекин ҳали келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган, йўлдаги банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида қуйидагича ҳисобвараклар кредитланади

90117-ҲҚҚМдаги муомалага чиқарилмаган нақд банкнотлар ёки 90124 -ҲҚҚМдаги муомалага чиқарилмаган нақд тангалар.

Хисобваракларнинг кредитида Республика Марказий банкининг хизмат фармойшига асосан худудий Бош бошқармаларнинг ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган банкнот ва тангаларнинг келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи хужжатларга асосан ҳисобдан чиқарилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контро-хисобварағи дебетланади.

Йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган банкнотлар ва тангалар 90145 хисобваракда ҳисобга олиб борилади.

Ушбу ҳисобваракда ўзининг хуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларга алмаштириб берилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош биносига сақлаш учун жўнатилади.

Хисобваракларнинг дебетида ўзининг хуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларга мувофиқ алмаштириб берилаган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контро-хисобварағи кредитланади.

Хисобваракларнинг кредитида Ўзининг хуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларга мувофиқ алмаштириб берилган ва Марказий банкинг Бош биносига сақлаш учун жўнатилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контро-хисобварағи дебетланади. Эмиссия операцияларида ишлатиладиган яна бир ҳисобрақам 90149 бўлиб, унинг номи худудий Бош бошқармаларнинг нақд пулни захира фондидан айланма кассага ўтказиш учун Марказий банкдан олган рухсатномалари ҳисоби олиб борилади.

Бу ҳисобваракда худудий Бош бошқармаларнинг нақд пулни хазина фондидан айланма кассага ўтказиш учун Марказий банкдан олган рухсатномалари ҳисоби олиб борилади.

Хисобваракнинг дебетида - муомалага пул чиқариш учун Республика Марказий банкидан олинган рухсатномалар суммаси акс эттирилади. Ҳисобваракнинг кредитида муомалага пул чиқариш учун худудий Бош бошқармалар томонидан ҲҚҚМига берилган рухсатнома суммаси акс эттирилади. 95497 - «Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобвараларига» кирим қилинган рухсатномалар акс эттирилади. Ойнинг 1-санасига 90149-ҳисобваракда қолдик бўлмаслиги лозим.

Ҳисоб ҳудудий бош бошқармаларда юритилади. Муомалага пул чиқариш тўғрисида берилган рухсатномаларнинг ҳисоби алоҳида махсус шаклдаги дафтарларда юритилади. Захира фондига кирим қилинган суммаларнинг ҳисобини юритиш учун ҳам худди шундай дафтар тутилади.

96303 - Валюталар ҳаракати бўйича контро-хисобварағи юқорида кўрсатилган барча ҳисобвараклари учун мўлжалланган.

Бу ҳисобвараклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки худудий Бош бошқармаларининг ҲҚҚМлари «Давлат белгиси» Д1-ГЧБдан олган муомалага чиқарилмаган банкнотлар ва тангаларнинг белгиланган (номинал) қийматини акс эттирадилар.

Эмиссия операциялари амалга оширилганда, телеграф ва электрон тўловлар бўйича банкнота ва тангалар турларининг ҳар қандай ихтиёрий қўшилишида 90117 ва 90124 ҳисобваракларга янги телеграф кодлари ва шартли индекслар бириктирилади:

1-индекс- Яроқли сўм банкнотлари 90117

2-индекс- Эскирган сўм банкнотлари 90117

3 -индекс- Яроқли танга-тийин 90124

4-индекс- Эскирган танга-тийин 90124

Марказий банкнинг ҲҚҚМ рухсатномаларини бекор қилиш ҳақидаги олган телеграф хабарномаси Марказий банкнинг худудий Бош бошқармасида фақат 90110 ҳисобварағи чиқими бўйича тегишли рухсат телеграммалари ва йиғма шахсий ҳисобварақнинг кўчирма нусхаларига ёзиб ўтказилади. Бекор қилинган рухсатномалар ҳисобига муомалага пул чиқаришга рухсатномалар беришга йўл қўйилмайди.

Марказий банкнинг худудий Бош бошқармаларидан муомалага пул чиқариш тўғрисидаги кредитли электрон авизолар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲҚҚМ га келади ва эмиссия-касса операциялари департаментида 04028181 шаклдаги муомалага пул чиқариш бўйича операцияларининг ҳисоби қайдномасида рўйхатга олиниб асосий ҳисобварақлари ҳамда кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича белгиланган тартибда ўтказилади.

Марказий банкнинг худудий Бош бошқармалари ҲҚҚМларида заҳирадаги фондлар бўйича операциялар ҳисоби 04028136 шаклдаги заҳира фондлари китобида икки нусхада нусха кўчириш қофози орқали қўлда ёзилиб ёки компьютердан чиқариб олиб борилади. Китобнинг биринчи йиртма варағлари ҳисобот қайдномаси хизматини ўтайди. Ойлик ҳисобот қайдномаси юборилгунга қадар заҳира фондлари китоби бўйича оборотлар ва қолдиқлар яқунлари 90117 ва 90124 ҳисобварақлар бўйича таққосланади ва уччала мансабдор шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Таянч иборалар

- эмиссия
- пул билетлари
- банкнота
- тангалар
- касса
- заҳира фонди
- қалбаки пул
- эмиссия рухсатномаси
- ҳисоб-касса маркази

Такрорлаш учун саволлар

1. Эмиссия операциялари деб нимага айтилади?
2. Эмиссия операциялари ким томонидан бажарилади?
3. Эмиссия рухсатномаси нима?
4. Захира фондилари қандай ташкил этилади?
5. Оборот кассасига заҳира фондидан нақд пул бериш қандай тартибда амалга оширилади?
6. Оборот кассасидаги лимитдан ортиқча пул маблағлари заҳира фондига қандай қўйилади?
7. Ҳисоб-касса марказининг фаолияти ҳақида гапириб беринг.

1 -§. Кунлик баланс ва бошқа ҳисоботлар

Тижорат банкларида ҳар куни қонун ва мөбёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда бир катор операциялар бажарадилар. Операцияларнинг бажарилиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тўғрисида ҳисобот тузилишлари ва уларни тегишли ташкилотларга тақдим этишлари лозим. Тижорат банклари томонидан тузиладиган энг асосий ҳисобот кундалик балансидир.

Ўзбекистон Республикаси банклари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида кундалик баланс тузадилар. Бундай ҳисобот шакли ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган. Тижорат банкларининг филиаллари ҳар куни ҳисобваракларнинг кун оҳиридаги қолдиқлари бўйича иккинчи тартиб ҳисобвараклари юзасидан баланс ҳисоботи тузиб, тижорат банкининг вилоят бўлимига тақдим этади. Тижорат банклари филиаллари бу маълумотларни алоҳида файл билан сўм ва тийинларда модем бўйича жўнатадилар.

Тижорат банкларининг вилоят бошқармалари олинган балансларни текшириб, ўз тизимлари юзасидан вилоят бўйича жамланма баланс тузадилар, уни Марказий банкни худудий бош бошқармаларига тақдим этадилар. Марказий банк бош бошқармалари бутун вилоят бўйича баланснинг ҳамда Марказий банк бўйича жамланма балансни умумлаштирадилар ва уни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ишлаб чиқсан махсус дастур ёрдамида модем орқали жўнатадилар.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот департаментида баланслар тижорат банклари бўйича алоҳида, Марказий банк бўйича жамлама баланс тузилади. Марказий банк баланси Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот департаментида таҳлил қилинади, тижорат банкларининг балансини эса тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти таҳлил қиласиди. Таҳлил натижалари бўйича камчиликлар тегишли банкларга маълум қилинади.

Кунлик балансдан ташқари банкда бошқа ҳисоботлар ҳам тузиб борилади, ҳар бир ҳисоботнинг белгиланган шакллари, уларни топшириш муддатлари алоҳида белгиланади.

Ҳисоботларнинг мақсади, топшириш муддатлари ва шакллари «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистика ҳисоботларини ташкил этиш қоидалари» номли 221-йўриқномада баён этилган. Бу ҳисобот шаклларига қўйидагилар илова қилинади:

- 19909 - «Товар моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммалар» номли, 29802 - «Пули тўланадиган ҳисобвараклар» номли, 16505 - «Битказилмаган қурилиш» номли ҳисобвараклар бўйича қолдиқлар қайдномаси;
- аниқлангунча ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўтказилган суммалар қайдномаси, шунингдек қайдномага «Клиринг трансакциялари деган 17301, 23202, «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар 17305, 23206 ҳисобвараклар бўйича қолдиқда турган ҳар бир сумма ҳам киритилади. Юкорида айтилган ҳисобваракларда колдщ булмаса, бу ҳақда баланс ҳисоботига ёзиб қўйилади.

ҳар бир ҳисобот шакли ва қайдномаларини банк раҳбари ҳамда бош бухгалтери муфассал қўриб чиқиши ва имзолаши керак. Касса операциялари бўйича ҳисоботларига улардан ташқари катта кассир ёки касса мудири ҳам имзо чекади. Банкларда худудий вилоят бошқармалари, шунингдек Қорақолпоғистон Республикаси бошқармаси тегишилича ўз банкларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳисобот топширадилар.

Юқори банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисоботлари текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳисобот маълумотларида номувофиқлик борлиги аниқланса, унинг сабаблари энг қисқа муддатда топилиши ва тартибга солиниши лозим. Банкларнинг вилоятлардаги (ҳар куни), республикалардаги (ҳар ойда) раҳбарлари балансларни қўриб чиқишилари ҳамда бош бухгалтернинг уларга қарашли банкларда бухгалтерия иши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахволи, шунингдек, бу ишда аниқланган камчиликларни қандай бартараф этилаётгани тўғрисидаги ахборотни тинглаши керак.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботи таркиби, мундарижаси ва уни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси банкларининг алохига кўрсатмалари билан белгилаб қўйилади. Республика тижорат банклари бухгалтерия балансларини нусхасини ва бошқа шаклдаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли департаментларига тақдим этадилар.

Хозирги кунда банклар «баланс ҳисоботи» деб юритиладиган ҳисоботтузадилар.

Баланс икки қисмидан, яъни актив ва пассив қисмлардан иборат. Актив ва пассив томонларнинг ўзаро тенглиги баланс тўғри чиқарилганлиги, банк иш куни тўлиқ якунланганлигини билдиради. Баланснинг актив томони нақд пуллар, Марказий банк вакиллик ҳисобварафи, хорижий валютадаги пул маблағлари, мажбурий заҳиралар фонди, қимматбаҳо қоғозларга қўйилмалар, кредитлар, сармоялар, асосий воситалар ва номоддий активлар каби асосий ҳисобварақлардан ташкил топган. Пассивлар қисми ўз ичига депозитлар, бошқа банклардан олинган кредитлар, банк чиқарган қарз мажбуриятлари, акционерлик капитали каби ҳисобварақларни олади.

Энди банк баланси актив ва пассивларининг қисқача тавсифларини қўриб чиқамиз. Активлар тавсифини «нақд пуллар»дан бошлаймиз.

Нақд пуллар - банк маблағлари тойифаси бўлиб, банкнинг тўлов фаолиятининг аҳволини белгилайди ва мижозларнинг нақд пулга бўлган талабларини қондириш учун банкнинг мижоз олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини очиб беради.

Банкларнинг вакиллик ҳисобварафи

Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварафи бўлиб, унда айни пайтда банкда маблағлар борлиги акс эттирилади. Ҳар қандай банкнинг ҳисобварафи Марказий банкда турари ва актив ҳисобварақ бўлиб ҳисобланади. Маблағ ўтказиш ёки маблағларнинг тузилиши бўйича банк амалга оширадиган ҳамма операциялар вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади.

Хорижий валютадаги пул маблалари - тижорат банкларининг валюта бозоридаги операциялари ҳажмини белгилайди.

Мажбурий заҳиралар фонди Марказий банкдаги алохига ҳисобварағида турадиган банк маблағлари бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма тижорат банклари томонидан мажбурий тартибда заҳираланади, бу эса тижорат банкнинг ликвидлигини сақлаб туришига маълум даражада кафолат бўлади. Мажбурий заҳиралар фондига ажратмаларнинг фоиз ставкаларини белгилаш Марказий банк томонидан ўтказиладиган тижорат банклари ликвидлигини сақлаб туришининг энг таъсирчан механизми ҳисобланади.

Қимматли қоғозларга қўйилмалари тижорат банкнинг фонд бозоридаги операцияларини акс эттиради ва баланс активининг бошқа кўрсатгичлари билан таққосланганда, қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларда банкнинг амалий фаоллигини ифодалайди. Тижорат банкининг қимматли қоғозлари эмитентлар мақомига қараб икки тоифага бўлинади:

- Ҳукумат ёки Марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар;
- Ҳўжалик юритувчи субъектлар чиқарган қимматли қоғозлар киради.

Ҳукумат ёки Марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар юкори даражада ликвидлиги билан ажралиб турари, аммо бу қоғозларнинг даромадлилиги бошқа эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларнидан бир мунча паст булади.

Кредитлар-тижорат банкларининг ссудага доир операциялари банк фойда олишининг белгиловчи моддаси ҳисобланади. Балансда кредит муддатлари (яъни қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли ссудалар) ва халқ ҳўжалигидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қайси мулкчилик шаклига берилишига қараб классификация қилинади.

Сармоялар-банкнинг ҳўжалик юритувчи бошқа субъектлар, молия. ташкилотлари фаолиятидаги улушли иштирокини кўрсатади. Банк сармоялари корхона фаолиятини бошқариш йўли билан фойда, дивидендлар ёки бошқа турдаги даромад олиш мақсадида банк турли лойиҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини ифодалайди.

Асосий воситалар ва номоддий активлар-банк активларининг асосий моддаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки банк ўз фаолиятини ташкил қилиш учун моддий базага, операцияларни

бажариш учун шарт-шароитга эга бўлиши лозим. Банкнинг асосий воситаларига бино-иншоотларига, капитал қурилиш учун банк томонидан қилинган ҳаражатлар, офис ва иш мебели, жихозлар, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари ва ҳоказолар киради. Марказий банк белгиланган меъёрлар тижорат банкининг капитал ҳаражатлари миқдорини банк активининг 10 фоиз миқдоридачеклайди.

Энди банк балансининг пассив қисмидаги моддалар билан танишибчиқамиз.

Банк балансининг пассив қисми депозитлардан бошланади. Депозитлар-банкнинг бошқа субъектлардан харид қилинган манбаларни ифодалайди. Улар талаб қилиб олинадаган, жамғармали ва муддатли депозитларга бўлинади. Талаб қилиб олинадиган депозитлардан ташқари барча депозитлар кредит ресурсларнинг энг барқарор манбаларидан ҳисобланади. Жалб қилинган манбалардан муддатли депозитлар улушининг ошиши қўйилмаларни узоқроқ муддатга, шу билан бирга, юқорироқ фоиз билан амалга ошириш имконини беради, бу эса банкнинг омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз ҳаражатларни кисқартиради ва фойда олиш ҳамда ликвидлик манфаатларига ҳизмат қиласади.

Бошқа банклардан олинган кредитлар - тижорат банкининг бўш маблағларини қайта тақсимлаш борасида бошқа молия муассасалари билан ўзаро муносабатларини ифодалайди. Аммо, банклараро кредитлар бир томондан бошқа маблағларга нисбатан олишроқ ҳисоблангани билан иккинчи томондан энг қиммат кредит манбалари бўлиб саналади. Тижорат банкининг жалб қилинган маблағларда банклараро кредитлари улушининг катталиги унинг депозит сиёсати яхши ишлаб чиқилмаганligини кўрсатади.

Банк чиқарган қарз мажбуриятлари моддасида Тижорат банки томонидан чиқарилган қарз мажбуриятлари акс эттирилади. Қарз мажбуриятларини чиқаришга банкка узоқ муддатли манбаларни банк учун қулай шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, бу катта хажмдаги қарз маблағлари банк учун қулай бўлиб ҳисобланади, чунки унинг пулини тўлаб ва қайтариб олиш санаси олдиндан маълум бўлади, бу эса ўз навбатида банкнинг тўлай олмаслик хавфини камайтиради.

Банк пассивларининг асосий моддаларидан бири акциядорлик капиталидир. Тижорат банкининг акциядорлик капитали, банкнинг ўз маблағлари ҳажмини ифодалайди. Марказий банк тижорат банкларининг капитал ҳосил қилиш даражаси ва тузилмасини тартибга солиб туради, бу эса банк операцияларини даромадлилигини - яхшилади, умуман тижорат фаолияти муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Банк тизимиға ишончни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкнинг молиявий фаолиятининг сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб бормокда. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига, шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби» тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ банкларнинг эълон қилинадиган ҳисботларига доир Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Ушбу Низомнинг ишлаб чиқилиши Тижорат банклари йиллик ҳисботларининг очик матбуотда эълон қилиниши дунёда муайян даражада ошкоралиги билан ажralиб турадиган банк тизимини яратиш учун дастлабки қадам бўлди. Низомга кўра барча банклар ўз йиллик ҳисботларини, жумладан, баланс ҳисботини матбуотда эълон қилишлари лозим. Қуйида республика банкларидан бирининг йиллик тахминий баланс ҳисботи маълумотларини келтирамиз.

**Банкнинг баланс ҳисоботи (2003 йил
1 январдаги ҳолатига кўра)**

Минг сўм ҳисобида

1.Нақдпуллар	94894
2. Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи	443382
3. Хорижий валютадаги пул маблағлари	598
4. Мажбурий резервлар фонди	148742
5. Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар	673
6. Молия муассасалари, корхоналар ва ташкилотларга, ахолига берилган қарзлар	1350818
Шу жумладан: а) бошқа банкларга берилган қарзлар б) хорижий валютада берилган қарзлар	
7. Инвестициялар	13650
8. Асосий воситалар ва номоддий активлар	553322
9. Бошқа активлар	1798181
Жами активлар	4412260
Мажбуриятлар	
1. Депозитлар, шу жумладан:	1975761
а) Хорижий валютада	
б) Талаб қилиб олингунча сакланадиагн	1566974
в) Жамғарма	21068
г) Муддатли	484138
2. Бошқа банклардан олинган кредитлар	640875
3. Тўланмаган акцентлар	
4. Бошқа пассивлар	1171676
Мажбуриятларнинг ҳаммаси	3884729
С А Р М О Я	
1. Акциядорлик сармояси	202914
2.Резерв сармояси	286894
3.Тақсимланмаган фойда	37723
4.Сармоянинг ҳаммаси	527531
ЖАМИ ПАССИВЛАР	4412260
БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАР	
1 .Банк томонидан берилган кафолатлар ва кафиликлар	241980
2.Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи	111880232
Балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича жами	112122212

Юқоридаги 2003 йил 1 январь ҳолатига берилган баланс ҳисоботида банк активлари 4412260 минг сўмни, банк пассивлари ҳам 4412260 минг сўмни ташкил этган (мажбуриятлар 3884729,0 минг сўм, сармоя 527531,0 минг сўм). Ҳисобот балансида балансдан ташқари ҳисобварақлари бўйича ҳам маълумот берилган бўлиб, улар банк томонидан берилган кафолатлар ҳамда бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ҳисобварақдардир.

Лекин балансдан ташқари ҳисобварақ маълумотлари баланс натижасига таъсир кўрсатмайди, чунки улар балансдан ташқарида ҳисобга олинади.

Эълон қилинаётган тижорат банклари балансларининг шакли Марказий банк томонидан дунё андозаларига мувоғик ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро бухгалтерия ҳисоби тизимида қўлланиладиган тузилишга эга. Демак, тижорат банклари балансининг активлари уларнинг

ликвидлилік даражасига караб жойлаштирилған бўлиб, турли молиявий таваккалчиликларга дучор бўлиш даражаси ҳам ҳисобга олинади. Баланс пассивлари эса муддатлилік даражасига ва қийматига караб муайян тартибда жойлаштирилади.

Таянч иборалар

- Оперативхисобот
- Кундалик баланс
- Йилликбаланс
- Фойдавазараарлартўғрисидагиҳисобот
- Ҳисоботшаклларигаилова

Текшириш учун саволлар

1. Нимаучунбанқдаҳисоботтузилади?
2. Ҳисоботтурларинисанабўтиңг.
3. Кунлик баланс қандайтузилади?
4. Баланс ҳисботинингтузилишинитушунтирибберинг.
5. Ҳисобот шаклларига иловаларда нималар кўрсатилади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1995 й. 26 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 25 апрел.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 й. 4 феврал.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвақлар режаси.
5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобвақлар режаси.
6. Ўзбекистон Республикасида «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш хақида»ги 60-сонли Низом. 2002 й. 12 январ.
7. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобвақлари ҳақидаги 1-сонли йўриқнома. 2001 й. 6 октябр.
8. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисидаги 61-сонли йўриқнома. 1997 й. 5 сентябр.
9. Абдуллаева Ш.З. «Пул, кредит ва банклар» Тошкент 2000 й.
10. Абдуллаева Ш.З, Наврӯзова К.Н. «Банкларда бухгалтерия ҳисоби асослари» Ўқув қўлланма Т. 2001 й.
11. Муругова И. А. Наврӯзова К.Н. «Основа бухгалтерского учета банках» Т. 2001 г.
12. Козлова Е.П, Бабченко Т.Н "Сборник корреспонденций счётов бухгалтерский учета по новому счёtnому плану" М.: Из-во Бухгалтерский учет, 2001 г. 13. Порфенов К.Г "Банковский учет и операционная техника в коммерческих банка" Изд-3-е переработка. М.: ЗАО Бухгалтерский бюллетень 2001 г.

Кўшимча адабиётлар

1. Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора - тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Тошкент 2002 й. 30 март
2. И.А. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" Тошкент 1997 й.
3. Абдуллаева Ш.З "Банк иши" Ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
4. Грязнова А. "Финансово-кредитный энциклопедический словарь" ФиС. 2002 г.
5. Жарковская Е. "Банковское дело" Курс лек. Омега-Л 2002 г.
6. Муллажонов Ф. "Банк тизими" Тошкент 2001 й.
7. Островская О. "Банковское дело" Толковый словарь Гелиос АРВ. 2001 г.
8. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. "Экономика" 2002 г.
9. Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўлов тизими бўйича ҳисоб-китобларни юритиш ҳақидаги 1010-сонли Низом. 2001 й. 15 феврал.
10. Ҳисоб-китоб марказлари фаолиятини ташкил этиш бўйича 400-сонли йўриқнома. 1998 й. 6 июл.
11. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби. 1996 й. 20 сентябр.
12. Банк асосий воситаларини ҳисоби бўйича 518-йўриқнома. 2002 й.
13. Банк кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби бўйича 520-сонли йўриқнома. 2002 й.

14. Депозиторлар миллий ахборот базаси ҳақидаги 263-сонли Низом. 1996 й. 3 октябр.
15. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобвараплари бўйича фоиз ҳисоблаш тартиби ҳақидаги 145-сонли Низом. 1996 й. 20 сентябр.
16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини бажариш тартиби тўғрисидаги 326-сонли Низом. 1997 й. 15 март.
17. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини касса ижросига оид қонунчилик хужжатлари тўплами. Тошкент, "Ўзбекистон", 2003 й. 18. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкасация ва қимматликларни ташишга доир 534-сонли йўриқнома. 2003 й. 17 май.